

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИГА ОИД**

**ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ
ТҮПЛАМИ**

**«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2023**

**УЎК 342.4(575.1)
ББК 67.400.1(5Ў)
Ў 32**

Ўзбекистон Республикаси референдумига оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳукуқий ахборот маркази. Тошкент, 2023 й. – 264 б.

ISBN 978-9943-8166-4-0

**УЎК 342.4(575.1)
ББК 67.400.1(5Ў)
Ў 32**

Масъул муҳаррир: З. Низамходжаев

Таҳрир ҳайъати: *Б. Кучкаров, Х. Маматов,
Ф. Насриддинов, Х. Палуаниязов
И. Хаджиев*

Мазкур тўпламда Ўзбекистон Республикаси референдумига оид қонунчилик ҳужжатлари ўрин олган.

Тўплам референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларига амалий ишда фойдаланиш, кузатувчилар ва референдумнинг бошқа иштирокчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-8166-4-0

© Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
© «Адолат» миллий ҳукуқий
ахборот маркази, 2023 й.

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикасининг Конституяси (<i>кўчирма</i>)	5
Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонуни.....	10
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (<i>кўчирма</i>)	53
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (<i>кўчирма</i>)	55
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (<i>кўчирма</i>).....	58
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ ҚАРОРЛАРИ	
Референдум округлари ҳамда референдум ўтказувчи округ комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида.....	60
Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида.....	92
Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссияларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида.....	152
Ўзбекистон Республикасининг референдумида сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролар ташаббускор гурухларидан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида.....	174

Ўзбекистон Республикасининг референдумида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида.....	181
Референдум даврида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида.....	192
Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида.....	205
Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш тўғрисида	222
Сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш, архивга топшириш ва йўқ килиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида	233
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ	
Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиши чора-тадбирлари тўғрисида.....	243

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ КОНСТИТУЦИЯСИ

(Кўчирма)

9-модда.

Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ мухокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

32-модда.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.

78-модда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари қуидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

- 2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;
- 5) Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;
- 7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;
- 8) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;
- 9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;
- 10) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;
- 11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартариш;
- 12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;
- 13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органлари-ни тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- 14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;
- 15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий

ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшлиши ва муҳокама қилиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилингандан ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

21) парламент назоратини ва ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқиласди.

117-модда.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз ҳоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига

сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичидаги улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккidan ортиқ давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпогистон Республикаси Жўқори Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Конгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими бўйича комиссия мажлисида сайланади.

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

127-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОнуни
«Ўзбекистон Республикасининг референдуми
тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига
ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:
1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 37-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2001 йил 30 август,
265-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида

(янги таҳрири)

I. УМУМИЙ КОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг референдуми

Ўзбекистон Республикасининг референдуми (бундан буён матнда референдум деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир.

Референдум сайловлар билан бир қаторда ҳалқ иродасининг бевосита ифодасидир.

Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади.

Агар референдумда қабул қилинган қарорларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, референдумда қабул қилинган қарорлар фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

(1-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Конунига асосан иккинчи – тўрттинчи қисмлар билан алмаштирилган – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

Референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ўтказилади.

2-модда. Референдум предмети бўлмайдиган масалалар

Куйидаги масалалар референдум предмети бўлиши мумкин эмас:

Ўзбекистон Республикасининг худудий яхлитлигини ўзгартириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва солиқлар; амнистия ва афв этиш;

жамоат тартибини, аҳоли соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фавқулодда ва шошилинч чора-тадбирлар ўtkазиш;

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш; мансабдор шахсларни тайинлаш ва вазифасидан озод этиш.

3-модда. Референдум ўтказилишини истисно этадиган ҳолатлар

Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида жорий этилган ҳарбий вақт ёки фавқулодда ҳолат шароитларида, шунингдек ҳарбий вақт тугаган ёки фавқулодда ҳолат бекор қилингандан кейин уч ой давомида референдум ўтказилмайди.

Референдум натижалари расман эълон қилингандан кейин бир йил давомида мазмун ёки маъносига кўра худди шундай савол қўйилган референдум ўтказилмайди.

4-модда. Референдум тўғрисидаги қонунчилик

Референдум тўғрисидаги қонунчилик Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатdir.

(4-модда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ўРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

5-модда. Референдум ўтказишнинг асосий принциплари

Референдум фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри билдириши асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда иштирок этиши ихтиёрий ва эркиндир. Ўзбекистон Республикаси

фуқароларини референдумда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида уларга, шунингдек хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдумда тенг асосларда иштирок этадилар. Ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади.

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши назорат қилинишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдумда бевосита иштирок этадилар.

6-модда. Референдумда иштирок этиш ҳуқуқи

Референдум ўтказиладиган кунга қадар ёки референдум кунида ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида истиқомат қилаётган ёки турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси референдумда иштирок этишга тўла ҳақлидир.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларида сақланыётган шахслар референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар.

(6-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Конуни таҳририда – Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

Келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятига қараб фуқароларнинг референдумда қатнашиш ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ман этилади.

7-модда. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишида ошкоралик

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишида қатнашаётган давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ўз фаолиятларини ошкора амалга оширадилар.

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишини референдум ўтказувчи комиссиялар амалга оширадилар. Улар фуқароларни ўз ишларидан, округлар, овоз бериш участкалари тузилганлиги, комиссияларнинг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этадилар, овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари билан таништирадилар, овоз бериш якунларидан хабардор қиласидар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари референдумга тайёргарликнинг бориши ва у қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

8-модда. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишида очиқлик

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишига доир барча тадбирларда сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, фуқаролар ташаббускор гурухларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

(8-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Конуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

Манфаатдор ташкилотлар, фуқаролар ташаббускор гурухлари ўз кузатувчилари тўғрисида округ комиссияларига референдум ўтказилишига кечи билан ўн кун қолганида маълум қиласидилар.

(8-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Конуни таҳририда –

*Қонунчилек маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й.,
03/22/779/0528-сон)*

Референдум ўтказувчи округ комиссияси манфаатдор ташкилотдан, фуқаролар ташаббускор гуруҳидан ариза олганидан кейин беш кун ичидаги мандатни кузатувчи учун беради. Бошқа давлатлардан ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларга мандатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

(8-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Қонуни таҳририда – Қонунчилек маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

(8-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Қонунига асосан чиқарилган – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

9-модда. Кузатувчиларнинг ҳуқуқлари

Кузатувчилар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

референдум ўтказувчи округ ва участка комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

референдум участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва овоз бериш қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, овоз бериш бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;

(9-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Қонуни таҳририда – Қонунчилек маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

овозларни санаб чиқиша ва референдум ўтказувчи участка комиссиясининг овоз бериш якунлари тўғрисидаги баёнини тузишда ҳозир бўлиш;

овоз бериш натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли референдум ўтказувчи комиссия томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва олиш;

агар референдумда ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида референдум ўтказувчи юкори комиссияга маълум қилиш.

Кузатувчиларга қўйидагилар ман этилади:

овоз берувчи овоз бериш бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

овоз берувчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

овоз берувчилардан улар қандай овоз берганликларини суриштириш ёки уларга овоз бериш бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

референдум ўтказувчи участка комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан овоз бериш қутиларини муҳрлаш, уларни очиш, овозларни санаб чиқиш чорида аралашиб.

Кузатувчилар ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларига бориши хақида референдум ўтказувчи участка комиссиясини камидан уч кун олдин хабардор қилиши керак.

(9-модда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июнданги ЎРҚ-779-сонли Қонунига асосан учинчи қисм билан тўлдирилган – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

10-модда. Референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари референдум ўтказилишини ёқлаб ёки унга қарши, референдумга қўйилаётган қонун лойиҳаси, амалдаги қонун ёки бошқа масалани ёқлаб ёки унга қарши монеликсиз ташвиқот олиб боришга ҳақлидирлар.

Референдумга қўйиладиган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш мақсадида радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш мумкин.

Ташвиқотни фуқароларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан кўшиб олиб бориш тақиқланади.

Референдум ўтказиладиган кунда ва референдумни ўтказиша бир кун қолганда ташвиқот юритишига йўл қўйилмайди.

(10-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Конуни таҳририда – Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

II. РЕФЕРЕНДУМНИ ТАЙИНЛАШ

11-модда. Референдумни ўтказиш ташаббуси

Референдумни ўтказиш ташаббуси билан:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари;

(11-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 714-II-сон Конуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти чиқиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган субъектлар референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни кўрсатища, референдумга қўйиладиган қонун лойиҳасини ёки ўзга қарор лойиҳасини ишлаб чиқища, шунингдек масала таърифини (моҳиятининг аниқ ифодасини) белгилашда тенг ҳукуқларга эгадирлар.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумни ўтказиш ташаббусини амалга ошириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари агар, референдумда иштирок этиш ҳукуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камидаги беш фоизини ташкил этган фуқаролар имзоси тўпланган бўлса, башарти бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир

маъмурий-ҳудудий тузилма (Қорақалпогистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳри) бўйича бир текис ва мутаносиб равишда тақсимланган бўлса, референдумни ўтказиш ташаббуси ҳукуқини амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасининг референдумда иштирок этиш ҳукуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гурухи референдумни ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш учун камида юз кишидан иборат ташаббускор гурухни тузиши мумкин.

Фуқаролар ташаббускор гурухининг ваколатли вакили гурухни рўйхатдан ўтказишни сўраб Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қўйидагилар илова қилинади:

фуқаролар ташаббускор гурухи аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, турар жой манзили, паспортининг ёки идентификацияловчи ID-картасининг серияси ва рақами кўрсатилган рўйхати;

(12-модда учинчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартағи ЎРҚ-759-сонли Конуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон)

фуқаролар ташаббускор гурухи йиғилишининг ваколатли вакилни тайинлаш тўғрисидаги карори ва унинг номига қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

фуқаролар ташаббускор гурухи референдум ўтказиш тўғрисида ташаббус кўрсатиб қарор қабул қилган йиғилишининг баёни;

референдумга олиб чиқиш учун фуқаролар ташаббускор гурухи таклиф этаётган масаланинг (масалаларнинг) таърифи.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган хужжатларнинг ушбу Конун талабларига мувофиқлигини аниқлагач, улар тушган кундан эътиборан беш кун ичida фуқаролар ташаббускор гурухини рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

Фуқаролар ташаббускор гурухини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ваколатли вакилга тегишли рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси берилади.

Фуқаролар ташаббускор гурухини рўйхатга олиш рад этилгани тақдирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси асосли жавоб беради.

Фуқаролар ташаббускор гуруҳи ўзининг ваколатли вакили рўйхатдан ўтганлик гувоҳномасини олганидан кейингина референдумни ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватловчи имзолар тўплашга ҳақлидир. Бунда фуқароларнинг илгари тўпланган имзолари ҳисобга олинмайди. Фуқаролар ташаббускор гурухига берилган рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси уч ой мобайнода ҳақиқийдир. Имзолар тўплаш бўйича харажатларни фуқаролар ташаббускор гурухи қилади.

Имзо варақасида референдумга қўйилаётган масаланинг таърифи бўлиши керак.

(12-модданинг саккизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Конуни таҳририда – Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

Фуқаролар имзо варақасида ўз фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, турар жой манзили, паспортининг ёки идентификацияловчи ID-картасининг серияси ва рақамини, шунингдек имзо қўйилган санани кўрсатадилар.

(12-модданинг тўққизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартағи ЎРҚ-759-сонли Конуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон)

Референдумга қонун лойиҳаси қўйилган тақдирда, имзолар тўплашни ўтказаётган шахс фуқаронинг талабига биноан шу қонун лойиҳасининг матнини тақдим этиши керак.

Имзо варақасини имзоларни тўплаган шахс, шунингдек фуқаролар ташаббускор гурухининг ваколатли вакили тасдиқлайдилар, бунда улар ўз фамилияси, исми, отасининг исми, турар жой манзили, паспортининг ёки идентификацияловчи ID-картасининг серияси ва рақамини кўрсатадилар.

(12-модданинг ўн биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартағи ЎРҚ-759-сонли Конуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон)

Фуқароларнинг имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқув, тураг жойида, шунингдек ташвиқот қилиш ва имзолар тўплаш қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда ўтказилади. Бунда имзолар тўплабётган шахс фуқароларни ҳар қандай шаклда мажбурлаши ва ўзига оғдириб олишига йўл қўйилмайди.

(12-модданинг ўн иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

Имзолар тўпланганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида алоҳида жилларга тикилган имзо варақалари, шунингдек фуқаролар ташаббускор гурухининг якуний баёни фуқаролар ташаббускор гурухининг ваколатли вакили томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига топширилади.

Хужжатларни тақдим этган шахсга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тушган хужжатларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини текшириди ва имзо варақалари тушган кундан эътиборан ўн кун ичida Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ўз холосасини юборади ҳамда бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентини хабардор қиласи.

(12-модданинг ўн бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 714-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда)

Агар текшириш натижасида имзоларни қалбакилаштириш ҳоллари, ушбу Қонуннинг бошқа бузилишлари аниқланса, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдум ўтказиш тўғрисидаги ташабbus ҳақиқий эмаслиги ҳақида қарор чиқаради. Мазкур қарор нусхаси фуқаролар ташабbускор гурухига юборилади.

13-модда. Референдум тайинлаш ҳуқуқи

Референдум Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти референдум ўтказиш ташаббускори бўлган тақдирда у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаат этиши ёки референдум ўтказиш тўғрисида ўз қарорини қабул қилиши мумкин.

Референдумга қўйилаётган масаланинг матни референдум тайинланганда маъқулланади.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг палаталари томонидан референдумни тайинлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси референдум ўтказиш ташаббусини кўрсатиш тўғрисидаги материалларни ва масъул қўмитанинг холосасини икки ҳафта ичida кўриб чиқиб, қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

референдумни тайинлаш ва уни ўтказишни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида;

референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида;

референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусда таклиф қилинган қонунни ёки бошқа қарорни референдум ўтказмасдан туриб қабул қилиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг референдум масаласига доир қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичida Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига, шунингдек референдум ўтказиш ташаббускорларига юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида қарор қабул қилса, айни шу мазмун ёки маънодаги таъриф билан референдум ўтказиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун бир йил ўтганидан кейингина тақоран киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Сенати референдум ўтказиш ташаббусини кўрсатиш тўғрисидаги материалларни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг референдум ўтказиш ва референдум ўтказиладиган санани тайинлаш тўғрисидаги қарорини, шунингдек масъул қўмитанинг мазкур масала бўйича хуносасини икки ҳафта ичida кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

референдумни тайинлаш ва уни ўтказишни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида;

референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш хақида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг референдум масаласига доир қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичida Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Қонунчилик палатасига, шунингдек референдум ўтказиш ташаббускорларига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Сенати референдумни ўтказиш ва референдум ўтказиладиган санани тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мазкур масалага доир қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Сенати ушбу масала юзасидан қарор қабул қилган кундан эътиборан кечи билан уч кун ичida матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг референдумни ўтказиш ва референдум ўтказиладиган санани тайинлаш тўғрисидаги қарорларида уни ўтказиш санаси белгиланади, бунда овоз бериш палаталарнинг қарорлари эълон қилинган кундан эътиборан бир ярим ойдан уч ойгача бўлган даврда исталган кунга тайинланиши мумкин.

(14-модда Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 714-II-сон Конуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда)

III. РЕФЕРЕНДУМ ОКРУГЛАРИ ВА УЧАСТКАЛАРИ

15-модда. Референдум округларини тузиш

Референдум округлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегараларида тузилади.

Референдум округларининг референдумда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган фуқаролар сони ва референдум ўтказувчи округ комиссиялари жойлашган ер кўрсатилган рўйхатлари референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин кечи билан беш кун ичida Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинади.

16-модда. Референдум участкалари тузиш тартиби ва нормаси

Референдум участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, референдумда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган фуқароларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Референдум участкалари ҳарбий қисмлар, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам тузилади. Бу участкалар ўзлари жойлашган ердаги референдум округларига киради.

(16-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Қонуни таҳририда – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

Референдум участкалари Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилиши мумкин. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган референдум участкаларини тегишли округга биркитиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

(16-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРК-563-сонли Конуни таҳририда – Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

Референдум участкалари туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан референдум ўтказувчи округ комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда референдум участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида референдум участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

(16-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРК-563-сонли Конуни таҳририда – Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

Референдум участкалари референдум тайинлаш тўнрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин ўн беш кундан кечикмай тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам референдум участкалари ана шу муддатда, айrim ҳолларда эса истисно тариқасида референдум ўтказишга камида беш кун қолганда тузилади.

(16-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРК-563-сонли Конуни таҳририда – Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

Референдум участкалари референдумда иштирок этиш ҳукуқига эга бўлган фуқароларнинг, қоида тариқасида, камида йигирма ва кўпи билан уч минг нафаридан иборат этиб тузилади.

IV. РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗУВЧИ КОМИССИЯЛАРНИ ТУЗИШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

17-модда. Референдум ўтказувчи комиссиялар

Референдумни ташкил этиш ва ўтказиш қўйидаги комиссиялар томонидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси;
референдум ўтказувчи округ комиссиялари;
референдум ўтказувчи участка комиссиялари.

Референдум ўтказиш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчиллик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимият вакиллик органларига сайловлар ўтказиладиган бўлса, референдумни ўтказиш тегишли сайлов комиссиялари зиммасига юкланиши мумкин.

(17-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 714-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда)

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси:

Ўзбекистон Республикасида референдум ўтказиш учун ташкил этиладиган референдум ўтказувчи комиссиялар тизимига бошчиллик қиласи, Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ушбу Қонуннинг ижроси устидан назоратни амалга оширади, унинг бир хилда қўлланилишини таъминлайди;

референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади, референдумни ташкил этиш масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қиласи, йўриқномалар чиқаради, низомларни тасдиқлайди ва тушуниришлар беради;

Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатидан фойдаланишга доир фаолиятга умумий раҳбарликни ва бу фаолиятни мувофиқлаштиришни амалга оширади;

референдумни ўтказувчи округларни тузади;

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида тузилган референдум участкаларини тегишли округларга бириктириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

референдумни ўтказувчи округ комиссияларини тузади, шунингдек уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қиласди;

референдумни ўтказувчи комиссиялар таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;

агар референдумни ўтказувчи округ комиссияларининг қарорлари ушбу Қонунга зид бўлса, ушбу қарорларни мустақил равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қиласди;

чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг референдумдаги кузатувчиларига мандатлар беради;

референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини референдумни ўтказувчи комиссияларга тақсимлайди, референдумни ўтказувчи комиссияларнинг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қиласди, референдумни моддий-техник жихатдан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

сиёсий партияларнинг кузатувчилари, фуқароларнинг ташаббускор гурухлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун мандат намунасини белгилайди;

референдумда овоз бериш бюллетенларининг, референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга фуқаролар рўйхатларининг, имзо варагаларининг, референдум ўтказувчи комиссиялар баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуналари ҳамда шаклларини, овоз бериш қутиларининг ва референдум

ўтказувчи комиссиялар муҳрларининг намуналарини, уларни сақлаш тартибини белгилайди;

референдум ўтказувчи комиссиялар, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотларини эшитади;

референдумнинг натижаларини аниқлайди ва референдум якунларини эълон қиласди;

овоз берувчи фуқароларнинг ва референдум бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди, бундан референдум ўтказувчи комиссияларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно;

(18-модданинг ўн олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июнданги ЎРҚ-779-сонли Қонуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

ушбу Қонуннинг талаблари бузилганлиги тўғрисидаги материалларни судга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширади;

хорижий мамлакатлардаги референдумларни кузатища иштирок этади, шу жумладан ҳалқаро ташкилотларнинг миссиялари таркибида иштирок этади;

ҳалқаро ташкилотларни, чет давлатларнинг сайлов органларини ва вакилларини референдумни кузатиш учун таклиф этади;

референдумни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг идоравий архивларга топширилишини таъминлайди;

жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлайди ва ривожлантиради.

(18-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрданги ЎРҚ-563-сонли Қонуни таҳририда – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ушбу Қонун билан тартибга солинмаган ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ва сайлов тўғрисидаги бошқа қонун хужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

(18-модда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июнданги ўРҚ-779-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўйлдирилган – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

19-модда. Референдум ўтказувчи округ комиссиясини тузиш

Референдум ўтказувчи округ комиссияси референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ўн кундан кечикмай комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг саккиз – ўн саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Референдум ўтказувчи округ комиссиялари аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин етти кундан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади.

(19-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июнданги ўРҚ-779-сонли Қонуни таҳририда – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

20-модда. Референдум ўтказувчи округ комиссиясининг ваколатлари

Референдум ўтказувчи округ комиссияси:

1) тегишли округ худудида ушбу Қонун ижросини назорат қиласи;

2) референдум участкаларини тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қиласи;

3) референдум ўтказувчи участка комиссияларини тузади ҳамда уларнинг таркиби ва жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни эълон қиласди;

4) референдум ўтказувчи участка комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

5) маблағларни референдум ўтказувчи участка комиссиялари ўртасида тақсимлайди, участка комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қиласди ва округда референдумни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

6) референдумга қўйилган масаланинг мазмунини тушунтиришга қаратилган тадбирларни ўтказишда оммавий ахборот воситаларига қўмаклашади;

7) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакилларининг, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

8) овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

9) референдум ўтказувчи участка комиссияларини овоз бериш бюллетенлари билан таъминлайди;

10) округ бўйича овоз бериш якунларини аниқлайди ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

11) овоз берувчи фуқароларнинг ва референдум бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди, бундан референдум ўтказувчи комиссияларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно;

(20-модданинг 11-банди Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Конуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022й., 03/22/779/0528-сон)

12) ушбу Конун ва бошқа конунчилик хужжатларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

(20-модданинг 12-банди Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Конуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

21-модда. Референдум ўтказувчи участка комиссиясини тузиш

Референдум ўтказувчи участка комиссияси референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин округ комиссияси томонидан йигирма беш кундан кечикмай беш – ўн тўқиз нафар аъзодан, шу жумладан комиссия раиси, раис ўринbosари ва котибидан иборат таркибда тузилади.

Референдум ўтказувчи участка комиссияси таркибининг сони зарур бўлган ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида референдум ўтказувчи участка комиссияси раисининг вазифаларини уларнинг раҳбари амалга оширади.

Референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли референдум ўтказувчи округ комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

(21-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Конуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

22-модда. Референдум ўтказувчи участка комиссиясининг ваколатлари

Референдум ўтказувчи участка комиссияси:

1) участка бўйича референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатини тузади;

2) фуқароларни овоз берувчи фуқаролар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қиласи ва кўриб чиқади ҳамда

рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

(22-модда биринчи қисмининг учинчи банди Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Қонунига асосан чиқарилган – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

4) ахолини овоз бериш ўтказиладиган кун ва жой тўғрисида хабардор этади;

5) овоз бериш хоналари, кабиналари ва қутилари ҳамда бошқа ашёлар тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

6) референдум участкасида овоз беришни ташкил этади;

7) референдум участкасида берилган овозларни хисоблаб чиқади;

8) овоз беришга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ўтказиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди;

9) ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига муво-
фик ўзга ваколатларни амалга оширади.

(22-модданинг 9-банди Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

23-модда. Референдум ўтказувчи округ ва участка комиссияларига аъзолик

Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайловга ҳамда референдумларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, ахоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин.

(23-модда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Қонунига асосан биринчи қисм билан тўлдирилган – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

Сиёсий партияларнинг аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ташаббускор гурухи таркибига

кирувчи шахслар референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпини бир ташкилотда ишлайдиган шахслар ташкил этадиган бўлса, улар ушбу комиссия таркибига тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда хамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган референдум ўтказувчи участка комиссиялари мустасно.

(23-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Қонунига асосан иккинчи ва учинчи қисмлар билан алмаштирилган – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

Комиссиянинг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш хукуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузган ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келган тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади.

Зарурат бўлганда комиссиянинг янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тасдиқланади.

(23-модданинг еттинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Қонунига асосан ўз кучини йўқотган – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

Айни бир шахс референдум ўтказувчи фақат битта комиссияга аъзо бўлиши мумкин.

24-модда. Референдум ўтказувчи комиссияларнинг ишини ташкил этиш ва уларнинг ваколат муддати

Агар референдум ўтказувчи комиссиянинг мажлисида шу кунги комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок

этса, мажлис ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини баён этишга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма шаклда баёнга илова қилинади. Агар овоздар тенг бўлиниб қолса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

Референдум ўтказувчи комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуий комиссиялар, шунингдек барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийdir.

Референдум ўтказувчи комиссиянинг раиси, раис ўринbosari, котиби ёки бошқа аъзоларидан бири комиссиянинг қарорига биноан референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Бунда референдум ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан унинг ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Референдум ўтказувчи комиссияларнинг аъзоларига референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасида кўрсатилган миқдорда транспорт, овқатланиш харажатларининг ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида компенсация тўланади.

(24-модда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Конунига асосан тўртминчи қисм билан тўлдирилган – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар референдум ўтказувчи комиссияларга ўз ваколатларини амалга оширишлари учун ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар керакли бинолар ва жиҳозларни референдум ўтказувчи комиссиялар ихтиёрига бепул бериб турадилар.

Референдум ўтказувчи комиссия референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ва жамоат бирлашмалари органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш хуқуқига эга. Улар қўйилган масалани кўпи билан уч кун ичida кўриб чиқишилари ва референдум ўтказувчи комиссияга жавоб қайтаришлари шарт.

Референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари референдум натижалари эълон қилинганидан кейин ўз фаолиятларини тутатади.

25-модда. Референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиши

Фуқаролар, шунингдек кузатувчилар референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари устидан ушбу қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичida судга шикоят қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичida Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичida, агар референдумга олти кундан кам ваqt қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилади. Шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқишида бевосита иштирок этиш хуқуқига эга.

(25-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июнаги ЎРҚ-779-сонли Конуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

25¹-модда. Референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши тартиби

Референдум ўтказувчи комиссиялар референдумни ўтказиш даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг ушбу Конун талаблари бузилганлиги ёки референдумни ташкил этишининг бошқа масалалари хусусида ўзига келиб тушган мурожаатларини ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиши, ушбу мурожаатлар бўйича

йича текширувлар ўтказиши ва уч кунлик муддатда уларга ёзма жавоблар бериши, референдумга камида олти кун қолганида ёки овоз бериш куни келиб тушган мурожаатларни эса дарҳол кўриб чиқиб, жавоб қайтариши шарт, бундан референдум ўтказувчи комиссияларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно.

Мурожаатлар қайдлов дафтарида рўйхатга олиниши лозим.

Референдум ўтказувчи комиссиянинг раиси мурожаатни кўриб чиқиш ва унга доир қарор қабул қилиш учун тегишли комиссияни ушбу Қонунда белгиланган муддатларда чақиради ва унинг мажлисини ўтказади. Мажлисга манфаатдор шахслар таклиф этилиши мумкин.

Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколатига кирмайдиган референдум ўтказувчи участка комиссиясига келиб тушган мурожаат уч кунлик муддатда тегишли органларга мурожаат юборган шахс бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда юборилади.

Мурожаатни кўриб чиқсан референдум ўтказувчи комиссиялар аъзолари уни кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарор тўғрисида мурожаат юборган шахсни хабардор қилиши шарт.

(25¹-модда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Қонунига асосан киритилган – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

V. ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ РЎЙХАТЛАРИ. РЕФЕРЕНДУМДА ОВОЗ БЕРИШ БЮЛЛЕТЕНИ

26-модда. Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларини тузиш

Референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур референдум участкаси худудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилади.

Рўйхатга овоз берувчи ҳар бир фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва турар жой манзили киритилади.

Ҳар бир фуқаро овоз берувчиларнинг фақат битта рўйхатига киритилиши мумкин.

Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхати асосида тузилади.

(26-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Конунига асосан тўртинчи қисм билан алмаштирилган – Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

Ҳарбий қисмлардаги овоз берувчи ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа фуқароларнинг рўйхатлари, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қиласалар, ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг турар жойлари бўйича умумий асосларда овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкалари бўйича фуқароларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

(26-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Конуни таҳририда – Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

Овоз берувчи фуқароларнинг фамилиялари рўйхатларда овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади.

26¹-модда. Чет давлатларда турган фуқароларни овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига киритиши

Чет давлатларда турган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколат-

хоналари ҳузурида тузилган референдум ўтказувчи участка комиссияларига уларни овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритиш тўғрисида референдумдан ўн беш кун олдин ёзма шаклда ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган референдум ўтказувчи участка комиссиялари чет давлатларда турган фуқароларнинг уларни овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритиш тўғрисидаги мурожаатида кўрсатилган шахсга доир маълумотларини уч кун ичидаги текширади ва фуқарони овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритиш ҳақидаги масалани ҳал қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган референдум ўтказувчи участка комиссиялари овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни дарҳол Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига тегишли тузатишлар киритиш учун тақдим этади.

(26¹-модда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ўРҚ-779-сонли Конунига асосан киритилган – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

27-модда. Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари билан таништириш

Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари овоз бериш кунига ўн кун қолганда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида,

санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қиин бўлган ерларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкаларда эса овоз бериш кунига етти кун қолганида ҳамма танишиши учун тақдим қилинади. Референдум ўтказувчи участка комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида фуқароларни хабардор этади.

Фуқароларга референдум ўтказувчи участка комиссияси биносида ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти орқали овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади. Чет давлатларда турган фуқароларга овоз берувчи фуқаролар рўйхатидаги ўзига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари расмий веб-сайтлари орқали ҳам таъминланади.

(27-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Конуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш референдумга беш кун қолганида тўхтатилади.

(27-модда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Конунига асосан учинчи қисм билан тўлдирилган – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

28-модда. Овоз берувчи фуқаролар рўйхатлари хусусида баҳслашув

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси овоз берувчи фуқаролар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида референдум ўтказувчи участка комиссиясига арз қилиши мумкин. Референдум ўтказувчи участка комиссияси йигирма тўрт соат ичida бундай аризани текшириб чиқиши ва хатоларни

тузатиши ёки аризачига унинг аризаси рад этилишининг асослари кўрсатилган ҳолда маълумотнома бериши шарт.

Референдум ўтказувчи участка комиссиясининг хатти-харакати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

(28-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Қонуни таҳририда – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

29-модда. Референдумда овоз бериш бюллетени

Референдумда овоз бериш бюллетенида референдумга қўйилаётган масаланинг матни аниқ акс эттирилади ва овоз берувчи хоҳиш-иродасининг варианatlари «ҳа» ёки «йўқ» ёхуд «рози» ёки «қарши» деб кўрсатилади.

(29-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 26 октябрдаги ЎРҚ-796-сонли Қонуни таҳририда – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.10.2022 й., 03/22/796/0966-сон)

Референдумга бир нечта масала қўйилганда улар битта овоз бериш бюллетенига киритилади, кетма-кет рақамлаб чиқилади ва бири иккинчисидан горизонтал чизиклар билан ажратилади. Қонун лойиҳаси бирон-бир моддасининг муқобил матнлари ҳам кетма-кет рақамлаб чиқилади ва бири иккинчисидан горизонтал чизиклар билан ажратилади.

Овоз бериш бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак.

Бюллетенлар давлат тилида, шунингдек референдум ўтказувчи округ комиссиясининг қарорига биноан тегишли референдум округи аҳолисининг кўпчилиги муомала қиладиган тилларда чоп этилади.

Овоз бериш бюллетенлари Брайль алифбоси асосида тайёрланиши мумкин.

(29-модда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Қонунiga асосан бешинчи қисм билан тўлдирилган – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

30-модда. Референдумда овоз бериш бюллетенларини етказиб бериш

Референдум ўтказувчи участка комиссиялари овоз бериш бюллетенларини референдум ўтказиладиган кунга, шу жумладан муддатидан олдин овоз бериш кунига камида уч кун қолганида округ комиссияларидан олади. Овоз бериш бюллетенлари берилганлиги ва олингандигини референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби тегишли хужжатда ўз имзоси билан тасдиқлайди.

(30-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Конуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

Референдум ўтказувчи участка комиссияси оладиган овоз бериш бюллетенларининг сони участка бўйича рўйхатларга киритилган фуқаролар сонининг ярим фоизидан кўп бўлиши мумкин эмас. Овоз бериш бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига референдум ўтказувчи участка комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар референдум ўтказувчи участка комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Участка комиссияси томонидан тасдиқланмаган овоз бериш бюллетенлари овозларни санаб чиқишида ҳисобга олинмайди.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган референдум участкаларида овоз берувчилар сони ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси овоз бериш бюллетенларининг тайёрланиши ва етказиб берилишини таъминлайди.

(30-модда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Конунига асосан учинчи қисм билан тўлдирилган – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

VI. ОВОЗ БЕРИШ ВА РЕФЕРЕНДУМ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ

31-модда. Овоз бериш биноси

Овоз бериш маҳсус ажратилган биноларда ўтказилиб, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланган бўлиши, овоз бериш бюллетенлари тақдим этиладиган жой аниқланган ва овоз бериш қутилари ўрнатилган бўлиши лозим. Овоз бериш қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади.

Овоз бериш биносида ёки бевосита унинг олдида участка комиссияси стенд жиҳозлайди, унга овоз бериш бюллетенининг намунаси ва уни тўлдириш тартиби жойлаштирилади, агар референдумга қонун лойиҳаси қўйилган бўлса, стендга шу лойиҳанинг матни ҳам жойлаштирилади. Агар референдумга қўйилган қонун лойиҳаси амалдаги қонуннинг бекор қилинишини ёки унга ўзгартишлар ёхуд қўшимчалар киритилишини назарда тутса, стендга бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёхуд қўшимчалар киритилиши таклиф қилинаётган амалдаги қонун матни жойлаштирилади.

(31-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 26 октябрдаги ЎРҚ-796-сонли Қонуни таҳририда – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.10.2022 й., 03/22/796/0966-сон)

Туман, шаҳар ҳокимлиги овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир участкани бино билан таъминлайди.

Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти референдум ўтказувчи участка комиссияси зиммасида бўлади.

32-модда. Овоз бериш вақти ва жойи

Овоз бериш референдум куни соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка комиссияси референдум ўтказиладиган кунга камида ўн кун қолганда фуқароларни хабардор қиласи.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларида, агар рўйхатга киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, участка комиссияси овоз бериш тугаганлигини исталган вақтда эълон қилиши мумкин.

(32-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Конуни таҳририда – Конун ҳужжатлари маълумотлари миллӣй базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

33-модда. Овоз беришининг бошланиши

Референдум куни овоз бериш биноси референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзоларининг камидаги очилади. Референдум ўтказувчи комиссия раиси комиссия аъзолари ҳозирлигига овоз бериш қутисини муҳрлайди, овоз бериш бюллетенлари ва референдумда иштирок этиш ҳукуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда овоз бериш бошланганлигини эълон қиласди. Овоз бериш бюллетенларининг умумий сони алоҳида хужжат билан расмийлаштирилади.

34-модда. Овоз беришда иштирок этувчи фуқаронинг шахсини аниқлаш

Овоз бериш биносига келгач, фуқаро участка комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатади ҳамда овоз берувчи фуқаролар рўйхатига имзо кўяди. Шундан кейин унга овоз бериш бюллетени берилади.

Бирор-бир сабабга кўра рўйхатга кирмай қолган фуқароларнинг фамилиялари шахсни, турар жойни тасдиқловчи хужжатга асосан овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасига киритилади.

35-модда. Овоз бериш тартиби

Референдумда овоз бериш бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Овоз бериш бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган фуқаро ўз хошишига кўра, референдум ўтказувчи комиссия таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир.

Фуқаролар овоз бериш бюллетенида референдумга қўйилаётган масала бўйича ўзи овоз бераётган вариант рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «✓» ёхуд «✗» белгисини қўяди.

(35-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 26 октябрдаги ЎРҚ-796-сонли Қонуни таҳририда – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.10.2022 й., 03/22/796/0966-сон)

Тўлдирилган бюллетенни фуқаро овоз бериш қутисига ташлайди. Овоз бериш қутилари референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзоларига ҳамда кузатувчиларга кўриниб туриши керак.

Бузиб қўйилган овоз бериш бюллетени фуқаронинг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган овоз бериш бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

(35-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Қонунига асосан ишқарилган – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

Айрим фуқаролар соғлигининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган тақдирда, уларнинг илтимосига кўра референдум ўтказувчи участка комиссияси овоз беришни ана шу фуқаро турган жой бўйича, кўчма овоз бериш қутиларидан фойдаланиб ташкил этади.

(35-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Қонуни таҳририда –

*Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й.,
03/19/563/3685-сон)*

Фуқароларнинг аризалари бўйича йўлга тушадиган участка комиссиясининг аъзолари аризалар сонига тенг миқдордаги бюллетенларни имзо чекиб оладилар. Фуқаролар аризаларининг сони, шунингдек ишлатилган ва қайтарилиган овоз бериш бюллетенларининг сони алоҳида далолатномада қайд этилади. Бир вақтнинг ўзида овоз берувчи фуқаролар рўйхатида фуқаро референдум участкаси биносидан ташқарида овоз берганлиги қайд этиб қўйилади. Участка комиссияси аъзолари референдум участкаси биносига қайтганларидан кейин кўчма овоз бериш қутиси овозларни санаб чиқиш бошлангунча очилмайди. Овоз беришни референдум участкаси биносидан ташқарида ташкил этиш ва ўтказиш овоз бериш сирининг ошкор бўлиши ёки фуқаронинг хоҳиш-иродаси бузуб кўрсатилиши эҳтимолини истисно этиши керак.

Референдум ўтказувчи участка комиссиясининг аъзоси ёки кузатувчи овоз бериш сирини ошкор қиласа ёки фуқароларнинг хоҳиш-иродасига таъсир кўрсатишга ҳаракат қиласа, участка комиссиясининг аъзоси комиссия ишида иштирок этишдан четлаштирилади, кузатувчи эса овоз бериш биносидан дарҳол чиқариб юборилади. Бу ҳақда референдум ўтказувчи участка комиссияси қарор қабул қиласи.

35¹-модда. Муддатидан олдин овоз бериши

Референдум куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган овоз берувчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш референдумга ўн кун қолганида бошланади ва референдумга уч кун қолганида тутгалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва фуқароларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

(35¹-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Қонуни таҳририда –

*Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й.,
03/22/779/0528-сон)*

Овоз берувчи муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун референдум кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка комиссиясидан референдумда овоз бериш бюллетенини олади.

Овоз берувчи референдумда овоз бериш бюллетенини олганлиги ҳакида тегишли участка комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигига овоз берувчи фуқаролар рўйхатига имзо қўяди.

Референдумда овоз бериш бюллетени маҳсус жихозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида овоз берувчи томонидан тўлдирилади.

Овоз берувчи қарор қабул қиласи ва тўлдирилган референдумда овоз бериш бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради, конверт тегишли участка комиссиясининг сейфида сақланади. Конвертнинг елимланган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри билан тасдиқланади.

(35¹-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июнданги ЎРҚ-779-сонли Конуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

35²-модда. Фуқаронинг чет давлатда турган жойида овоз бериши

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва чет давлатларнинг ваколатли давлат ҳокимияти органлари билан келишувларга мувофиқ чет давлатларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларда муддатидан олдин овоз бериш фуқаронинг турган жойида ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхонаси хузурида тузилган референдум ўтказувчи участка комиссияси фуқароларнинг турган жойида овоз бериш вақти ҳамда жойи тўғрисида қарор қабул қиласи ва бу ҳақда

фуқароларни, кузатувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этади.

Фуқароларнинг турган жойида овоз бериши Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхонаси хузурида тузилган референдум ўтказувчи участка комиссиясининг камидаги икки нафар аъзоси ҳозирлигига ўтказилади.

Овоз бериш тугаганидан кейин референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзолари кўчма овоз бериш қутисини очади, унинг ичидаги овоз бериш бюллетенларини санамасдан маҳсус қопга жойлайди, қопни пломбалайди ва бу ҳақда далолатнома тузади.

Овоз бериш бюллетенлари солинган қоп пломбалангандан ҳолда далолатнома билан бирга референдум участкасига олиб борилади ва референдум куни овозларни санаб чиқиш жараёни бошлангунига қадар сақланади.

(35²-модда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июнданги ЎРҚ-779-сонли Конунига асосан киритилган – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

36-модда. Референдум участкасида овозларни санаб чиқиши

Овоз бериш тугагач, фойдаланилмаган барча овоз бериш бюллетенлари овоз бериш қутиларини очишдан олдин референдум ўтказувчи участка комиссиясининг аъзолари иштирокида санаб чиқилади ва референдум ўтказувчи участка комиссияси томонидан бекор қилинади.

Овоз бериш қутилари референдум ўтказувчи участка комиссиясининг раиси овоз бериш тугади деб эълон қилганидан кейин референдум ўтказувчи участка комиссияси томонидан очилади. Овоз бериш тугагунига қадар овоз бериш қутиларини очиш тақиқланади. Овоз бериш қутиларини очиш навбатнавбат амалга оширилади, аввал кўчма, сўнгра стационар овоз бериш қутилари очилади.

Овозлар бевосита референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзолари томонидан санаб чиқилади.

Овоз бериш бюллетенининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилса, масала референдум ўтказувчи участка комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади. Овоз бериш бюллетенини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинса, участка комиссияси унинг орқа томонида ҳақиқий эмаслигининг сабабларини кўрсатади. Бу ёзув референдум ўтказувчи участка комиссияси камидаги уч аъзосининг имзолари билан тасдиқланади.

Референдум ўтказувчи участка комиссияси референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг умумий сонини, бюллетенларни олган фуқароларнинг сонини аниқлайди.

Овоз бериш қутиларидаги овоз бериш бюллетенларига асосан комиссия:

овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг сонини;

референдумга қўйилган масалани ёқлаб берилган овозлар сонини;

референдумга қўйилган масалага қарши берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган овоз бериш бюллетенлари сонини аниқлайди.

Овозларни санаб чиқиш натижалари референдум ўтказувчи участка комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилиб, баёнда акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланади ва белгиланган тартибда референдум ўтказувчи тегишли округ комиссиясига тақдим этилади.

37-модда. Округ бўйича овоз бериш якунларини аниқлаш

Референдум ўтказувчи участка комиссияларининг баёнлари асосида округ комиссияси:

референдум округи бўйича овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган фуқароларнинг умумий сонини;

(37-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Конуни таҳририда – Конунчиллик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

овоз бериш бюллетенларини олган фуқароларнинг сонини;
овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг сонини;

референдумга қўйилган масалани ёқлаб берилган овозлар сонини;

референдумга қўйилган масалага қарши берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган овоз бериш бюллетенлари сонини аниқлайди.

Референдум ўтказувчи участка комиссиясининг баённомаларида акс эттирилган овозларни санаб чиқиш чорида номувофиқликлар аниқланган тақдирда, референдум ўтказувчи округ комиссияси ўз мажлисида участка комиссиясига ушбу номувофиқликларни бартараф этишни таклиф қилишга ҳақли.

(37-модда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Конунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган – Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

Округ бўйича овоз бериш натижалари референдум ўтказувчи округ комиссияси мажлисида аниқланиб, баённомага киритилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланади ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади. Мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун дарҳол референдум ўтказувчи округ комиссиясининг биносига камида қирқ саккиз соат муддатга осиб қўйилади.

(37-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июндаги ЎРҚ-779-сонли Конуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

38-модда. Референдум натижаларини аниқлаш

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдум ўтказувчи округ комиссияларининг баёнлари асосида:

Ўзбекистон Республикасининг овоз берувчи фуқаролари умумий сонини;

овоз бериш бюллетенларини олган фуқароларнинг сонини;
овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг сонини;

референдумга қўйилган масалани ёқлаб берилган овозлар сонини;

референдумга қўйилган масалага қарши берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган овоз бериш бюллетенларининг сонини аниқлайди.

Агар овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, қарор референдумда қабул қилинган деб топилади.

Агар рўйхатга киритилган фуқароларнинг ярмидан ками референдумда иштирок этган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдумни ўтмаган деб топади.

Овоз бериш чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли овоз бериш якунлари умуман ёки айrim округлар ёхуд айrim участкалар бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Овоз бериш якунларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан референдум якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичida Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Айrim округлар ёки айrim участкаларда овоз бериш якунлари ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан ана шу округлар ёки участкалар бўйича овоз бериш натижалари (агар бу натижаларсиз ҳам референдум умуман ҳақиқий деб топилиши мумкин бўлса) умумий натижалардан чиқариб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мажлисида овоз бериш якунлари чиқарилади ва бу хақда баён тузилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссиянинг котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланади. Референдум якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қабул қиласди.

VII. РЕФЕРЕНДУМДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАРНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ, КУЧГА КИРИШИ ВА МАЖБУРИЙЛИГИ

39-модда. Референдум якунларини эълон қилиши

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдум якунлари бўйича қабул қилинган қарорни референдум ўтказилгандан кейин кўпи билан ўн кун ичидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва расмий манбаларда эълон қиласади.

Референдумда қонун қабул қилинган тақдирда, унинг матни референдум якунлари бўйича қарор билан бирга эълон қилинади.

(39-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июнданги ЎРҚ-779-сонли Конуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

40-модда. Референдумда қабул қилинган қарорларнинг кучга кириши

Агар референдумда қабул қилинган қарорнинг, қонуннинг мазмунидан бошқача қоида келиб чиқмаса, референдумда қабул қилинган қарор, қонун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан референдум якунлари расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Референдумда қабул қилинган қарор, шу жумладан қонун шаклида қабул қилинган қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан референдум якунлари расмий эълон қилинган куннинг ўзида унинг ижросини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

(40-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июнданги ЎРҚ-779-сонли Конуни таҳририда – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

41-модда. Референдумда қабул қилинган қарорлар-нинг мажбурийлиги

Референдумда қабул қилинган қарор Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлади ва Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари билан бирон-бир тарзда тасдиқ талаб қилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатлари референдум қарорига мувофиқлаштирилмори лозим.

Референдумда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим нормаларига ўзгартириш киритишни тақозо этувчи қарор қабул қилинган тақдирда, бу нормалар референдум қарорига мувофиқлаштирилади.

Агар референдумда қабул қилинган қарорни амалга ошириш учун норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиш талаб этилса, давлат ҳокимияти органи референдумда қабул қилинган қарор кучга кирган кундан эътиборан ўн кун ичida ушбу масала бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар рўйхатини ва уларни тайёрлаш мuddатини ўз ваколатлари доирасида белгилаши шарт.

(41-модда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 июн-даги ЎРҚ-779-сонли Конунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган – Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон)

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

42-модда. Референдумни молиялаштириш

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ушбу мақсадлар учун ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

(42-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли Конуни таҳририда – Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон)

Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини ихтиёрий равишда референдум ўтказиш учун беришлари мумкин. Бу маблағларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

43-модда. Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўгерисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарлик

Фуқароларнинг референдумда иштирок этиш, референдум масалалари юзасидан ташвиқот юритиш хукуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсататган шахслар, шунингдек сохта ҳужжатлар тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чикқан, яширин овоз беришни бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган мансабдор шахслар, референдум ўтказувчи комиссияларнинг аъзолари, фуқаролар ташаббускор гурухларининг аъзолари белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

(Кўчирма)

146-модда. Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўєрисидаги қонунчиликни бузиш

Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вактида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гурӯҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варакаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

147-модда. Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўйсқинлик қилиш

Фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек фуқароларнинг референдумда эркин иштирок

этишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш, –

тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

(Кўчирма)

51²-модда. *Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш*

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш, худди шунингдек уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51³-модда. *Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик*

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайрихукуйӣ равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁴-модда. Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш

Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш, –

мансадбор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁵-модда. Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш

Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁷-модда. Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўtkазиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш

Биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўtkазиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁸-модда. Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш

Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш микдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан йигирма бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁹-модда. Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш

Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш микдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг МАъМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТҮГРИСИДАГИ КОДЕКСИ

(Кўчирма)

27-модда. Суд томонидан ҳал этиладиган ишлар

Суд:

- 1) идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- 2) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-хуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг конунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг хуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- 3) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- 4) нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- 5) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги;
- 6) ушбу Кодекснинг 27¹-моддасида кўрсатилган инвестиция низолари бўйича;

7) ушбу Кодекснинг 27²-моддасида кўрсатилган рақобат тўғрисидаги ишларни ҳал қиласди.

Суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳукуқий муносабатлардан юзага келадиган, қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам ҳал қиласди.

142-модда. Сайлов комиссияларининг хатти-ҳарақатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиши муддати ва тартиби

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Шикоят суд томонидан аризачини ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, шунингдек, прокурорни, агар шикоят аризачига эмас, балки бошқа фуқарога даҳлдор бўлса, ўша шахсни ҳам чақирган ҳолда кўриб чиқиласди. Бу шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўскинлик қиласди.

Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилади.

167-модда. Ҳал қилув қарорини ижрога қаратиш

Ҳал қилув қарори у қонуний кучга кирганидан сўнг ижрога қаратиласди.

Идоравий норматив-ҳукуқий ҳужжат ва сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларга доир ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши лозим.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНинг
ҚАРОРИ**

**Референдум округлари ҳамда референдум
ўтказувчи округ комиссиялари тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги
Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси қарор қиласди:

1. Референдум округлари ҳамда референдум ўтказувчи
округ комиссиялари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ
тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.
3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон
Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг
ўринбосари Б. Кучкаров зиммасига юклансин.

Раис

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 июнь,
1171-сон

3. Низамходжаев

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2022 йил 28 июнядаги 1171-сон қарорига
ИЛОВА

**Референдум округлари ҳамда референдум
ўтказувчи округ комиссиялари тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конунга мувофиқ референдум округларини тузиш, референдумни ўтказувчи округ комиссияларининг (бундан буён матнда округ комиссиялари деб юритилади) таркибини тасдиқлаш ва округ комиссиялари фаолиятининг тартибини белгилайди.

I боб. Референдум округларини тузиш

1. Референдум округлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) томонидан Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузилади.

2. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни томонидан округ комиссиялари жойлашадиган бино ва унинг манзили тўғрисидаги маълумотлар референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинган кундан эътиборан уч кунлик муддатда Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

3. Марказий сайлов комиссияси референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин кечи билан беш кун ичida тақдим этилган хужжатлар асосида референдум округларининг рўйхатини, уларнинг чегараларини, референдумда иштирок этиш хукуқига эга бўлган фуқаролар сонини (Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати асосида, референдум

округлари кесимида) ва округ комиссиялари жойлашадиган биноларнинг манзилини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қиласди.

Марказий сайлов комиссиясининг ушбу қарори комиссиянинг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида эълон қилинади. Қарор бошқа манбаларда ҳам эълон қилиниши мумкин.

II боб. Округ комиссияларини тузиш

4. Округ комиссиялари аъзолигига номзодлар Коракалпогисон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин етти кундан кечикмай Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Корақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг округ комиссияси аъзолигига номзодларни тавсия этиш тўғрисидаги қарорлари Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

5. Округ комиссияси референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан ўн кундан кечикмай комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг саккиз – ўн саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Округ комиссияларининг таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги Марказий сайлов комиссиясининг қарори комиссиянинг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида эълон қилинади. Қарор бошқа манбаларда ҳам эълон қилиниши мумкин.

III боб. Округ комиссиялари аъзоларига қўйиладиган талаблар

6. Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайловга ҳамда референдумга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга

бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар округ комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин.

Референдум ўтказувчи бошқа комиссияларнинг аъзолари, сиёсий партияларнинг аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ташаббускор гурухи таркибига кирувчи шахслар округ комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

7. Округ комиссияси аъзоларини шакллантиришда қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятигининг бошқа институтлари вакиллари;

хуқуқий билим ва малакага эга шахслар (юрисконсультлар, адвокатлар ва ҳ.к.);

хорижий тилларни биладиган мутахассислар.

8. Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (бундан буён матнда СЖБАТ деб юритилади) ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (бундан буён матнда СЯЭР деб юритилади) компьютер дастурлари билан ишлаш учун ҳар бир округ комиссияси таркибида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларида билим ва амалий кўниммага эга камида икки нафар шахс (асосий ва захира) бўлиши тавсия этилади.

9. Референдум комиссиялари таркибида, шу жумладан раҳбарлик лавозимларида аёл ва эркакларнинг тенг вакиллигини таъминлашга эътибор қаратилиши керак.

IV боб. Округ комиссияларига аъзолик

10. Округ комиссияси аъзосига мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда гувоҳнома берилади.

Округ комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва комиссия аъзоларининг гувоҳномалари Марказий сайлов

комиссиясининг раиси томонидан имзоланади ва Марказий сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади.

11. Округ комиссиясининг қарорига биноан комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоларидан бир нафари ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилиши мумкин.

12. Округ комиссияси аъзоси округ комиссияси таркибидаги фаолияти даврида Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексида назарда тутилган давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш билан боғлиқ кафолатлардан фойдаланади.

13. Округ комиссиясининг аъзоси «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конунга мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан қўйидаги ҳолларда ўз вазифаларини бажаришдан озод этилиши мумкин:

ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясига шахсан берган аризасига мувофик;

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конун талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларига мунтазам равишда эътиборсизлик қилган тақдирда.

Бунда комиссия аъзосининг «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конун талабларини бузганилиги ёки зиммасидаги мажбуриятларга мунтазам равишда эътиборсизлик қилганлигига оид ҳолат у аъзо бўлган округ комиссиясининг далолатномаси билан расмийлаштирилади.

14. Округ комиссиясининг аъзоси комиссия таркибидан чиқарилган ёки округ комиссияси аъзоларининг сони кўпайтирилган ҳолларда округ комиссиясининг янги аъзоси «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конун ва мазкур Низомда белгиланган тартибда тасдиқланади.

V боб. Округ комиссияларининг ваколатлари

15. Округ комиссияси:
тегишли округ худудида «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конун ижроси устидан назоратни

амалга оширади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди;

референдум участкаларини тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қиласди;

референдум ўтказувчи участка комиссияларини (бундан буён матнда участка комиссиялари деб юритилади) тузади ҳамда уларнинг таркиби ва жойлашган манзили, телефон рақами тўғрисидаги маълумотларни эълон қиласди;

участка комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

участка комиссияларига ташкилий-услубий ёрдам беради, уларни референдумга оид қонунчилик ҳужжатлари, шу жумладан Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, низомлари, йўриқномалари ва бошқа ҳужжатлари билан таъминлайди;

пул маблавларини участка комиссиялари ўртасида тақсимлайди, участка комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қиласди ҳамда тегишли округда референдумни моддий-техника жиҳатдан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

участка комиссияларини овоз бериш бюллетенлари билан таъминлайди;

сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва фуқаролар ташаббускор гурухларининг кузатувчиларига (бундан буён матнда маҳаллий кузатувчилар деб юритилади) мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда мандат беради;

референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни (ўқув машрутлари, семинарлар, конференциялар, давра сухбатлари ва хоказоларни), референдум иштирокчилари, шу жумладан участка комиссиялари аъзолари учун ўтказишида фаол иштирок этади;

округ комиссияси хузуридаги матбуот марказининг фаолиятини ташкил этади;

референдумга қўйилган масаланинг мазмунини тушунтиришга қаратилган тадбирларни ўтказишида оммавий ахборот воситаларига кўмаклашади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакилларининг, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

тегишли округ бўйича овоз бериш якунларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

овоз берувчи фуқароларнинг ва референдум бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди, бундан референдум ўтказувчи комиссияларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно;

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конун, мазкур Низом ва бошқа қонунчилик хужжатларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

16. Округ комиссияси раиси:

округ комиссияси фаолиятига раҳбарлик қиласди;

округ комиссияси мажлисларини чақиради, уларда раислик қиласди ва уни ўтказиш тартибини белгилайди;

комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

округ комиссияси мажлисларида иштирок этиш учун давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, ташкилотлар вакилларини ва бошқа мансабдор шахсларни тақлиф этади;

давлат органлари, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан муносабатларда округ комиссияси номидан иштирок этади;

округ комиссияси жойлашган бинонинг жиҳозланишини ташкил этади;

округ комиссиясининг баённомаларини, қарорларини, участка комиссияси раисларининг, маҳаллий кузатувчиларнинг гуваҳномаларини ҳамда бошқа хужжатларни имзолайди;

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни комиссия аъзолари ўртасида кўриб чиқиш учун тақсимлайди;

округ комиссияси аъзоларининг овоз бериш кунидаги вазифаларини белгилайди;

маҳаллий кузатувчилар ҳамда бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари билан комиссия номидан иш олиб боради;

референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, ҳуқуқбузарликка оид материалларни тўплаб судга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим қиласди;

Ўзбекистон Республикаси бюджетидан участка комиссияси фаолиятини таъминлаш учун ажратилган маблагларни участка комиссиялари ўртасида тақсимлайди ва уларнинг мақсадли фойдаланишини назорат қиласди;

округ бўйича референдумда овоз бериш жараёни ва якунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссиясига ахборот беради;

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунга ҳамда мазкур Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Округ комиссияси раиси ўз ваколатларини бажара олмаган, шунингдек округ комиссияси раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари раис ўринбосари ёки округ комиссияси қарори билан комиссия аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилиди.

17. Округ комиссияси раисининг ўринбосари:

округ комиссияси раиси ўз ваколатларини бажара олмаган тақдирда, унинг ваколатларини амалга оширади;

комиссия аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

округ комиссияси аъзоларининг малакасини ошириш ва уларнинг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этади;

оммавий ахборот воситалари вакиллари билан алоқалар ўрнатади, уларда комиссия фаолиятини ҳар томонлама ёритилишини ташкиллаштиради;

маҳаллий кузатувчиларни, оммавий ахборот воситалари вакилларини, шунингдек бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни тегишли референдум ўтказувчи комиссия томонидан берилган ҳужжатлар асосида рўйхатга олишни ташкиллаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларни, шунингдек уларнинг вакилларини қабул қиласи ва уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиши ташкил этади;

округ комиссияси аъзоларини жалб этган ҳолда комиссия қарорлари ижросини таъминлайди;

округ комиссияси раисининг топшириқларини бажаради;

ўз ваколатлари доирасида округ комиссиясининг бошқа аъзоларига топшириқлар беради;

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конунга ҳамда мазкур Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Округ комиссияси раисининг ўринбосари ўз ваколатларини бажара олмаган, шунингдек у бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари комиссия котиби ёки округ комиссияси қарори билан комиссия аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилади.

18. Округ комиссиясининг котиби:

округ комиссияси раисининг ўринбосари ўз ваколатларини бажара олмаган тақдирда, унинг ваколатларини амалга оширади;

округ комиссияси мажлисларини ташкиллаштиради, мухокама этиладиган масалалар бўйича қарор ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

округ комиссияси аъзоларини комиссия мажлиси ўтказилиши вақти ва жойи ҳақида хабардор қиласи;

участка комиссияси мастьул аъзоларининг овоз берувчи фуқаролар рўйхати билан борлиқ фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

округ комиссияси раиси ва раис ўринбосари топшириқларини бажаради;

округ комиссиясининг фаолиятига тааллуқли иш ҳужжатларини номенклатура асосида юритиб боради;

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунга ҳамда мазкур Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Округ комиссиясининг котиби ўз ваколатларини бажара олмаган, шунингдек у бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари округ комиссияси қарори билан комиссия аъзоларидан бири-нинг зиммасига юклатилади.

19. Округ комиссиясининг аъзоси:

округ комиссияси раиси томонидан тақсимланган тақсимотга асосан ўзига юклатилган вазифаларни ҳамда раис ва унинг ўринbosари топшириқларини ўз вақтида, сифатли бажаради;

округ комиссияси мажлисларида қатнашади;

кўриб чиқиши ўзига юклатилган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини таъминлайди;

округ комиссияси раиси томонидан овоз бериш кунидаги белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги хуқуқбузарликлар аниqlangan тақдирда, улар тўғрисида дарҳол раис ёки раис ўринbosарини хабардор қиласди;

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунга ҳамда мазкур Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

20. СЯЭРдан фойдаланишни ташкиллаштириш мақсадида округ комиссияси котибига қўйидаги вазифалар юклатилади:

участка комиссияси аъзоларига СЖБАТга кириш учун тегишли маълумотларни бериш;

участка комиссиялари томонидан СЖБАТда амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириб бориш.

21. Округ комиссияси унга ажратилган Давлат бюджети маблағлари ёки қонунда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан, шунингдек волонтёрлик асосида округ комиссияси фаолиятига кўмаклашиш учун мутахассисларни жалб қилиши мумкин. Мазкур мутахассислар округ комиссияси мажлисларида

овоз бериш, овоз бериш натижаларини аниқлаш, баённомаларни тўлдириш ёки имзолаш ҳуқуқига эга эмас.

22. Округ комиссияси «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конуннинг 24-моддасига мувофиқ референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ва жамоат бирлашмаларининг органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Улар қўйилган масалани кўпи билан уч кун ичida кўриб чиқишилари ва округ комиссиясига жавоб қайтаришлари шарт.

23. Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар округ комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишида кўмаклашиши, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт.

VI боб. Округ комиссиялари ишини ташкил этиш

24. Округ комиссияси ўз фаолиятини қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принциплари асосида амалга оширади.

25. Округ комиссияси ишининг ташкилий шакли унинг заруратга қараб ўтказиладиган мажлиси хисобланади.

Округ комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия аъзолари умумий сонининг камидা учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли хисобланади.

26. Округ комиссиясининг мажлиси раиснинг ташаббусига кўра ёки комиссия аъзолари умумий таркибининг камидা учдан бир қисми талабига биноан чақирилиши мумкин.

27. Округ комиссиясининг қарори очик, овоз бериш йўли орқали комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи хисобланади.

28. Округ комиссияси мажлисларида масалалар очик ва ошкора муҳокама этилади.

Мажлисда кун тартиби, унда иштирок этаётган комиссия аъзоларининг исми, фамилияси, отасининг исми, кўрилган ҳар бир масала бўйича овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарор акс этган баённома юритилади. Баённома раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Округ бўйича овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома комиссиянинг мажлисида иштирок этган барча аъзолари томонидан имзоланади.

Баённомага мажлисда қабул қилинган қарор, хуносалар ва бошқа хужжатлар, шунингдек комиссия аъзоларининг у ёки бу масала юзасидан алоҳида фикрлари бўлса, ёзма шаклда илова қилинади.

29. Округ комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори участка комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурийdir.

30. Округ комиссияси мажлислида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши мумкин.

Мажлисларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари вакиллари ва бошқалар таклиф этилиши мумкин.

31. Округ комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланганидан сўнг қўйидаги тадбирларни амалга оширади:

бир кунлик муддатда округ комиссиясининг биринчи ташкилий мажлисида қўйидаги масалаларни кўриб чиқади;

округ комиссиясининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир иш режасини тасдиқлаш;

округ комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

округ комиссияси аъзолари томонидан овоз берувчи фуқароларнинг ҳар кунги қабулинини ташкил этиш;

округ комиссияси аъзоларининг навбатчилигини ташкил қилиш.

Округ комиссияси жойлашган бинони белгиланган тартибда жиҳозлашга зарур бўлган ташкилий ишларни амалга оширади.

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни (ўқув машгулотлари, семинарлар, конференциялар, давра сұхбатлари ва ҳоказоларни) ташкил этади.

Участка комиссияларининг ишини ташкил қилиш ва биноларни жиҳозлашда амалий ёрдам кўрсатади.

Овоз берувчи фуқаролар рўйхатларининг тузилишини ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради.

Овоз бериш бюллетенларини референдум участкалари бўйича тақсимлайди ва етказиб берилишини ташкилластиради.

32. Округ комиссияси З-иловага мувофиқ тасдиқланган мухрга эга бўлади.

33. Округ комиссияси раиси ёки раис ўринбосари округ комиссиясига ташриф буюрган маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни тегишли хужжатлар асосида рўйхатга олади ва қабул қиласди.

34. Округ комиссияси раиси, раис ўринбосари ёки котиби Марказий сайлов комиссиясига референдум округи ҳудудида овоз бериш жараёнининг бориши ҳақида ҳар соатда хабар бериб боради.

VII боб. Округ комиссияларининг бинолари ва хоналарини жиҳозлаш

35. Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар округ комиссияларига референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бўлган бинолар, мажлис заллари, хоналар ҳамда асбоб-ускуналарни бепул бериб туриши шарт.

Округ комиссиялари Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

томонидан камида саккизта хонадан иборат бино билан, шунингдек транспорт, алоқа воситалари ва Интернет тармоғига уланиш имконияти билан таъминланади.

36. Округ комиссиялари жойлашган бинолар тегишли тарзда жиҳозланиши ва қуидагиларга эга бўлиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг устида ва ичida);

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби (бинонинг ичida);

референдум округининг тартиб рақами ва номи кўрсатилган пешлавҳа;

кулфланадиган сейф ёки металл шкаф;

зарур мебеллар, оргтехника воситалари (компьютер, ноутбук, принтер, сканер, нусха кўчирувчи ускуна, UPS), телефон, телевизор;

иккитадан кам бўлмаган СЖБАТ талабларига жавоб берувчи компьютер ва уларга керакли бўлган мосламалар (UPS, принтер, сканер ва бошқалар) ҳамда узлуксиз Интернет алоқаси ва ҳ.к.;

видеоконференция алоқалари учун видеомонитор, микрофон ва акустик қурилмалар;

муқобил электро энергия ишлаб чиқарадиган генератор қурилмаси;

ёнғинга қарши воситалар.

Округ комиссияси жойлашган бино ва унга олиб борувчи йўлаклар озода ва таъмирланган, ёритиш мосламалари ўрнатилган бўлиши керак.

37. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга таалукли маълумотлар жойлаштириладиган стендларда қуидагилар жойлаштирилади:

референдум санасига бағишланган плакат (референдумга __ кун қолди);

референдум округининг харитаси;

округ комиссиясининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали;

Марказий сайлов комиссиясининг мурожаатлар учун ташкил этилган ижтимоий тармоқлардаги каналлари, электрон манзили ва ишонч телефонлари;

вилоят суди ва прокуратураси телефон рақамлари;
референдумга оид инфографик ва схемали кўринишдаги тушунтириш материаллари.

38. Округ комиссияси хонасида қўйидагилар бўлиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конун, Ўзбекистон Республикаси референдумига оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашлари ва Вазирлар Маҳкамасининг расмий нашрлари (газеталари);

референдумга қўйилган масала бўйича материаллар, агарда референдумга қонун лойиҳаси қўйилган бўлса унинг матни;

округ комиссияси аъзоларининг таркиби, иш режаси ва навбатчилик жадвали.

39. Округ комиссиясига олиб борувчи йўлларда референдум округининг кўрсаткичлари кўринарли жойларга жойлаштирилган бўлиши керак.

40. Округ комиссияси биноси пештоқига мазкур Низомнинг 4-иловасида белгиланган шаклда референдум округининг тартиб рақами ва номи ёзилган пешлавҳа жойлаштирилади, бинога кириш жойида ногиронлар аравачасига мослаштирилган нишаб йўлаклари (пандуслар) бўлиши ва уларнинг белгиланган талабларга (эни камида 90 сантиметр, чиқиш бурчаги 30° дан кўп бўлмаган) мос келиши керак.

Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларини округ комиссиялари жойлашган биноларини таъминалайди ва зарур жиҳозлар билан таъминлашга кўмаклашади.

41. Округ комиссияси компьютерларини Интернет тармогига улаш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг худудий бошқармалари кўмагида амалга оширилади.

42. Округ комиссиясида юритиладиган иш юритиш жилдлари:

округ комиссиясининг қарорлари, баённомалари ва далолатномалар дафтари ҳамда жилди;

кириш, чиқиш ҳужжатларини, шу жумладан мурожаатларни рўйхатга олиш дафтари ва жилди;

кузатувчиларни рўйхатта олиш дафтари.

VIII боб. Овоз бериш бюллетенларини олиш ва тақсимлаш

43. Округ комиссияси референдумга ўттиз кун қолгунга қадар тегишли органлардан референдум округи ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг миллий мансублигига кўра аҳоли сони тўғрисидаги маълумотларни туман ва шаҳарлар кесимида сўраб олади.

Давлат органлари уч иш кунида сўралган маълумотларни округ комиссиясига тақдим этишлари шарт.

44. Округ комиссияси олинган маълумотларни умумлаштиради ҳамда референдум округи ҳудудида туман ва шаҳар кесимида истиқомат қилаётган кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилларда овоз бериш бюллетенларини тайёрлашга эҳтиёжни аниқлайди.

45. Округ комиссияси референдумга йигирма беш кун қолгунга қадар бошқа тилларда тайёрлаш зарур бўладиган овоз бериш бюллетенларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади.

46. Овоз бериш бюллетенининг шакли ҳамда матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

47. Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан овоз бериш бюллетенлари референдумга камида йигирма кун қолганида нашр этилади.

Овоз бериш бюллетенлари давлат тилида нашр этилади, шунингдек округ комиссиясининг қарорига биноан референдум округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда ҳам нашр этилиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси овоз бериш бюллетенини Брайль алифбоси асосида тўлдириш учун тайёрланган трафарет билан округ комиссиялари орқали участка комиссияларини таъминлайди.

48. Округ комиссиялари референдум участкалари чегараларида истиқомат қилаётган аҳолининг миллий мансублиги тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда овоз бериш бюллетенларини тегишли тиллар бўйича референдум участкаларига тақсимлайди.

49. Округ комиссиялари қўйидагиларни участка комиссияларига етказиб берилишини таъминлайди:

референдум участкасидаги овоз берувчи фуқаролар умумий сонининг беш фоизи миқдорида овоз бериш бюллетенларини муддатидан олдин овоз бериш бошланишига камидা уч кун қолганида;

озоз бериш бюллетенларининг 95,5 фоизини овоз бериш кунига камидা уч кун қолганида.

Берилган ва олинган овоз бериш бюллетенлари сонини мазкур Низомнинг б-илласига мувофиқ шаклдаги далолатномада тегишли округ ва участка комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд комиссия хотиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

50. Участка комиссияси оладиган овоз бериш бюллетенларининг сони референдум участкаси бўйича овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига киритилганлар сонига қўшимча ярим фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

IX боб. Округ бўйича овоз бериш якунларини аниқлаш

51. Округ комиссияси участка комиссияларидан овозларни санаб чиқиши натижалари бўйича баённомаларни соат 20:00 дан кейин қабул қилишни бошлайди.

52. Округ комиссияси участка комиссиясининг баённомаси тўғри ёки нотўрри тўлдирилганлигини текширади.

53. Участка комиссиясининг баённомасида акс эттирилган, овозларни санаб чиқиши чорида номувофиқликлар аниқланган

тақдирда, округ комиссияси ўз мажлисида участка комиссиясига ушбу номувофиқликларни бартараф этишни таклиф қилади.

Участка комиссияси аниқланган номувофиқликларни ўз мажлисида қайта күриб чиқиб бартараф қиласы ҳамда янгидан тұлдирилған баённомани ўрнатылған тартибда округ комиссиясига тақдим этади.

54. Округ комиссияси участка комиссиясинг баённомаси түғри тұлдирилған бүлса, баённомадаги тегишли рақамларни дархол мазкур Низомнинг 7-илюстрированный референдум округи бүйіча натижаларни жамлаб бориш жадвалига кирилади.

55. Округ комиссияси томонидан участка комиссияларидан овоздарни санаб чиқыш натижалари түғрисидеги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бүйіча овоз бериш натижаларини аниқлаш жараёнда маҳаллік кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилтудардан кузатувчилар ҳозир бўлишлари мумкин.

Мазкур жараёнда округ комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилған шахслардан бошқа шахсларнинг иштирок этиши тақиқланади.

56. Референдум округи бүйіча овоз бериш натижалари фақат участка комиссияларининг тақдим этган баённомалари асосида аниқланади. Округ комиссияси:

референдум округидеги референдум участкалари сони;

референдум округидеги овоз берувчи фуқароларнинг умумий сони;

округ комиссияси олган овоз бериш бюллетенлари сони;

фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилингандай овоз бериш бюллетенларининг умумий сони;

овоз бериш бюллетенлари олган овоз берувчи фуқаролар сони;

овоз беришда иштирок этган (шу жумладан муддатидан олдин овоз берган) овоз берувчи фуқароларнинг умумий сони;

референдумга қўйилған масалани (хужжатни, қонун ёки қарорни) ёқлаб берилған овозларнинг умумий сони;

референдумга қўйилған масалага (хужжатга, қонун ёки қарорга) қарши берилған овозларнинг умумий сони;

ҳақиқий эмас деб топилган овоз бериш бюллетенлари сонини аниқлайди.

57. Округ комиссияси мажлисида округ бўйича овоз бериш натижалари аниқланади ҳамда мазкур Низомнинг 8-илювасига мувофиқ шаклда тузиладиган баённомада акс эттирилади.

Баённома комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Округ бўйича овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомани имзолаш вақтида баённома мазмуни юзасидан норози бўлган комиссия аъзоси ўзининг алоҳида фикрини баённомага илова қилишга ҳақли.

Мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун округ комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дарҳол осиб қўйилади.

Марказий сайлов комиссияси референдум якунларига кўра референдум округидаги дастлабки ва якуний овоз бериш натижаларини ўз веб-сайтида эълон қилиши мумкин.

Х боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши

58. Маҳаллий кузатувчилар, овоз берувчи фуқаролар, референдум бошқа иштирокчилари (бундан буён матнда мурожаат этувчилар деб юритилади) бевосита ўзлари ёки вакиллари орқали ариза, таклиф ва шикоят билан референдум ўтказувчи комиссияларга мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда берилиши мумкин.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга.

59. Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида округ комиссиясининг тартиб рақами, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган, шунингдек мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаатлар давлат тилида ёки бошқа тилларда берилиши мумкин.

60. Мурожаат этувчиларга, округ комиссияларига якка ёки жамоа тартибида мурожаат этиш хуқуқи кафолатланади.

61. Мурожаат этиш хуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ёқлашга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Мурожаат этиш хуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуqlарини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

62. Мурожаат этувчиларнинг ёзма розилигисиз, уларнинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги шарт.

63. Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар округ комиссияси раиси томонидан комиссия аъзолари ўртасида кўриб чиқиш учун тақсимланади.

Округ комиссияси референдумни ўтказиш даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг референдумга оид қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилганлиги ёки референдумни ташкил этишнинг бошқа масалалари хусусида ўзига келиб тушган мурожаатларини ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқади, бундан референдум ўтказувчи комиссияларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно.

Мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида текширувлар ўтказилиши мумкин.

Мурожаатларга уч кунлик муддатда, агарда референдумга олти кундан кам вақт қолганида ёки овоз бериш куни келиб тушган мурожаатларни эса дархол кўриб чиқиб, ёзма жавоб берилади.

Мурожаатда кўтарилиган масала жойида ижобий ҳал этилса, мурожаат этувчининг розилиги билан ёзма жавоб берилмайди.

64. Мурожаатлар қайдлов дафтарида рўйхатга олиниши лозим.

Мурожаатни қабул қилишни ва рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Округ комиссиясининг раиси мурожаатни кўриб чиқиш ва унга доир қарор қабул қилиш учун округ комиссиясини мазкур Низомнинг 63-бандида белгиланган муддатларда чақиради ва унинг мажлисини ўтказади. Мажлисга манфаатдор шахслар тақлиф этилиши мумкин.

Округ комиссияси мурожаатни қабул қилишни ёки кўриб чиқишни қонунга хилоф равища рад этган тақдирда ёхуд мурожаатни кўриб чиқиш натижаси юзасидан мурожаат этувчи норози бўлса, улар устидан судга шикоят қилиши мумкин.

65. Округ комиссияси келиб тушган мурожаатда кўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколатига кирмаган тақдирда, уни мурожаат юборган шахс хабардор қилинган ҳолда уч кунлик муддатда тегишли органларга юборади.

66. Кўйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахслар вакиллари орқали юборилган мурожаатлар, агар уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мос келмайдиган мурожаатлар.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у округ комиссияси раиси ёки раиси ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Мурожаат этувчи вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай

қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

67. Мурожаат этувчиларни, уларнинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, улар ўз хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига, референдум ўтказувчи комиссиялари ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этганлиги, шунингдек мурожаатларда ўз фикрини билдирилганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.

Мурожаат этувчиларни таъқиб қилиш қонунчиликда белгилangan тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

68. Мурожаатни кўриб чиқсан округ комиссияси аъзолари уни кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарор тўғрисида мурожаат юборган шахсни хабардор қилиши шарт.

69. Мурожаат этувчилар округ комиссияларининг мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ва бошқа қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичida судга шикоят қилиши мумкин.

70. Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли референдум ўтказувчи комиссияга ва мурожаат этувчига топширилиши лозим.

XI боб. Референдум тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

71. Референдум тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгилangan тартибда жавобгар бўлади.

Референдум куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, референдум натижалари прогнозларини, ўтказилаётган референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш (ҳаммага маълум қилиш), шу жумладан ахборот тармоқларига, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш тақиқланади.

72. Ўзбекистон Республикаси референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги хуқуқбузарликлар бўйича

маъмурий иш юритишни расмийлаштириш Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 934-сон қарори билан тасдиқланган Сайлов комиссиялари ва референдум үтказувчи комиссиялар томонидан сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда үтказиш соҳасидаги хуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш бўйича йўриқнома асосида амалга оширилади.

XII боб. Референдумга оид ҳужжатларни ва муҳрни сақлаш

73. Ўзбекистон Республикаси референдумига тайёргарлик кўриш ва уни үтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги 939-сон қарори билан тасдиқланган Сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни үтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш, архивга топшириш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисида йўриқномага мувофиқ сақлаш учун тайёрланади ҳамда топширилади.

74. Округ комиссияси референдумда фойдаланган комиссия муҳрини Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Давлат герби, байрони, кабина, урма ва бошқа моддий қимматликлар тегишли равишда туман ва шаҳар ҳокимликларининг ташкилий-назорат гуруҳининг мансабдор шахсларига далолатнома асосида топширилади ва уларнинг жавобгарлигига сақланади.

XIII боб. Якуний қоида

75. Округ комиссиялари Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари Марказий сайлов комиссияси томонидан расман эълон қилинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

Референдум округлари ҳамда референдум
ўтказувчи округ комиссиялари
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА



ГУВОХНОМА

(фамилияси, исми, отасининг исми)

референдум ўтказувчи округ комиссияси
РАИСИ

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

(имзо) (фамилияси ва исми, отасининг
исми бош ҳарфлари)

PACM

20 ____ йил « ____ »
(МСК карорининг қабул килинган санаси)

М.Ў.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида ҳақиқийдир.



ГУВОХНОМА

(фамилияси, исми, отасининг исми)

референдум ўтказувчи округ комиссияси
РАИСИ ЎРИНБОСАРИ

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

(имзо) (фамилияси ва исми, отасининг
исми бош ҳарфлари)

PACM

20 ____ йил « ____ »
(МСК карорининг қабул килинган санаси)

М.Ў.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида ҳақиқийдир.



ГУВОХНОМА

(фамилияси, исми, отасининг исми)

референдум ўтказувчи округ комиссияси
КОТИБИ

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

(имзо) (фамилияси ва исми, отасининг
исми бош харфлари)

20 йил «_____»
(МСК карорининг кабул килинган санаси)

М.Ү.

РАСМ

Шахсини тасдиқловчи хужжат кўрсатилганида ҳақиқийдир.



ГУВОХНОМА

(фамилияси, исми, отасининг исми)

референдум ўтказувчи округ комиссияси
АЪЗОСИ

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

(имзо) (фамилияси ва исми, отасининг
исми бош харфлари)

20 йил «_____»
(МСК карорининг кабул килинган санаси)

М.Ү.

РАСМ

Шахсини тасдиқловчи хужжат кўрсатилганида ҳақиқийдир.

Референдум округлари ҳамда референдум
ўтказувчи округ комиссиялари
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

МАНДАТ №_____

(фамилияси, исми, отасининг исми)

дан

(манбаатдор ташкилотлар номи)

референдум округи бўйича

(округ тартиб рақами ва номи)

КУЗАТУВЧИ

Округ комиссияси раиси

(имзо)

(Ф.И.О.)

20___ йил «____» _____ гача ҳақиқийдир.

РАСМ


20___ йил «____» _____
(каор қабул қилинган сана)

M. Ў.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида ҳақиқийдир.

Референдум округлари ҳамда референдум
ўтказувчи округ комиссиялари
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**Референдум ўтказувчи округ комиссиясининг
гербли резина муҳри
НАМУНАСИ**




Референдум ўтказувчи округ комиссиясининг гербли резина муҳри диаметри 35 мм айлана шаклда бўлиб, марказдан 18,5 мм узоқликда асосий айлана ва ундан 1 мм масофада яна бир айлана ўтказилган. Иккинчи айлана тагида айлана бўйича «REFERENDUM O'TKAZUVCHI TOSHKENT SHAHAR OKRUG KOMISSIYASI 14»* ёзуви бор. Ушбу матннинг тагидан яна бир ички айлана ўтказилган бўлиб, айлананинг ичидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

* Референдумни ўтказувчи округ комиссияси номи ва тартиб рақами Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Референдум округлари ҳамда референдум ўтказувчи
округ комиссиялари тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Референдум округи пешлавҳаси



Референдум округлари ҳамда референдум ўтказувчи
округ комиссиялари тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Овоз бериш бюллетенларини ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этиш тақсимоти

№	Худуд номи	Ўзбек тилида	фоиз	Рус тилида	фоиз	Қора- қалпок тилида	фоиз
1.							
2.							
3.							
4.							
5.							
6.							
7.							
8.							
9.							

(округ комиссиясининг номи)

Референдум ўтказувчи
округ комиссияси раиси

(Ф.И.О.)

(имзо)

Референдум округлари ҳамда референдум
ўтказувчи округ комиссиялари
тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**ОВОЗ БЕРИШ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ
ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20 ____ йил “____” _____

(манзил)

_____ округ комиссияси _____ участка
(округ комиссиясининг номи)

комиссиясига _____ дона овоз бериш бюллетенларини топшириди.

Овоз бериш бюллетенларини топширдим:

_____ **округ комиссияси раиси,**
(округ комиссиясининг номи)

раис ўринбосари, котиби _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Овоз бериш бюллетенларини қабул қилдим:

_____ участка комиссияси раиси, раис ўринбосари, котиби
(имзо) (Ф.И.О.)

Референдум округлари хамда референдум ўтказувчи
округтук комиссиялари түркисидаги низомта
7-ИЛОВА

— референдум округи бүйича натижаларни жамлаб борып

ЖАДВАЛИ

референдум округи бүйича натижаларни жамлаб борып

№	1. РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАСЫ ТАРИБ РАКМАИ	2. Pefepennum yuaccractasylan pros depbyri	3. yacretka komischiyeden orlah coini	4. Qos depnum blozietehrajan orlah pros depbyri	5. Myarlatana qonuun pros gelyksojapaiap coini	6. Oros depnum blozietehrajan pros depbyri	7. Опросианын күннүүдөн кийинде жарылышынан кийинде	8. Makamnalarдын күннүүдөн кийинде жарылышынан кийинде	9. Pefepennum krynnilen toumlular pros depnum blozietehrajan coini	Karmakn smac №6 blozietehrajan coini	Pefepennum krynnilen mazajalar rapidum depnum blozietehrajan coini	Pefepennum krynnilen macamnalar pros depnum blozietehrajan coini	Pefepennum krynnilen macamnalar pros depnum blozietehrajan coini	Pefepennum krynnilen mazajalar rapidum depnum blozietehrajan coini	Karmakn smac №6 blozietehrajan coini
№1															

референдум округи
бүйича жами

Референдум округлари ҳамда референдум
ўтказувчи округ комиссиялари
тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ

20 ____ йил « ____ »

**РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ
КОМИССИЯСИННИГ РЕФЕРЕНДУМ ОКРУГИ БҮЙИЧА ОВОЗ
БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ
БАЁННОМАСИ**

референдум ўтказувчи округ комиссияси “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуннинг 20, 37-моддаларига мувофик округдаги жами _____ та референдум участкаларида овозларни санаб чиқиши натижалари тўғрисидаги баённомаларига асоссан референдум округи бўйича қўйидагиларни аниқлади:

1. Референдум округи бўйича овоз берувчи фукароларнинг умумий сони _____
2. Округ комиссияси олган овоз бериш бюллетенлари сони _____
3. Муддатидан олдин овоз берганлар сони _____
4. Овоз бериш бюллетенлари олган овоз берувчи фукаролар сони _____
5. Овоз беришда иштирок этган овоз берувчи фукаролар сони _____
6. Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор килинган овоз бериш бюллетенларининг умумий сони _____

7.	Референдумга қўйилган масалани ёқлаш берилган овозлар сони	
8.	Референдумга қўйилган масалага қарши берилган овозлар сони	

9. Ҳақиқий эмас деб топилган овоз бериш бюллетенлари сони _____

Комиссия раиси _____ (фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

Комиссия раисининг ўринбосари _____ (фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

Комиссия котиби _____ (фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

Комиссия аъзолари:

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ (имзо)

Баённома 20 ____ йил « ____ » _____ да тузилди.

М.Ў.

ЭСЛАТМА:

Баённома тўйдирилгач, оркуг комиссияси белгиланган тартибода унинг биринчи нусхасини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади.

Баённоманинг биринчи нусхасига овоз берини натижалари аниqlанаётганда ҳозир бўлган сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариши органилари кузатувчилари ҳамда оммавий ахборот воститалари вакиллари, бошка давлатлар, ҳалқаро ташкилотлар кузатувчилари рўйхати илова қилинади.

Баённоманинг иккичи нусхасига комиссия атзоларининг алоҳида фикри (агар маъжуд бўлса), овоз берини чогида ёки овозлар ҳисоблаб чиқилаётганда ўйл қўйилган камчиликлар юзасидан комиссия номига келиб тушиган мурожасатлар, мазкур мурожасатларга доир комиссия хулосалари илова қилинади.

Баённоманинг 5-бандида кўрсатилган сон баённоманинг 7, 8 ва 9-бандларидағи сонлар йигиндисига тенг (5-банд = 7-банд + 8-банд + 9-банд) бўлиши лозим.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҶАРОРИ**

**Референдум участкалари ҳамда референдум
ўтказувчи участка комиссиялари тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш хақида**

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги
Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси қарор қиласди:

1. Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссиялари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.
3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринbosари Б. Кучкаров зиммасига юклансин.

Раис

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 июнь,
1172-сон

3. Низамходжаев

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2022 йил 28 июнданги 1172-сон қарорига
ИЛОВА**

**Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конунга мувофиқ референдум участкаларини тузиш, референдумни ўтказувчи участка комиссияларининг (бундан бўён матнда участка комиссиялари деб юритилади) таркибини тасдиқлаш ва участка комиссиялари фаолиятининг тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Референдум участкалари туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан референдум ўтказувчи округ комиссиялари (бундан бўён матнда округ комиссиялари деб юритилади) томонидан тузилади.

Ҳарбий қисмларда референдум участкалари қисмлар ёки ҳарбий кўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ комиссиялари томонидан тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида референдум участкаларини тузиш, участка комиссияларини шакллантириш тартиби ва уларнинг бошқа ўзига хос хусусиятлари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланадиган алоҳида низом билан белгиланади.

2. Референдум участкалари референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин ўн беш кундан кечикмай тузилади.

Ҳарбий қисмларда, олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам

референдум участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса истисно тариқасида референдум ўтказишга камида беш кун қолганда тузилади.

3. Референдум участкалари референдумда иштирок этиш ҳукуқига эга бўлган фуқароларнинг, қоида тариқасида, камида йигирма ва кўпи билан уч минг нафаридан иборат этиб тузилади.

4. Участка комиссияси округ комиссияси томонидан референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин йигирма беш кундан кечикмай беш – ўн тўккиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринbosари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

Участка комиссияси таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

II боб. Участка комиссияси аъзоларига кўйиладиган талаблар

5. Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайлов ва референдумга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар участка комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин.

Референдум ўтказувчи бошқа комиссияларнинг аъзолари, сиёсий партияларнинг аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ташаббускор гурухи таркибига кирувчи шахслар участка комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

6. Участка комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналарда, бошқа стационар даволаши муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка комиссиялари мустасно.

Участка комиссияси аъзоларининг қолган ярмини шакллантиришда қуидаги заҳиралардан фойдаланиш тавсия этилади:

сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга, ахоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари;

хуқуқий билим ва малакага эга шахслар (юристконсультлар, адвокатлар ва ҳ.к.);

хорижий тилларни биладиган мутахассислар.

7. Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (бундан буён матнда СЖБАТ деб юритилади) ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (бундан буён матнда СЯЭР деб юритилади) компьютер дастурлари билан ишлаш учун ҳар бир участка комиссияси таркибида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларида билим ва амалий кўникмага эга камидан иккита нафар шахс (асосий ва захира) бўлиши тавсия этилади.

8. Участка комиссиялари таркибида, шу жумладан раҳбарлик лавозимларида аёл ва эркакларнинг тенг вакиллигини таъминлашга, шунингдек, ногиронлиги бўлган ижтимоий фаол фуқароларни таркибга киритилишига эътибор қаратилиши керак.

III боб. Участка комиссияси аъзолигига номзодларни тавсия қилиш

9. Референдумни тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ташаббусига кўра ёки халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг таклифларига асосан участка комиссияси аъзолигига номзодлар захирасини шакллантиради.

Ҳарбий қисмлар, санаторийлар ва дам олиш уйлари, касалхоналар ҳамда бошқа стационар даволаш муассасалари раҳбарлари томонидан участка комиссияси аъзолигига номзодлар

мазкур ташкилот ходимлари орасидан референдум тайинлаш тұғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин йигирма кундан кечикмай округ комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

10. Референдум участкалари тузилганидан кейин:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан – фуқаролар йиғинида ёки фуқаролар вакилларининг йиғилишида ўхуд фуқаролар йиғини мажлисида;

жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан – меңнат жамоалари йиғилишида участка комиссияси аъзолигига номзодлар захираси муҳокама қилинади ҳамда йирилиш (мажлис) натижаси баён билан расмийлаштирилиб, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига кўриб чиқиш учун таклиф қилинади.

11. Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари референдум тайинлаш тұғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин йигирма кундан кечикмай фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан билдирилган таклифларни ўз мажлисларида регламентда белгиланган тартибда муҳокама этади.

Муҳокама натижаларига кўра участка комиссияси аъзолигига номзодларни тавсия этиш тұғрисида қарор қабул қиласы ва номзодларнинг тузилган рўйхати ўша куннинг ўзидаги тегишли округ комиссиясига тасдиқлаш учун киритилади.

12. Ҳарбий қисмларда, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида референдум участкалари референдумга камидаги 5 кун қолганда тузилса, округ комиссияларига референдум участкаларини тузиш тұғрисида тақдимнома билан бирга участка комиссияси аъзолигига номзодларни тавсия этиш тұғрисидаги қарор ҳам тақдим қилинади.

13. Участка комиссиясининг таркиби тегишли округ комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

14. Участка комиссиясининг таркибини тасдиқлаш тұғрисидаги округ комиссиясининг қарори маҳаллий давлат

ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида ва бошқа манбаларда эълон қилинади.

IV боб. Участка комиссияси таркибидан чиқариш ёки таркибини ўзгартириш

15. Куйидаги ҳолларда участка комиссияси аъзоси ўз аризасига ёки уни комиссия аъзоси этиб тасдиқлаган органнинг қарорига кўра комиссия таркибидан чиқарилади:

референдум ўтказувчи бошқа комиссия таркибига сайланганда;

сиёсий партияга аъзо бўлганда;

вилоят, туман, шаҳар ҳокими этиб тайинланганда (тасдиқланганда);

прокуратура ёки судга мастьул лавозимга тайинланганда (сайланганда).

Участка комиссияси аъзоси ўз хоҳишига биноан берган аризасига кўра бошқа ҳолларда ҳам уни комиссия аъзоси этиб тасдиқлаган органнинг қарори билан комиссия таркибидан чиқарилиши мумкин.

16. Участка комиссияси аъзоси «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонун талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларига мунтазам равишда эътиборсизлик қилган тақдирда, у комиссия аъзоси этиб тасдиқлаган органнинг қарори билан ваколатларидан маҳрум этилиши мумкин.

Бунда комиссия аъзосининг «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонун талабларини бузганлиги ёки зиммасидаги мажбуриятларга мунтазам равишда эътиборсизлик қилганлигига оид ҳолат у аъзо бўлган комиссиянинг далолатномаси билан расмийлаштирилади.

17. Участка комиссияси аъзоси комиссия таркибидан чиқарилган ёки комиссия аъзоларининг сони кўпайтирилган ҳолларда комиссиянинг янги аъзоси мазкур Низомда белгиланган тартибда тасдиқланади.

В боб. Участка комиссияси фаолиятини ташкил этиш

18. Участка комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоларидан бири комиссиянинг қарорига биноан референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

19. Участка комиссияси аъзоси ўз ваколат муддати туга-гунига қадар референдум даврида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилиши ёки унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.

20. Участка комиссияси раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзоларига тегишинча мазкур Низомнинг 1, 2, 3 ёки 4-иловасига мувофиқ шаклдаги гувоҳнома берилади.

Участка комиссияси раисининг гувоҳномаси округ комиссияси раиси томонидан имзоланади ва округ комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади.

Участка комиссияси раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзоларининг гувоҳномалари участка комиссияси раиси томонидан имзоланади ва участка комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади.

21. Участка комиссияси ўз фаолиятини қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принциплари асосида амалга оширади.

22. Участка комиссияси ишининг ташкилий шакли унинг заруратга қараб ўтказиладиган мажлиси ҳисобланади.

Участка комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

23. Участка комиссиясининг мажлиси раиснинг ташаббусига кўра ёки комиссия аъзолари умумий таркибининг камида учдан бир қисми талабига биноан чақирилиши мумкин.

24. Участка комиссиясининг қарори очиқ овоз бериш йўли орқали комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози

билин қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

25. Участка комиссияси ўз фаолиятини очик ва ошкора амалга оширади.

Мажлисда кун тартиби, унда иштирок этаётган комиссия аъзоларининг исми, фамилияси, отасининг исми, кўрилган ҳар бир масала бўйича овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарор акс этган баённома юритилади.

Баённома раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади. Баённомага мажлисда қабул қилинган қарор, хуносалар ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек комиссия аъзоларининг у ёки бу масала юзасидан алоҳида фикрлари ёзма шаклда илова қилинади.

26. Участка комиссиясининг мажлисларида юқори турувчи комиссия аъзолари, сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, фуқаролар ташаббускор гурухларидан кузатувчилар (бундан бўён матнда маҳаллий кузатувчилар деб юритилади), оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши мумкин.

Мажлисларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари вакиллари ва бошқалар таклиф этилиши мумкин.

27. Участка комиссиясининг референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларида, шунингдек референдум куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқища маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳукуқига эга.

Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

VI боб. Участка комиссиясининг ваколатлари

28. Участка комиссияси:

референдум участкаси бўйича овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатини СЯЭР асосида тузади;

фуқароларни овоз берувчи фуқаролар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қиласди ҳамда кўриб чиқади ва рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

участка комиссияси овоз берувчи фуқароларни рўйхат билан танишиб чиқиш жойи ва вақти тўғрисида хабардор қиласди;

референдум куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган ва муддатидан олдин овоз берган овоз берувчи фуқаролардан тўлдирилган овоз бериш бюллетенларини (бундан буён матнда бюллетен деб юритилади) ёпик конвертларда қабул қилиб олади;

аҳолини референдум куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;

бинонинг яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари, овоз бериш қутилари, шунингдек бошқа жиҳозлар билан мазкур Низомнинг 5, 6 ва 7-иловаларига мувофиқ тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

референдум куни участкада овоз беришни ташкил этади;

соғлигининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган овоз берувчи фуқароларнинг илтимосига биноан улар турган жойда овоз беришни ташкил этади;

овозларни санаб чиқади;

овоз берувчи фуқароларнинг ва референдум бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди;

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

29. Участка комиссияси раиси:

участка комиссияси фаолиятига раҳбарлик қиласди;

участка комиссияси мажлисларини чакиради, уларда раислик қиласди ва уни ўтказиш тартибини белгилайди;

комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

давлат органлари, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан муносабатларда участка комиссияси номидан иштирок этади;

участка комиссияси жойлашган бино ва овоз бериш хонасининг жиҳозланишини ташкил этади;

участка комиссиясининг қарорларини, участка комиссияси раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзоларининг гувоҳномаларини ҳамда бошқа ҳужжатларни имзолайди;

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни комиссия аъзолари ўртасида кўриб чиқиш учун тақсимлайди;

овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилганлар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини текшириш учун участка комиссияси аъзоларининг уйма-уй айланиб чиқишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштириб боради.

участка комиссияси аъзоларининг овоз бериш кунидаги вазифаларини белгилайди;

маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчилари билан комиссия номидан иш олиб боради;

референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги хукуқбузарликлар аниқланган тақдирда, бу хақида округ комиссиясини ёки хукуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қиласди;

референдум якунлари эълон қилинганидан сўнг комиссия фаолиятига оид хуҷжатларни тегишлилиги бўйича шаҳар ва туман давлат архивига ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларига топширади;

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунга ҳамда мазкур Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Участка комиссияси раиси ўз ваколатларини бажара олмаган, шунингдек участка комиссияси раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари раис ўринбосари ёки участка комиссияси қарори билан комиссия аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилади.

30. Участка комиссияси раисининг ўринбосари:

комиссия аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

участка комиссияси аъзоларининг малакасини ошириш ва уларнинг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этади;

оммавий ахборот воситалари вакиллари билан алоқалар ўрнатади, уларда комиссия фаолиятини ҳар томонлама ёритилишини ташкиллаштиради;

маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни тегишли референдум ўтказувчи комиссия томонидан берилган хужжатлар асосида рўйхатга олишни ташкиллаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларни, шунингдек уларнинг вакилларини қабул қиласди ва уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиши ташкил этади;

участка комиссияси аъзоларини жалб этган ҳолда комиссия қарорлари ижросини таъминлайди;

участка комиссияси раисининг топшириқларини бажаради;

ўз ваколатлари доирасида участка комиссиясининг бошқа аъзоларига топшириқлар беради;

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конунга ҳамда мазкур Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Участка комиссияси раисининг ўринбосари ўз ваколатларини бажара олмаган, шунингдек у бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари комиссия котиби ёки участка комиссияси қарори билан комиссия аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилади.

31. Участка комиссияси котиби:

участка комиссияси мажлисларини ташкиллаштиради, муҳокама этиладиган масалалар бўйича қарор ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

участка комиссияси аъзоларини комиссия мажлиси ўтказилиши вақти ва жойи ҳақида хабардор қиласди;

участка комиссияси раиси ва раис ўринбосари топшириқларини бажаради;

участка комиссиясининг фаолиятига таалуқли иш хужжатларини номенклатура асосида юритади;

округ комиссияси котибидан СЖБАТга кириш учун тегишли маълумотларни олади;

овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатини СЯЭРдан юклаб олади ва комиссия раисига тақдим этади;

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конунга ҳамда мазкур Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

32. Участка комиссиясининг аъзоси:

участка комиссияси раиси томонидан тақсимланган тақсимотга асосан ўзига юклатилган вазифаларни ҳамда раис ва унинг ўринбосари топшириқларини ўз вақтида, сифатли бажаради;

участка комиссияси мажлисларида қатнашади;

кўриб чиқиш ўзига юклатилган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини таъминлайди;

участка комиссияси раиси томонидан овоз бериш кунидаги белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, улар тўғрисида дарҳол раис ёки раис ўринбосарини хабардор қиласди;

овоз берувчи фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида унинг овоз берувчи фуқаролар рўйхатидаги маълумотларини текширади, унга овоз бериш учун овоз бериш бюллетенини имзо қўйдираш топширади;

кузатувчиларга ва оммавий ахборот воситалари вакилларига овоз бериш жараёнини кузатиш учун шарт-шароитлар яратади.

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конунга ҳамда мазкур Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

33. Участка комиссиясининг аъзоси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

комиссия мажлислари ҳақида олдиндан хабардор бўлиш;

комиссия мажлисларида иштирок этиш;

комиссия ваколатига киритилган масалалар юзасидан таклиф киритиш ва мазкур масала бўйича овоз бериш ўтказилишини талаб қилиш;

комиссиянинг референдумга оид хужжатлари билан танишиш ҳамда бу хужжатларнинг нусхаларини олиш;

комиссия мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан овоз бериш ва унинг қарорларини қонунда белгилangan тартибда имзолаш.

34. Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар участка комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишида кўмаклашиши, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этиши шарт.

35. Участка комиссияси референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан борлик масалалар юзасидан давлат органларига ҳамда жамоат бирлашмаларининг органларига, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш хуқуқига эга, улар кўйилган масалани кўпи билан уч кунлик муддатда кўриб чиқиши ва участка комиссиясига жавоб қайтариши шарт.

36. Участка комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурийдир.

37. Участка комиссияси мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги муҳрга эга бўлади.

VII боб. Участка комиссияси ишини режалаштириш ва ташкил қилиш

38. Участка комиссияси округ комиссияси томонидан тасдиқланганидан сўнг қўйидаги тадбирларни амалга оширади:

бир кунлик муддатда участка комиссиясининг биринчи ташкилий мажлисида қўйидаги масалаларни кўриб чиқади:

участка комиссиясининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир иш режасини тасдиқлаш;

участка комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

участка комиссияси аъзолари томонидан фуқароларнинг ҳар кунлик қабулини ташкил этиш;

участка комиссияси аъзоларининг навбатчилигини ташкил қилиш;

участка комиссиясининг иш ҳужжатлари номенклатурасини ишлаб чиқиши, тасдиқлаш ва амалда қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

39. Участка комиссияси жойлашган бинони белгиланган тартибда жиҳозлашга зарур бўлган ташкилий ишларни амалга оширади.

40. Овоз берувчи фуқароларни участка комиссиясининг телефон рақами, иш вақти ва овоз бериш жойи ҳақида хабардор қиласди.

41. Овоз берувчи фуқаролар рўйхатларининг тузилишини ва уларнинг референдумга камида ўн кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини таъминлайди. Ушбу рўйхатда фақат овоз берувчи фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган йили кўрсатилади.

Санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамоқда саклаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкаларда эса овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари овоз бериш кунига етти кун қолганида ҳамма танишиши учун тақдим қиласди. Ушбу рўйхатда фақат овоз берувчи фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган йили кўрсатилади.

42. Референдум участкаси худудида яшовчи биринчи марта овоз берувчи, бемор, ёши улуғ ҳамда имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган овоз берувчи фуқаролар рўйхатини шакллантиради.

43. Округ комиссияларидан далолатнома асосида бюллетенларни ҳамда Брайль алифбоси асосида тайёрланган

трафаретни қабул қилиб олади ва уларнинг сақланишини таъминлайди.

44. Овоз берувчи фуқароларни овоз бериш куни, вақти ва жойи тўғрисида референдумдан камида ўн кун олдин хабардор қиласди.

45. Округ комиссиясидан олинган бюллетенларни икки нафар участка комиссияси аъзосининг имзоси ва комиссия мухри билан тасдиқлайди ҳамда уларнинг сақланишини таъминлайди.

VIII боб. Участка комиссияси жойлашган бино ва овоз бериш хоналарини жиҳозлаш

46. Референдум участкаларида овоз беришни ташкил этиш ва уни ўтказиш учун зарур бўлган бинолар ва жиҳозларни давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар участка комиссиялари ихтиёрига бепул бериб турадилар.

Лозим бўлган даражада жиҳозланган овоз бериш хоналари туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан участка комиссияларига референдум ўтказиладиган кундан камида ўн бир кун олдин тақдим этилиши керак.

47. Участка комиссиялари жойлашган бинолар ўрнатилган тарзда жиҳозланиши ва қуидагиларга эга бўлиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби (бинонинг устида ва ичida);

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби (бинонинг ичida);

референдум участкасининг тартиб рақами кўрсатилган пешлавча;

ёруғ ва кенг овоз бериш хонаси;

қулфланадиган сейф ёки металл шкаф;

ёзув анжомлари билан таъминланган яширин овоз бериш кабиналари (1000 нафаргача овоз берувчи фуқаро учун камида 2 та, 2000 нафаргача овоз берувчи фуқаро учун камида 3 та, 3000 нафаргача овоз берувчи фуқаро учун камида 4 та);

жисмоний имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган яширин овоз бериш кабиналари;

стационар овоз бериш қутиси;
кўчма овоз бериш қутиси;
пластмассали пломбалар (умумий 7 дона, шундан, 3 таси стационар овоз бериш қутиси учун, 1 таси кўчма овоз бериш қутиси учун, 1 таси қоп учун, 2 таси захира учун);
участка комиссиясининг муҳри;
зарур мебеллар, оргтехника воситалари (компьютер, принтер, сканер, нусха кўчирувчи ускуна, UPS), телефон, телевизор;
иккитадан кам бўлмаган СЖБАТ талабларига жавоб берувчи компьютер ва уларга керакли бўлган мосламалар (UPS, принтер, сканер ва бошқалар) ҳамда узлуксиз Интернет алоқаси;
кузатувчилар учун алоҳида жойлар;
ёнғинга қарши воситалар.

Участка комиссияси жойлашган бино ва унга олиб борувчи йўлаклар озода ва таъмирланган, ёритиш мосламалари ўрнатилган бўлиши керак.

Овоз бериш биносида ёки бевосита унинг олдида участка комиссияси стенд жиҳозлайди, унга овоз бериш бюллетенининг намунаси ва уни тўлдириш тартиби жойлаштирилади, агар референдумга қонун лойиҳаси қўйилган бўлса, стендга шу лойиҳанинг матни ҳам жойлаштирилади. Агар референдумга қўйилган қонун лойиҳаси амалдаги қонуннинг бекор қилинишини ёки унга ўзгартишлар ёхуд қўшимчалар киритилишини назарда тутса, стендга бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёхуд қўшимчалар киритилиши таклиф қилинаётган амалдаги қонун матни жойлаштирилади.

(47-банднинг ўн саккизинчи хатбошиси биринчи жумласи
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2023 йил 27 февралдаги 1205-сон қарори таҳририда)

48. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли маълумотлар жойлаштириладиган стендларда кўйидагилар жойлаштирилади:

референдум санасига баришланган плакатлар (Ўзбекистон Республикаси референдумига ____ кун қолди);

референдум участкасининг харитаси;

участка комиссияси аъзоларининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали;

референдумга кўйилган масала ҳақида ахборот;

фуқаролар мурожаати учун Марказий сайлов комиссиясининг ишонч телефоны ёки электрон манзили, округ комиссияси, тегишли туман (шаҳар) суди ва прокуратурасининг телефон рақамлари акс эттирилган маълумотлар;

овоз бериш тартиби;

овоз берувчи фуқаролар рўйхати;

референдумга оид инфографик кўринишдаги тушунтириш материаллари ва ахборотлар.

49. Овоз бериш хонасига олиб борувчи йўлларда референдум участкасининг мазкур Низомнинг 9-иловасида белгиланган шаклдаги кўрсаткичлари кўринарли жойларга жойлаштирилиши керак.

50. Участка комиссияси биноси пештоқига мазкур Низомнинг 10-иловасида белгиланган шаклда референдум участкаси тартиб рақами ёзилган пешлавҳа жойлаштирилади, бинога кириш жойида ногиронлар аравачасига мослаштирилган нишаб йўлаклари (пандуслар) бўлиши ва уларнинг белгиланган талабларга (эни камида 90 сантиметр, чиқиш бурчаги 30° дан кўп бўлмаган) мос келиши керак.

51. Участка комиссиясида юритиладиган қуйидаги иш юритиш дафтари ва жилдлари бўлиши лозим:

участка комиссиясининг қарорлари, баённомалари ва далолатномаларининг жилди;

кириш, чиқиш ҳужжатларини, шу жумладан мурожаатларни рўйхатта олиш дафтари ва жилди;

кузатувчиларни рўйхатга олиш дафтари.

IX боб. Овоз берувчи фуқаролар рўйхати

52. Овоз берувчи фуқаролар рўйхати участка комиссияси томонидан СЯЭР асосида тузилади.

Ҳар бир фуқаро овоз берувчи фуқароларнинг фақат битта рўйхатига киритилиши мумкин.

Референдум кунига қадар ёки референдум куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур референдум участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилади.

Рўйхатга овоз берувчи ҳар бир фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва турар жой манзили киритилади.

Суд томонидан муомалага лаёкатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилмайди.

53. Участка комиссияси котиби СЖБАТга кириш ҳуқуқини олиш учун округ комиссиясига мурожаат қиласди. Округ комиссияси котиби СЖБАТга кириш ҳуқуқини участка комиссияси котибига тақдим қиласди.

Участка комиссияси тузилганидан сўнг уч кун ичida комиссиянинг котиби СЖБАТга кириб тақсимланган мазкур участкада овоз берувчи фуқароларнинг дастлабки рўйхатини юклаб олади.

Комиссия котиби овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатини текшириб чиқади, чоп этади ва участка комиссияси раисига тақдим қиласди.

Участка комиссиясининг раиси комиссия аъзоларига овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини аниқлаштириш учун тақсимлайди.

54. Участка комиссияси овоз берувчи фуқароларнинг дастлабки рўйхатини олганидан сўнг мазкур референдум участкаси ҳудудида яшовчи овоз берувчи фуқароларни аниқлаштириш чораларини кўради.

Ҳокимликлар, тегишли идоралар, шу жумладан маҳалла фуқаролар йигинлари, профилактика инспекторлари участка комиссияси сўровига асосан мазкур референдум участкаси

ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролар ҳақида маълумотларни 24 соат ичида тақдим этишлари шарт.

Участка комиссияси аъзолари референдум участкаси ҳудудида яшовчи овоз берувчи фуқаролар тўғрисида маълумотларга, зарурат бўлганда, уйма-уй айланиб чиқиш орқали аниқлик киритади.

Участка комиссияси овоз берувчи фуқаролар рўйхатини тузиш ишларига жамоатчилик вакиллари ва волонтёрларни жалб қилиши мумкин. Туман ва шаҳар ҳокимликлари овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларини аниқлаштириш ишларига кўмаклашади.

Участка комиссияси аъзолари уйма-уй айланиб чиқиш вақтида фуқароларнинг овоз бериш куни ушбу референдум участкаси ҳудудида бўлиш-бўлмаслигига, овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатидаги ушбу фуқароларга оид маълумотларда хато-камчилклар бор-йўқлигига аниқлик киритади.

Референдум участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар борлиги аниқланса, бироқ улар ушбу референдум участкасида овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилмаган бўлса ҳамда ўзаро сұхбат чоғида уларнинг овоз бериш куни ушбу референдум участкаси ҳудудида бўлиши аниқланса, улардан хоҳишига кўра мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ намунадаги ариза олинади.

Агарда фуқаро овоз берувчи фуқаролар рўйхати билан танишиш жараёнида ўзи ҳақидаги маълумотлар хато киритилган ёки ўзи истиқомат қилаётган ҳудуддан бошқа ҳудудда жойлашган референдум участкасидаги овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилганигини аниқлаган тақдирда, бевосита ўзи истиқомат қилиб турган ҳудуддаги референдум участкасига бориб, юқорида қайд этилган намунадаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Фуқаронинг аризаси комиссия раиси ёки котиби томонидан қайдлов дафтарида рўйхатга олинади, шундан сўнг СЖБАТда белгиланган шаклдаги электрон сўровнома тўлдирилади ва овоз берувчи фуқаролар рўйхатига ўзгартириш киритиш учун тегишинча республика, вилоят ёки туман ишчи гуруҳига (бундан

буён матнда ишчи гурухи деб юритилади) автоматик тарзда юборилади.

Ишчи гурух электрон сўровномани кўриб чиқади ва СЖБАТдаги овоз берувчи фуқаролар рўйхатига ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартириш киритади.

Аризасига биноан референдум участкаси ўзгартирилган ёки ариза билан мурожаат қилмаган фуқарони бошқа референдум участкасига ўтказилишига ёки тортиб олинишига йўл кўйилмайди.

Ариза рад этилган ҳолларда участка комиссияси фуқарога унинг аризаси рад этилишининг асослари кўрсатилган ҳолда маълумотнома бериши шарт.

55. Овоз берувчи фуқаронинг ўз хоҳишига кўра берган аризасига мувофиқ қўйидагилар овоз берувчи фуқаролар рўйхатига ўзгартириш ва тузатишлар киритиш учун асос бўлиши мумкин:

овоз берувчи фуқаронинг тегишли референдум участкаси худудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиши;

ёши ўн саккизга тўлганлигини тасдиқловчи хужжат;

суднинг фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бекор қилинганлиги ёки фуқаронинг озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилганлигини тасдиқловчи хужжат.

56. Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-овоз берувчи фуқароларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган худудларда яшовчи оила аъзолари ва бошқа овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади.

Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар яшаш жойлари бўйича умумий асосларда овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилади.

Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкалари бўйича овоз берувчи фуқаролар рўйхатлари мазкур

муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида участка комиссияси томонидан тузилади.

Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек қамоқда сақлаш жойларида ташкил этилган референдум участкаларидағи овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақида ушбу участка комиссияси бундай фуқароларни доимий ёки вақтингча яшаш жойидаги участка комиссиясига ахборот етказиш чораларини кўриши лозим.

Хабардор қилингандан участка комиссияси ўз референдум участкасидаги овоз берувчи фуқаролар рўйхатига ушбу овоз берувчи фуқаро бошқа референдум участкасида овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилганини ҳақида ёзув киритади ҳамда уни якуний баённомада референдум участкасидаги овоз берувчи фуқароларнинг умумий сонига киритмайди.

57. Овоз берувчи фуқаролар рўйхатини аниқлаштириш ишлари олиб борилаётган вақтда фуқароларга муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш имконияти ва бошқа ҳукуқлари тушунтирилади.

58. Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари референдумга камидан ўн кун қолганида участка комиссияси котиби томонидан СЖБАТдан юклаб олинади, чоп қилинади, участка комиссияси раиси ва котиби томонидан имзоланади, участка комиссияси мухри билан тасдиқланади ва ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади. Ушбу рўйхатда факат овоз берувчи фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган иили кўрсатилади.

Участка комиссияси овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилганидан кейин ҳам аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш мақсадида референдумга беш кун қолгунига қадар овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига ўзгартириш киритиш учун ишчи гурухларга электрон сўровнома юбориши мумкин.

Ишчи гурухлар электрон сўровномани шу куннинг ўзида кўриб чиқиб, белгиланган тартибда ҳал этади.

Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкаларда овоз берувчи фуқароларнинг якуний рўйхати референдумга уч кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади. Ушбу рўйхатда фақат овоз берувчи фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган йили кўрсатилади.

59. Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш референдумга беш кун қолганида тўхтатилади.

Участка комиссияси котиби референдумга уч кун қолганида ўз ҳудудидаги овоз берувчи фуқароларнинг охирги рўйхатларини СЖБАТдан юклаб олади, чоп этади ва участка комиссияси раисига тақдим қиласди.

Ушбу рўйхат участка комиссияси раиси ва котиби томонидан имзоланади, участка комиссияси мухри билан тасдиқланади ҳамда овоз бериш куни ушбу рўйхатдан фойдаланилади.

60. Овоз бериш куни бирон-бир сабаб билан овоз берувчи фуқаролар рўйхатига кирмай қолган овоз берувчи фуқаролар шахсини, фуқаролиги ва яшаш жойини (ушбу референдум участкаси ҳудудида доимий яшаш жойи ёки вактинча турган жойи бўйича рўйхатга олингандигини) тасдиқловчи ҳужжат асосида участка комиссияси раисига ёзма ариза билан мурожаат қиласди.

Овоз берувчи фуқаронинг мурожаати асосида қайдлов дафтарига унинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи ҳақида тегишли ёзув киритади ва ушбу маълумотлар участка комиссияси раиси ёки котибининг ва фуқаронинг имзоси билан тасдиқланади.

Шундан сўнг фуқарони овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасига киритиш масаласи қўйидаги ҳаракатлар кетма-кетлигига ҳал этилади:

1-ҳаракат: участка комиссияси раиси фуқаронинг референдум участкасини СЖБАТдан излаб топади;

2-ҳаракат: излаб топилган референдум участкасидаги комиссия раиси билан алоқа воситаси (телефон) орқали

боғланади. Раис билан боғланиш имконияти бўлмаган тақдирда 3 ва 4-ҳаракатларни амалга ошириш бўйича тегишли ишчи гурухга хабар берилади;

3-ҳаракат: ушбу участкада фуқаронинг овоз берган/ бермаганлигини аниқлайди;

4-ҳаракат: овоз бермаганлик факти аниқланганидан сўнг, фуқаронинг овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловаси асосида овоз бераётганлиги ҳақида маълум қиласи (фуқарони овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритган участка комиссиясини хабардор қиласи);

5-ҳаракат: фуқарони мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасига киритади ва унга бюллетен беради.

Хабардор қилинган участка комиссияси раиси овоз берувчи фуқаролар рўйхатига ушбу фуқаро бошқа референдум участкасида овоз берганлиги ҳақида маълумот киритади ҳамда якуний баённомани тўлдириш пайтида уни участкадаги овоз берувчи фуқароларнинг умумий сонига қўшиб ҳисобламайди.

Куйидаги ҳолларда фуқарони овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасига киритиш рад этилади:

фуқаро СЖБАТдаги референдум участкаси бўйича овоз берган бўлса;

фуқаро доимий ёки вақтинча рўйхатга олинмаган яшаш жойи бўйича участка комиссиясига мурожаат қилган бўлса.

Бунда участка комиссияси раиси фуқаронинг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи бўйича бошқа референдум участкасида овоз бериши кераклигини тушунтиради.

X боб. Муддатидан олдин овоз бериш

61. Референдум куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган овоз берувчи фуқаро муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

62. Муддатидан олдин овоз бериш референдумга ўн кун қолганида бошланади ва референдумга уч кун қолганида тутгалланади.

63. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва овоз берувчи фуқароларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

64. Участка комиссиялари референдум участкасидаги овоз берувчи фуқаролар умумий сонининг беш фоизи миқдорида бюллетенларни ҳамда конвертларни округ комиссиясидан муддатидан олдин овоз бериш бошланишига камидан уч кун қолганида оладилар.

65. Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун овоз берувчи фуқаро референдум кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка комиссиясидан бюллетен ва конвертни олади.

Участка комиссияси овоз берувчи фуқародан референдум кунида бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши тақиқланади.

66. Овоз берувчи фуқаро бюллетени олганлиги ҳақида тегишли участка комиссиясининг камидан икки нафар аъзоси ҳозирлигида мазкур Низомнинг 13-иlovасига мувофиқ шаклдаги овоз берувчи фуқаролар рўйхати кўчирмасига имзо қўяди.

Участка комиссияси аъзоси муддатидан олдин овоз берган овоз берувчи фуқарони СЖБАТдаги овоз берувчи фуқаролар рўйхатида муддатидан олдин овоз берган фуқаро сифатида белгилаши шарт.

67. Бюллетен маҳсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида овоз берувчи фуқаро томонидан мустақил қарор қабул қилиши орқали тўлдирилади.

Бунда фуқаро ўзи овоз берадиган вариант рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «✓» ёхуд «x» белгисини қўяди.

(67-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 27 февралдаги 1205-сон қарори таҳририда)

Овоз берувчи фуқаро тўлдирилган бюллетени конвертга солади ва елимлаб ёпади.

68. Овоз берувчи фуқаро тўлдирилган бюллетенни ёпик конвертда участка комиссияси аъзосига топширади.

Участка комиссиясининг аъзоси овоз берувчи фуқаро ҳозирлигига конвертнинг ёлиқлигини текширади ва конвертнинг елимланган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри билан тасдиқланади.

Конверт референдум куни овоз бериш жараёни якунлангунига қадар участка комиссиясининг сейфида сакланади.

XI боб. Участка комиссияси томонидан референдум куни амалга ошириладиган вазифалар

69. Референдум куни овоз бериш биноси участка комиссияси аъзоларининг камидаги учдан икки қисми ҳозир бўлганда очилади.

Бунда, маҳаллий кузатувчилар, овоз берувчи фуқаролар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳозир бўлишлари мумкин.

70. Участка комиссияси раиси ёки раис ўринbosари томонидан комиссия аъзоларининг овоз бериш кунидаги вазифалари белгиланади.

71. Участка комиссияси аъзоларига комиссиянинг икки нафар аъзоси томонидан имзоланган, муҳр билан тасдиқланган ҳолда тайёрлаб қўйилган бюллетенлар мазкур Низомнинг 14-иловасига мувофиқ шаклдаги далолатнома асосида топширилади. Овоз берувчи фуқароларга тартибли равишда бюллетенларни бериш мақсадида, ҳар бир участка комиссияси аъзосига овоз берувчи фуқаролар фамилияси алифбо кетма-кетлигига овоз берувчи фуқаролар рўйхати асосида тақсимлаб берилади.

72. Овоз бериш куни референдум участкасида соат 8:00 да Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Участка комиссиясининг раиси овоз бериш бошланганлигини эълон қиласиди.

73. Участка комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигига овоз бериш қутиларининг бўшлигини текширади ва уларни бир маротаба ишлатиладиган пластмасса пломбалар билан пломбалайди. Пломбалар рақами кўрсатилган ҳолда мазкур Низомнинг 15-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома тузилади.

74. Участка комиссияси раиси томонидан референдум участкасидаги овоз берувчи фуқаролар сони, округ комиссиясидан олинган бюллетенларнинг сони, шунингдек, муддатидан олдин овоз берган фуқаролар сони маълум қилинади.

75. Участка комиссияси раиси ёки унинг ўринбосари маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни тегишли референдум ўтказувчи комиссия томонидан берилган мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида рўйхатга олади.

Участка комиссияси уларни рўйхатга олгандан кейин уларга ўз ваколатларини тўлақонли ҳамда тўскىнликсиз амалга ошириши учун шароит яратиб беради.

76. Участка комиссияси раиси, раис ўринбосари ёки котиби томонидан овоз бериш бошланганлиги ҳақида алоқа воситалари орқали округ комиссиясига хабар берилади.

77. Овоз берувчи фуқароларга тақдим этилган бюллетенлар сонининг ҳисоби ҳар соатда юритиб борилади.

78. Участка комиссияси раиси овоз беришни ташкил этиш ва ўтказишни мувофиқлаштириб боради ҳамда назорат қиласи, зарурат бўлганда комиссия аъзоларига ёрдам кўрсатади, улар вақтингчалик йўқ бўлган ҳолларда уларни бошқа аъзолар билан алмаштиради.

79. Участка комиссияси участкадаги рўйхат бўйича овоз беришда иштирок этувчи ҳар бир овоз берувчи фуқарога бир донадан ортиқ бюллетен берилмаслигини таъминлайди. Овоз берувчи ҳар бир фуқарога биттадан ортиқ бюллетен берилишига йўл қўйилмайди. Бузиб қўйилган бюллетенни овоз берувчи фуқаронинг илтимосига кўра янгисига алмаштириб берилганлиги бундан мустасно.

ХII боб. Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида референдумни ташкил этиш ва ўтказишининг ўзига хос хусусиятлари

80. Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари раҳбарларининг тақдимномасига асосан референдум участкалари округ комиссияси қарори билан тузилади. Бу референдум участкалари улар жойлашган ҳудуддаги референдум округларига киради.

Айрим ҳолларда, манзил-колонияси маъмуриятининг тегишли округ комиссиясига берган таклифига асосан мазкур муассасаларда сақланётган овоз берувчи фуқаролар кўчма овоз бериш қутиси орқали овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида овоз бериши учун манзил-колонияси жойлашган ҳудуддаги референдум участкасига бириттириш тўғрисида округ комиссиясининг қарори қабул қилиниши мумкин.

81. Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларининг раҳбари томонидан участка комиссияси аъзолигига номзодлар мазкур муассаса ходимлари орасидан округ комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Зарурат туғилганида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларининг раҳбари томонидан «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конуннинг 23-моддасига мувофиқ бошқа шахслар ва жамоатчилик вакиллари ҳам участка комиссияси аъзолигига номзод сифатида тавсия этилиши мумкин.

82. Қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланётган шахслар қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларидаги овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилади.

83. Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкалари бўйича овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари

томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида участка комиссияси томонидан тузилади.

84. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказлашган тартибда қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларидаги овоз берувчи фуқаролар ҳақидаги маълумотларни овоз бериш кунига камидан бир ой қолгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига Сайловчилар ягона электрон рўйхатига тузатишлар киритиш учун юборади.

Агарда мазкур муассасаларда тузилган референдум участкаларидаги овоз берувчи фуқаролар рўйхатида ўзгаришлар амалга оширилса, овоз бериш кунига камидан беш кун қолгунга қадар ушбу маълумотлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига етказиб бериш чоралари кўрилади.

85. Манзил-колонияларида референдум участкалари тузилмаган ҳолатларда, улар бириктирилган участка комиссияларига муассасадаги овоз берувчи фуқаролар ҳақидаги маълумотлар ушбу муассаса раҳбари томонидан овоз бериш кунига камидан етти кун қолганида тақдим этилади.

86. Кузатувчилар ва аккредитациядан ўтган оммавий ахборот воситалари вакиллари қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларига бориши ҳақида участка комиссиясини камидан уч кун олдин хабардор қилиши керак.

87. Участка комиссияси, ўз навбатида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларининг маъмуриятига мазкур Низомнинг 86-бандида кўрсатилган шахслар ҳақидаги маълумотларни (уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, референдумда ким сифатида иштирок этиши) ушбу муассасага тўсиқсиз кириб-чиқишлиари учун тақдим этади.

Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларининг маъмурияти уларнинг кириб чиқиши ва хавфсизлигини таъминлаш, ички тартиб-қоидаларига риоя этиши учун масъул ҳисобланади.

88. Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларининг ички-тартиб қоидалари ва режимидан келиб чиқиб, овоз берувчи фуқаролар овоз бериш биносига кичик гурӯхларга бўлинган ҳолда олиб келинади.

Референдум участкаси тузилмаган манзил-колонияларида бириктирилган участка комиссияси томонидан овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида овоз бериш ташкил этилади.

Бириктирилган участка комиссияси мазкур фуқароларни овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасига киритади.

XIII боб. Овоз беришни ташкил этиш

89. Овоз бериш референдум куни соат 8:00 дан 20:00 гача ўтказилади.

90. Овоз бериш биносига келгач, овоз берувчи фуқаро участка комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади (паспорт, ID-карта, ҳарбий гувоҳнома, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтинчалик маълумотнома, жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисидаги маълумотнома) ҳамда овоз берувчи фуқаролар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга бюллетен берилади.

Бошқа шахс учун овоз бермоқчи бўлган фуқарога бюллетен бериш тақиқланади.

Овоз берувчи фуқаронинг илтимосига биноан бюллетенни тўлдириш учун Брайль алифбоси асосида тайёрланган трафарет берилади.

91. Овоз берувчи фуқаро бюллетенни олгач, уни яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдиради.

Бунда фуқаро ўзи овоз берадиган вариант рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «✓» ёхуд «x» белгисини қўяди.

(91-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 27 февралдаги 1205-сон қарорига асосан иккинчи хатбоши билан тўлдирилган)

Овоз берувчи фуқаронинг овоз бериш бюллетенини тўлдириш жараёнини суратга ёки видеога олиш, уни тарқатиш, шу жумладан ижтимоий тармоқларга жойлаштириш тақиқланади.

92. Бюллетенни тўлдириш чорида овоз берувчи шахсдан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

(92-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 27 февралдаги 1205-сон қарорига асосан чиқарилган)

93. Бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган овоз берувчи фуқаро ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли, бундан участка комиссияси таркибиға кирадиган шахслар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мустасно.

94. Тўлдирилган бюллетенни фуқаро овоз бериш қутисига ташлайди. Овоз бериш қутилари участка комиссияси аъзоларига ҳамда кузатувчиларга кўриниб туриши керак.

Бузиб қўйилган бюллетен фуқаронинг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган бюллетенлар ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

95. Референдум куни овоз бериш вақтида участка комиссияси биносида қўйидагилар ҳозир бўлиши мумкин:

тегишли участка комиссияси аъзолари;

тегишли округ комиссияси аъзолари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари;

маҳаллий кузатувчилар;

оммавий ахборот воситаларининг вакиллари;

бошқа давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлардан кузатувчилар; референдум участкасидаги овоз берувчи фуқаролар рўйхати бўйича овоз беришда иштирок этувчи фуқаролар.

Овоз бериш вақтида участка комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслардан ташқари бошқа шахсларнинг бўлишига рухсат этилмайди. Бинода ушбу зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка комиссиясининг зиммасида бўлади.

Участка комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслар (овоз берувчи фуқаролардан ташқари) тегишли комиссиялар томонидан берилган мақомини тасдиқловчи мандат (гувоҳномаси)ни бошқаларга кўринадиган ҳолда тақсан бўлишлари шарт.

Участка комиссияси овоз бериб бўлган овоз берувчи фуқарони бинодан чиқариб юбориш чораларини кўради.

96. Участка комиссиясининг аъзоси, кузатувчи ёки оммавий ахборот воситаси вакиллари овоз бериш сирини ошкор қилса ёхуд фуқароларнинг хоҳиш-иродасига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилса, участка комиссиясининг аъзоси комиссия ишида иштирок этишдан четлаштирилади, кузатувчи, оммавий ахборот воситаси вакиллари эса овоз бериш биносидан дарҳол чиқариб юборилади. Бу ҳақда участка комиссияси қарор қабул қиласди.

97. Участка комиссияси раиси овоз бериш биносида тинчлик сақланиши ва тартибга риоя қилинишини таъминлаш, овоз бериш ва уларни санаб чиқишида ғайриқонуний тўсқинликлар вужудга келганида ички ишлар ёки Миллий гвардия ходимларига мурожаат қилиши мумкин. Бунда, ички ишлар ёки Миллий гвардия ходимлари зудлик билан воқеа жойига етиб келишлари лозим.

Ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари томонидан референдум участкаси ҳудудидаги тартибсизлик, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар бартараф этилганидан сўнг участка комиссияси раиси кўрсатмаси асосида референдум участкаси биносини тарқ этишлари ва овоз бериш жараёнига халақит бермайдиган жойга жойлашишлари шарт.

XIV боб. Овоз берувчи фуқаронинг турган жойда овоз беришини ташкил этиш

98. Айрим овоз берувчи фуқаролар соғлигининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка комиссияси овоз беришни ушбу овоз берувчи фуқароларнинг референдум куни ёки референдум

кунига қадар қилган ёзма ёки овзаки мурожаатига биноан улар турган жойда ташкил этади.

Бунда участка комиссияси аъзоси қайдлов дафтариға овоз берувчи фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, мурожаат қилинган вақти ҳақида тегишли ёзув киритади ва ушбу маълумотлар участка комиссияси аъзосининг имзоси билан тасдиқланади.

99. Участка комиссияси томонидан овоз берувчи фуқаро турган жойда овоз беришни ташкил этиш референдум кунидаги иш ҳажми ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича йўлга тушадиган участка комиссиясининг аъзолари мурожаатлар сонига тенг миқдордаги бюллетенларни имзо чекиб оладилар. Фуқаролар мурожаатларининг сони, шунингдек ишлатилган ва қайтарилган овоз бериш бюллетенларининг сони мазкур Низомнинг 16-иловасига мувофиқ шаклда алоҳида далолатномада қайд этилади.

100. Участка комиссиясининг камида икки нафар аъзоси кўчма қути билан овоз берувчи фуқаронинг турган жойига юборилади, улар овоз берувчи фуқаронинг хоҳиш-иродаси сир сақланишига риоя этилган ҳолда овоз бериш амалга оширилишини таъминлайди. Бунда кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлиши мумкин.

101. Турган жойида овоз берган овоз берувчи фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар ҳақида участка комиссияси аъзоси томонидан мазкур Низомнинг 17-иловасига мувофиқ шаклдаги овоз берувчи фуқаролар рўйхатидан кўчирмага тегишли ёзув киритилади ва овоз берувчи фуқаро бюллетен олганлигини тасдиқлаб, ушбу рўйхатдаги фамилияси қаршисига имзо чекади.

102. Овоз берувчи фуқаро яширин овоз бериб бўлганидан сўнг овоз берувчи фуқаролар рўйхатининг тегишли жойига (овоz берувчи фуқаронинг фамилияси қаршисига) «турган жойида овоз берди» ёзуви киритилади.

XV боб. Овоз бериш натижаларини аниқлаш

103. Участка комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари соат 20:00 да овоз бериш тугаганлигини эълон қилади.

Референдум участкаси биносида ҳозир бўлган овоз берувчи фуқароларга овоз бериш учун имконият берилади (агар овоз берувчи фуқаролар бор бўлса).

104. Ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган худудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларида рўйхатга киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, участка комиссияси овоз бериш тугаганлигини исталган вақтда эълон қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган референдум участкаларида овоз бериш қутиларини соат 20:00 дан олдин очиш ва овозларни санаб чиқишига йўл қўйилмайди.

105. Овоз берувчи фуқароларнинг овозларини санаб чиқиши участка комиссияси аъзолари томонидан овоз бериш қутиларидан мавжуд бўлган бюллетенлар бўйича амалга оширилади. Овоз берувчи фуқароларнинг овозларини санаб чиқиши фақатгина овоз бериш биносида ўтказилади.

106. Участка комиссияси томонидан овозларни санаб чиқиши, овозларни санаб чиқиши натижалари тўғрисидаги баённомаларни тўлдириш жараёнида қўйидагилар ҳозир бўлишлари мумкин:

маҳаллий кузатувчилар;

оммавий ахборот воситаларининг вакиллари;

бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар.

Мазкур жараёнда участка комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслардан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.

107. Референдум участкасида овозларни санаб чиқиши натижалари мазкур Низомнинг 18-иловасига мувофиқ шаклда участка комиссиясининг референдум участкасида овозларни санаб чиқиши натижалари тўғрисидаги баённомаси билан расмийлаштирилади.

108. Участка комиссияси аъзолари овоз бериш тугаганидан сўнг қонунчилиқда белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлигига қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

1-ҳаракат: овозларни санашини бошлишдан олдин столлар бирлаштирилади, барча ёзув ашёлари (ручка, қалам ва бошқа воситалар) ҳамманинг эътиборига ҳавола қилинган ҳолда четга олиб қўйилади;

2-ҳаракат: округ комиссиясидан олинган бюллетенларнинг сони аниқланади ва якуний баённомага киритилади.

3-ҳаракат: фойдаланилмаган ва бузилган бюллетенлар санаб чиқилади ва юқори чап бурчагини кесиш ёки бюллетеннинг орқа томонида тегишли белги қўйиш йўли билан бекор қилинади, бу ҳақда якуний баённомага тегишли ёзув киритилади.

4-ҳаракат: овоз берувчи фуқаролар рўйхати (бошқа референдум участкасида овоз берганлиги ҳақида маълумот киритилгандар бундан мустасно) ва мазкур рўйхат иловаси бўйича мазкур участкадаги овоз берувчи фуқароларнинг умумий сони аниқланади ва якуний баённомага киритилади.

5-ҳаракат: кўчма ва стационар овоз бериш қутиларни очишдан олдин комиссия аъзолари томонидан овоз берувчи фуқаролар рўйхати ва овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасининг ҳар бир варагига шу варақ бўйича бюллетен олганларнинг умумий сони ҳақидаги маълумотлар киритилади;

маълумотлар киритилганидан кейин овоз берувчи фуқаролар рўйхати ва овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасининг ҳар бир вараги ушбу маълумотларни киритган комиссия аъзоси томонидан имзоланади ва варақлардаги рақамлар умумлаштирилади;

овоз берувчи фуқаролар рўйхатининг барча сахифалари бўйича якуний умумий маълумотларни комиссия раиси эълон қиласи, овоз берувчи фуқаролар рўйхатининг охирги варагига киритади, ўз имзоси ва участка комиссиясининг муҳри билан тасдиқлайди ҳамда ушбу маълумотлар якуний баённомага киритилади;

6-ҳаракат: овоз бериш қутиларидаги бир марталик пломбадаги мавжуд рақамлар пломбалаш далолатномасидаги рақамлар билан солиширилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида тузилган референдум участкаларида махсус қоп(лар)даги бир маротаба ишлатиладиган пластмасса пломбадаги мавжуд рақамлар тегишли далолатномадаги рақамлар билан ҳам солиштирилади;

7-ҳаракат: муддатидан олдин овоз берилган бюллетенлар солинган ёпиқ конвертлар овоз бериш кутисига ташланади.

8-ҳаракат: аввал кўчма сўнгра стационар овоз берилган кутилари (Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида тузилган референдум участкаларида махсус қоплар ҳам) очилади. Бюллетенлар стол устига тўкилади ва овоз беришда иштирок этган овоз берувчи фуқаролар (овоз бериш кутиларидағи бюллетенлар) сони аниқланади ҳамда ушбу маълумотлар якуний баённомага киритилади;

9-ҳаракат: референдумга қўйилган масалани ёқлаб ва қарши овоз берилган бюллетенларни ўқиб эшилтирган ва намойиш этган ҳолда алоҳида-алоҳида боғламларга ажратади.

Бюллетенинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилса, масала участка комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади. Бюллетенни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинса, участка комиссияси унинг орқа томонида ҳақиқий эмаслигининг сабабларини кўрсатади. Бу ёзув участка комиссияси камидан уч аъзосининг имзолари билан тасдиқланади.

10-ҳаракат: референдумга қўйилган масала бўйича ёқлаб ёки қарши берилган овозлар алоҳида-алоҳида санаб чиқиш орқали аниқланади ва якуний баённомага киритилади;

Референдумга қўйилган масала бўйича ёқлаб ёки қарши овоз берилган бюллетенлар алоҳида-алоҳида борлам қилиб ўралади. Боғламда овозлар сони кўрсатилади.

11-ҳаракат: қўйидаги бюллетенлар овозларни санаб чиқишда ҳақиқий эмас деб топилади:

белгиланмаган шаклдаги бюллетенлар (ҳажми, ранги, қороз сифати, босмахона шрифти ва ҳоказолар бўйича фарқланувчи);

участка комиссияси томонидан тасдиқланмаган бюллетенлар;

овоз бериш чөғида биттадан ортиқ квадратга «+» ёки «✓» ёхуд «x» белгиси қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган бюллетенлар;

(108-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 27 февралдаги 1205-сон қарорига асосан йигирманчи хатбоши билан тўлдирилган)

кўшимча равишда ёзувлар киритилган бюллетенлар.

(108-банднинг йигирма биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 27 февралдаги 1205-сон қарори таҳририда)

Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар саналади, алоҳида боғлам қилиб ўралади ва уларнинг сони якуний баённомага киритилади.

109. Зарур ҳаракатлар амалга оширилганидан кейин комиссия якуний мажлис ўтказади. Унда овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш вақтида йўл қўйилган қонунбузишлилар ҳақида шикоят ёки аризалар келиб тушган бўлса, бундай шикоят ёки аризалар кўриб чиқилади.

110. Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома тузишдан олдин комиссия раиси ҳозир бўлганлар эътиборига овоз бериш кунида ва овоз берувчи фуқаролар овозларини санаб чиқиш тугагунича комиссияга келиб тушган шикоятлар (аризалар) ва улар бўйича қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборотни етказади. Тегишли баённомага илова қилинадиган далолатномалар ва бошқа хужжатларни кўрсатиб ўтади. Комиссия фаолияти бўйича эътиrozлар, шикоятлар борйўқлигини аниқлайди, зарурат бўлса, комиссия ушбу эътиroz ёки шикоятларни кўриб чиқади ва қарор қабул қиласди.

111. Участка комиссияси референдум участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомани тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қиласди. Шундан кейин комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённома иккита нусхада тўлдирилади, имзоланади ва участка комиссияси муҳри билан тасдиқланади.

Участка комиссиясининг референдум участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тұғрисидаги баённомага бирон-бир тарзда үзгартырышлар киритишга йўл қўйилмайди.

Агар участка комиссиясининг референдум участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тұғрисидаги баённомасини тұлдириш вақтида комиссиянинг айрим аъзолари ҳозир бўлмасалар, бу ҳақда йиғилиш баённомасида уларнинг ҳозир бўлмаганликлари сабаблари кўрсатиб ўтилади.

Шундан сўнг участка комиссиясининг референдум участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тұғрисидаги баённомаси участка комиссиясининг раиси ёки раис ўринbosари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун участка комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дархол осиб қўйилади.

Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган кузатувчилар участка комиссияси баённомасининг тасдиқланган кўчирма нусхасини сўраб олишга ҳақли.

112. Участка комиссиясининг референдум участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тұғрисидаги баённомасини имзолаш вақтида баённома мазмуни юзасидан норози бўлган комиссия аъзоси ўзининг алоҳида фикрини йиғилиш баённомасига илова қилишга ҳақли, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

113. Участка комиссиясининг референдум участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тұғрисидаги баённомасининг кўчирма нусхаси ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда дархол тегишли округ комиссиясига тақдим этилади, биринчи асл нусха раис ёки унинг ўринbosари томонидан ички ишлар органлари ходимлари кузатувида округ комиссиясига олиб бориб топширилади.

Округ комиссиясида участка комиссиясининг референдум участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тұғрисидаги баённомаси нотўри тўлдирилганлиги ёки арифметик хатолар мавжудлиги аниқланганда, участка комиссияси қўшимча мажлис ўтказади ва хатоликларни тузатади. Аввалги баённомани

асослари кўрсатилган ҳолда бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди ҳамда янги қарор билан тузатилган баённома тасдиқланади. Ҳамма танишиб чиқиши учун осиб кўйилган баённома янгиси билан алмаштирилади ва округ комиссиясига тақдим этилади.

114. Участка комиссияси раисининг ўринbosари ва котиби «ёқлаб» ва «қарши» овоз берилган бюллетенлар боғламларига берилган овозлар сонини ёзади ва боғламларни қопга тартиб билан солади.

Сўнгра ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар боғлами устига «Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар» деб ёзади ва ёнига сонини ёзиб қопга жойлаштиради.

Ундан кейин фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган бюллетенларни боғламга ўраб, устига «Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган бюллетенлар» деб ёзади, ушбу ёзув ёнига сонини ёзади ва қопга жойлаштиради.

Бюллетенлар жойлаштирилгач, овоз берувчи фуқаролар рўйхати ва овозларни санаб чиқиш бўйича баённоманинг иккинчи нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳам қопга жойлаштирилади.

Қоп пломба билан пломбаланади ва қопни пломбаланганилиги ҳақида далолатнома тузилади. Сўнгра қоп сейфга жойлаштирилиб, участка комиссияси раиси имзоси ва муҳри билан мухрланади.

XVI боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш

115. Маҳаллий кузатувчилар, овоз берувчи фуқаролар, референдумнинг бошқа иштирокчилари (бундан буён матнда мурожаат этувчилар деб юритилади) бевосита ўзлари ёки вакиллари орқали ариза, таклиф ва шикоят билан участка комиссияларига мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда берилиши мумкин.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга.

116. Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида участка комиссиясининг тартиб рақами, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган, шунингдек, мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаатлар давлат тилида ёки бошқа тилларда берилиши мумкин.

117. Мурожаат этувчиларга участка комиссияларига якка ёки жамоа тартибида мурожаат этиш хуқуқи кафолатланади.

118. Мурожаат этиш хуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ёқлаб ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Мурожаат этиш хуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

119. Мурожаат этувчиларнинг ёзма розилигисиз, уларнинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги шарт.

120. Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар участка комиссияси раиси томонидан комиссия аъзолари ўртасида кўриб чиқиши учун тақсимланади.

Участка комиссияси референдумни ўтказиш даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги Қонун талаблари бузилганилиги ёки референдумни ташкил этишнинг бошқа масалалари хусусида ўзига келиб тушган мурожаатларини ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида текширувлар ўтказилиши мумкин.

Мурожаатларга уч кунлик муддатда, агарда референдумга олти кундан кам вақт қолганида ёки овоз бериш куни келиб тушган мурожаатларни эса дарҳол кўриб чиқиб, ёзма жавоб берилади.

Мурожаатда кўтарилиган масала жойида ижобий ҳал этилса, мурожаат этувчининг розилиги билан ёзма жавоб берилмаслиги мумкин.

121. Мурожаатлар қайдлов дафтарида рўйхатга олиниши лозим.

Мурожаатни қабул қилишни ва рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл кўйилмайди.

Участка комиссиясининг раиси мурожаатни кўриб чиқиш ва унга доир қарор қабул қилиш учун комиссияни чақиради ва унинг мажлисини ўтказади. Мажлисга манфаатдор шахслар таклиф этилиши мумкин.

Участка комиссияси мурожаатни қабул қилишни ёки кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этган тақдирда ёхуд мурожаатни кўриб чиқиш натижаси юзасидан мурожаат этувчи норози бўлса, улар устидан судга шикоят қилиши мумкин.

122. Кўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколатига кирмайдиган участка комиссиясига келиб тушган мурожаат уч кунлик муддатда тегишли органларга мурожаат юборган шахс бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда юборилади.

123. Куйидагилар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахслар вакиллари орқали юборилган мурожаатлар, агар уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мос келмайдиган мурожаатлар.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хulosа тузилади, у участка комиссияси раиси ёки раис ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Мурожаат этувчи вакилининг ваколатини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганини тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

124. Мурожаат этувчиларни, уларнинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига, референдумни ўтказувчи комиссияларга ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этганлиги, шунингдек, мурожаатларда ўз фикрини билдирганини ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.

Мурожаат этувчиларни таъқиб қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

125. Мурожаатни кўриб чиқсан участка комиссиялари аъзолари уни кўриб чиқиш вақти, натижалари ва қабул қилинган қарор тўғрисида мурожаат юборган шахсни хабардор қилиши шарт.

126. Мурожаат этувчилар участка комиссияларининг мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ва бошқа қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичida судга шикоят қилиши мумкин.

127. Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли участка комиссиясига ва мурожаат этувчига топшириши лозим.

XVII боб. Референдум тўғрисидаги қонунчилик хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

128. Референдум тўғрисидаги қонунчилик хужжатларини бузганликда айбор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

129. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий иш юритишини расмийлаштириш Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 934-сон қарори билан тасдиқланган Сайлов

комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш бўйича йўриқнома асосида амалга оширилади.

XVIII боб. Участка комиссияларининг ҳужжатлари, муҳрлари ва овоз бериш қутиларини сақлаш

130. Ўзбекистон Республикаси референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги 939-сон қарори билан тасдиқланган Сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш, архивга топшириш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ сақлаш учун тайёrlанади ҳамда топширилади.

131. Участка комиссияси томонидан референдум жараёнида фойдаланилган комиссия муҳри, овоз бериш қутилари, яширин овоз бериш кабиналари, Давлат герби ва байроби каби моддий қийматликлар тегишли равишда туман ва шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳининг масъул шахсларига далолатнома асосида топширилади ва уларнинг жавобгарлигига сақланади.

XIX боб. Якуний қоида

132. Миллий гвардия қўриқлаш бўлинмалари ёки ички ишлар ходимлари бюллетенлар олинган кундан бошлаб бюллетенлар ҳамда бошқа ҳужжатлар сақланадиган бинонинг қўриқланишини таъминлайди.

133. Участка комиссиялари референдум якуnlари расмий эълон қилинганидан кейин ўз фаолиятини тутатади.

Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА



ГУВОҲНОМА

(фамилияси, исми, отасининг исми)

— — референдум округининг
№ референдум ўтказувчи участка комиссияси
РАИСИ

Референдум ўтказувчи округ комиссияси
раси

(имзо) (фамилияси ва исми, отасининг
исми бош харфлари)

20 йил « »
(карор кабул килинган сана)

М.Ў.

РАСМ

Шахсини тасдикловчи хужжат кўрсатилганида ҳақиқийдир.

Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА



ГУВОҲНОМА

(фамилияси, исми, отасининг исми)

— — референдум округининг
№ референдум ўтказувчи участка комиссияси
РАИСИ ЎРИНБОСАРИ

Референдум ўтказувчи участка комиссияси
раси

(имзо) (фамилияси ва исми, отасининг
исми бош харфлари)

20 йил « »
(карор кабул килинган сана)

М.Ў.

РАСМ

Шахсини тасдикловчи хужжат кўрсатилганида ҳақиқийдир.

Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА



ГУВОХНОМА

(фамилияси, исми, отасининг исми)

— № _____ референдум округининг
референдум ўтказувчи участка комиссияси
КОТИБИ

Референдум ўтказувчи участка комиссияси
раиси

(имзо) (фамилияси ва исми, отасининг
исми бош харфлари)

РАСМ

20 ____ йил « ____ »
(карор қабул килинган сана)

М.Ў.

Шахсини тасдикловчи хужжат кўрсатилганида хақиқийdir.

Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА



ГУВОХНОМА

(фамилияси, исми, отасининг исми)

— № _____ референдум округининг
референдум ўтказувчи участка комиссияси
АЪЗОСИ

Референдум ўтказувчи участка комиссияси
раиси

(имзо) (фамилияси ва исми, отасининг
исми бош харфлари)

РАСМ


20 ____ йил « ____ »
(карор қабул килинган сана)

М.Ў.



Шахсини тасдикловчи хужжат кўрсатилганида хақиқийdir.

Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари түғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

СТАЦИОНАР ОВОЗ БЕРИШ ҚУТИЛАРИНИНГ НАМУНАСИ



КҮЧМА ОВОЗ БЕРИШ ҚУТИЛАРИ



Күчма овоз бериш қутилари бинодан ташқарыда овоз бериш учун мұлжалланган.


Олдіндан овоз бериш учун күчма овоз бериш қутиларининг сони тегишли участка комиссиясининг қарори билан белгиланади ва уларнинг ҳар биріга тартиб рақами құйилған бўлиши керак.

Овоз бериш қутилари улар мухрланган пайтдан то очилгунгача участка комиссияси аъзолари, кузатувчиларнинг назоратида бўлиши лозим.


Овоз бериш қутиларининг сақланиши юзасидан назорат олиб бориш комиссия қарори билан белгиланадиган участка комиссияси аъзоси зиммасига юклатилади.

Референдум участкалари ҳамда референдум үтказувчи участка комиссиялари тұғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

МАЙДОНИ КЕНГ БҮЛГАН ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ ХОНАСИ



МАЙДОНИ КИЧИК БҮЛГАН ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ ХОНАСИ




Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА


ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ КАБИНАЛАРИНИНГ ЭСКИЗИ

Яширин овоз бериш кабинаси у жойлашган хонада ҳозир бўлгандар томонидан овоз берувчи фуқаронинг яширин овоз беришини кузатишга имкон бермайдиган ва унинг ўз хошиш-иродасини эркин билдиришини таъминлайдиган даражада ўралган ҳолда ташкил этилади.

Кабинанинг баландлиги 2 метр ва эни 0,75 метр бўлиши керак.



КҮЧМА ОВОЗ БЕРИШ КАБИНАСИ



Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари тұғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Референдум ўтказувчи участка комиссиясининг резина мухри НАМУНАСИ




Референдум ўтказувчи участка комиссиясининг резина муҳри диаметри 35 мм айлана шаклда бўлиб, марказдан 17,5 мм узокликда асосий айлана ва ундан 1 мм масофада яна бир айлана ўтказилган. Иккинчи айлана тагида айлана бўйича «Referendum otkazuvchi uchastka komissiyasi *»* ёзуви бор, ушбу ёзув тагида айлана бўйича «Toshkent shahar *»*. Ушбу матннинг тагидан яна бир ички айлана, марказдан 0,8 мм узокликда ўтказилган бўлиб, айлананинг ичидаги референдум ўтказувчи участка комиссияси тартиб рақами тасвирланган.

* Референдумни ўтказувчи участка комиссияси тартиб рақами тегишили референдум ўтказувчи округ комиссияси томонидан тасдиқланади.


Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссиялари тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

Референдум участкаси кўрсаткичи



Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссиялари тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

Референдум участкаси пешлавҳаси



Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари тұрғысыдаги низомга
11-ИЛОВА

АРИЗА

Референдумда овоз бериш хуқуқимни таъминлаш мақсадыда мени яшаш манзилимга тегишли бўлган _____-сон референдум участкасининг овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритишингизни сўрайман.

Менинг шахсий маълумотларим:

Фамилияси, исми, отасининг исми	Тувиљан йили, ойи ва куни	Паспорт (ёки ID картаси) серияси ва рақами	Яшаш манзили	Телефон рақами

Фуқаро _____
Имзо

Ф.И.О.

Участка
комиссияси
аъзоси _____
Имзо

Ф.И.О.

*Ушбу ариза комиссия раиси ёки котиби томонидан қайдлов дафтарида рўйхатга олинади. Шундан сўнг СЖБАТда белгиланган шаклдаги электроннома тўлдирилади ва овоз берувчи фуқаролар рўйхатига ўзgartириш киритиш учун тегишинча республика, вилоят ёки туман ишчи гурухига автоматик тарзда юборилади.

Референдум участкалари хамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари түррисидаги низомга
12 ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ
ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУКАРОЛДАР РЎЙХАТИ ИЛОВАСИ**

- референдум округти

20 й. « »
(референдум санаси)

РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАСИ

Г/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туар жойи (туар жойни тасдикланчи художника асоси)	СЯЭРда овоз берувчи фукаролар рўйхатига киритилган референдум участкасининг рагами, туман ёки шахар, вилоят (референдум участкаси телефон раками)	Участка комиссияси расмий имоси	Участка комиссияси котиби имоси	Фукаронинг очзи бериш боялетинни оғланлари жайдари имоси

Изоҳ:

Ушбу илова референдум участкалари хамда референдум ўтказувчи участка комиссиялари тўрисидаги низом талобларига каттый амал қилган ҳолда туник тулдирилши шарт!

Ушбу талабга амал қилмаслик, референдум тўрисидаги конунчиллик хужжатларини бузганик учун жавобгарликка сабаб бўлади.

Референдум участкалари хамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари түррисидаги низомта
13 ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ

ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУКАРОЛЛАР РҮЙХАТИДАН КУЧИРМА (муддатидан олдин овоз берганлар бўйича)

_____ - референдум округи

20 ____ й. « ____ » _____
(референдум санаси)

РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАСИ

T/p	Фамилияси, ини, отасининг ини	Туғмаган ини, они, кунин	Турар яхни	Фуқаронинг овоз берали билгетенини олганлиги хакидаги имоси
1	2	3	4	5

Изоҳ: Мазкур рўйхатга овоз берувчи фуқаролар түррисидаги мазъумотлар ёзув руичаси оркали киритилади.

Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари тўғрисидаги низомга
14-ИЛОВА

*Референдум ўтказувчи участка комиссиясида
овоз берииш бюллетенларини комиссия
аъзоларига тақсимлаб бериш
далолатномасининг намунаси*

_____ -референдум ўтказувчи участка комиссиясининг
ДАЛОЛАТНОМАСИ

20____ йил _____

Тошкент шаҳри

Ушбу далолатнома референдум ўтказувчи участка комиссияси раиси ва аъзоси ўртасида овоз бериш бюллетенларини топшириш ва қабул қилиб олиш тўғрисида тузилди.

Ўзбекистон Республикаси референдуми бўйича _____ та
овоз бериш бюллетенлари топширилди ва қабул қилиб олинди.

Топширдим:

_____ - референдум ўтказувчи участка комиссияси
раиси: _____

(Ф.И.О)

(имзо)

Қабул қилдим:

_____ - референдум ўтказувчи участка комиссияси
аъзоси: _____

(Ф.И.О)

(имзо)

Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари тұғрисидаги низомга
15-ИЛОВА

*Овоз бериш қутисини пломбалаш тұғрисида
далолатнома намунаси*

_____ -референдум ўтказувчи участка комиссиясінинг

ДАЛОЛАТНОМАСИ

20 ____ йил _____

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: Референдум ўтказувчи участка комиссияси
аъзолари

Ушбу далолатнома овоз бериш қутисини пломбалаш
тұғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси
томонидан белгиланған тартиб асосида овоз бериш
қутилари _____-сонли, _____-сонли, _____-сонли ва күчма
қути _____-сонли ракамланған пломбалар билан пломбаланды.

_____ - Референдум ўтказувчи участка комиссияси
раиси: _____

(Ф.И.О)

(имзо)

_____ - Референдум ўтказувчи участка комиссияси
котиби: _____

(Ф.И.О)

(имзо)

Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари тўғрисидаги низомга
16-ИЛОВА

*Турган жойида овоз беришни ташкил этиши
учун овоз бериш бюллетенларини олиш
тўғрисида далолатнома намунаси*

**_____ -референдум ўтказувчи участка комиссиясининг
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Биз, қуидаги имзо чекувчилар _____ нинг
(референдум округининг тартиб рақами ва номи)

участка комиссиясининг аъзолари:
(участка комиссиясининг тартиб рақами)

(Ф.И.О.)

(Ф.И.О.)

20 ____ йил «____» _____ куни _____ да
(овоз берииш ўтказилган жой номи)

Турган жойида овоз беришни ташкил этиши учун овоз
бериш бюллетенлари олинганилиги ва овоз берувчи фуқароларга
берилганилиги ҳақида ушбу далолатномани туздик.

Овоз берувчи фуқаронинг турган жойида овоз беришни
ташкил этиши учун _____ нафар фуқаролардан келиб
тушган мурожаатларга асосан _____
(сони рақам ва ёзма шаклда акс эттирилиши лозим)
овоз бериш бюллетен(лар)и олинди.

овоз бериш бюллетен(лар)и _____
(сони рақам ва ёзма шаклда акс эттирилиши лозим)
нафар фуқаро(лар)га берилди.

Ишлатилган бюллетенлар: _____
*(сони рақам ва ёзма шаклда
акс эттирилиши лозим)*

Қайтарилиган бюллетенлар, шундан:

Фойдаланилмаган: _____;
*(сони рақам ва ёзма шаклда
акс эттирилиши лозим)*

Бузилган: _____
*(сони рақам ва ёзма шаклда
акс эттирилиши лозим)*

Овоз берувчи фуқаронинг турган жойида овоз беришни
ўтказган участка комиссияси аъзолари:

М.ў.	(имзо)	(Ф.И.О.)
	(имзо)	(Ф.И.О.)

Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари тўғрисидаги низомга
17-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ

ОВОЗ БЕРУВЧИ ФУҚАРОЛАР РЎЙХАТИДАН КЎЧИРМА
(турган жойида овоз берганлар бўйича)

_____ -референдум округи

20 ____ й. «____» _____
(референдум санаси)

РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАСИ

T/p	Фамилияси, исми, отасининг исми	Тугилган йили, ойи, кунни	Тураг жойи	Фуқаронинг овоз бериш бюллетенинни олганлиги дақидаги имзоси
1	2	3	4	5

Изоҳ: Мазкур рўйхатга овоз берувчи фуқаролар тўғрисидаги
маълумотлар ёзув ручкаси орқали киритилади.

Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссиялари тўғрисидаги низомга
18-ИЛОВА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ

20__ йил «__» _____

РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА КОМИССИЯСИНинг РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАСИДА ОВОЗЛАРНИ САНАБ ЧИҚИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ БАЁННОМАСИ

Участка комиссияси “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги
Қонуннинг 22, 36-моддаларига мувофиқ, _____ референдум округининг
_____ референдум участкасида овозларни санаб чиқиш натижасида қўйидагиларни
аниклади:

1. Референдум участкасида овоз берувчиларнинг умумий сони _____
2. Референдум ўтказувчи участка комиссияси олган овоз бериш бюллетенлари сони _____
3. Овоз бериш бюллетенларини олган фуқаролар сони _____
4. Муддатидан олдин овоз берган фуқаролар сони _____
5. Овоз беришда иштирок этган фуқаролар сони
(овоуз бериш кутиларидаги бюллетенлар сонига мувофиқ) _____
6. Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб, бекор килинган
овоуз бериш бюллетенларининг умумий сони _____

7.	Референдумга қўйилган масалани ёқлаш берилган овозлар сони	
8.	Референдумга қўйилган масалага карши берилган овозлар сони	

9. Ҳақиқий эмас деб топилган овоз бериш бюллетенлари сони _____

Комиссия раиси	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
Комиссия раисининг ўринбосари	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
Комиссия котиби	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
Комиссия аъзолари:		
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>
	<u>(фамилияси, исми, отасининг исми)</u>	<u>(имзо)</u>

Баённома 20__ йил «____» да тузилди.

М.Ў.

ЭСЛАТМА!

Баённома тузилиши билан унинг биринчи нусхаси белгиланган тартибда референдум ўтказувчи округ комиссиясига юборилади.

Баённомонинг биринчи нусхасига: овоз берини натижаларини аниқлашада ҳозир бўлган сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарни органлари ва фуқаролар ташаббускор сурʼуларининг кузатувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, ҳалқаро ташкилотлардан ҳозир бўлган кузатувчилар рўйхати ишлов қилинади.

Баённоманинг иккинчи нусхаси комиссия аъзоларининг алоҳида фикрлари (агар бундай фикрлари бўлса), овоз берини ёки овозларни санаб чиқни чогида ўйл кўйилган камчиликлар тўхрисида келиб тушган муроҷаатлар, ушбу муроҷаатлар бўйича комиссиянинг қабул қилган қарорлари, овоз берини қуттиларини пломбажиши бўйича тузилсан даголатнома, овоз берини билолетенлари ҳамда бошқа референдум ҳужжатлари билан бирга участка комиссиясида сағланади.

Баённоманинг 5-бандида кўрсатилган сон баённоманинг 7, 8 ва 9-бандоларидағи сонлар йиғиндисига тенг (5-банд = 7-банд + 8-банд + 9-банд) бўлиши лозим.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНинг ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги
дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида
референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссияларини ташкил этиш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги
Қонуннинг 18-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов
кодексининг 16-моддасига мувофик, Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги
дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида референдум
участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка
комиссияларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом
иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон
Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг
ўринбосари Б. Кучкаров зиммасига юклансин.

Раис

Тошкент шахри,
2022 йил 13 июль,
1178-сон

3. Низамходжаев

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2022 йил 13 июлдаги 1178-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги
дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида
референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссияларини ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конунига ва Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, консуллик муассасалари (бундан буён матнда дипломатик ваколатхона деб юритилади) ҳузурида референдум участкаларини тузиш, референдум ўтказувчи участка комиссияларини шакллантириш ва уларнинг фаолияти тартибини белгилайди.

**I боб. Дипломатик ваколатхоналар ҳузуридаги
референдум участкаларини тузиш тартиби**

1. Референдум даврида дипломатик ваколатхоналар ҳузурида референдум участкалари (бундан буён матнда хориждаги референдум участкаси деб юритилади) тузилиши мумкин.

2. Хориждаги референдум участкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда МСК деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (бундан буён матнда ТИВ деб юритилади) жойлашган худуддаги референдум округига бириктирилади.

3. ТИВ хориждаги референдум участкасини тузиш тўғрисида тақдимномани МСКга референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор

эълон қилинганидан кейин ўн кундан кечикмай, айрим ҳолларда эса истисно тариқасида референдум үтказишга камидა ўн кун қолгунига қадар киритади.

Хориждаги референдум участкасини тузиш тұғрисида тақдимнома референдум кунига камидა ўн кун қолгунига қадар киритилган тақдирда ушбу тақдимнома билан бир вақтда тегишли референдум үтказувчи округ комиссиясига дипломатик ваколатхоналар хузуридаги референдум үтказувчи участка комиссияси (бундан буён матнда хориждаги участка комиссияси деб юритилади) аъзолигига номзодлар ҳам тавсия этилади.

4. Хориждаги референдум участкаси референдум тайинлаш тұғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин ўн беш кундан кечикмай (айрим ҳолларда эса истисно тариқасида референдум үтказишга камидა беш кун қолганды), қоюда тариқасида, референдумда овоз берувчи фуқароларнинг сони камидә йигирма нафардан ва кўпи билан уч минг нафардан ошмаган ҳолда МСК томонидан тузилади.

Зарур ҳолларда хориждаги референдум участкаларида овоз берувчи фуқаролар рўйхатидаги овоз берувчи фуқаролар сони белгиланган миқдордан кам ёки ортиқ бўлиши мумкин.

5. Дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари томонидан хориждаги участка комиссиясига овоз бериш хоналари бепул тақдим этилади.

6. Дипломатик ваколатхоналар томонидан хориждаги участка комиссияси тұғрисидаги маълумотлар маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда жамоатчиликка эълон қилиб борилади.

Ушбу маълумотларда қўйидагилар акс этган бўлиши лозим:
хориждаги участка комиссиясининг тартиб рақами;
хориждаги участка комиссияси жойлашган манзил;
хориждаги участка комиссиясининг телефон рақами.

Ушбу маълумотлар МСК ва дипломатик ваколатхоналарнинг расмий веб-сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жойлаштирилади.

II боб. Хориждаги участка комиссиясини тузиш тартиби

7. ТИВ хориждаги участка комиссияси аъзолигига номзодларни референдум участкаси биритирилган тегишли референдум ўтказувчи округ комиссиясига тасдиқлаш учун референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин йигирма кундан кечикмай тавсия этади.

8. Тегишли референдум ўтказувчи округ комиссияси беш кунлик муддатда ТИВ тақдим этган номзодларни кўриб чиқади ва хориждаги тегишли участка комиссиясини беш – ўн тўқиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринbosари ва котибдан иборат таркибда тузиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Хориждаги участка комиссияси раисининг вазифаларини дипломатик ваколатхоналарнинг раҳбарлари, раҳбар тайинланмаган бўлса, дипломатик ходими амалга оширади.

Хориждаги участка комиссияси аъзоларининг сони зарур ҳолларда (иш юкламаси ўзгарганда, хусусан, чет давлатларнинг ахоли зич жойлашган ҳудудларида фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш учун ва бошқа ҳолларда) кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

9. Хориждаги участка комиссияси шакллантирилгандан сўнг уларга МСК референдумни ташкил этиш учун зарур бўлган референдумга оид ҳужжатларни, хусусан, овоз бериш бюллетенлари (бундан буён матнда бюллетен деб юритилади), овоз бериш қутилари, яширин овоз бериш кабиналари, хориждаги участка комиссиясининг мухри, пластмассали пломбалар ва бошқа жиҳозларни ТИВ орқали етказиб бериш ҳамда топширишни ташкил этади.

III боб. Хориждаги фуқароларни овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига киритиш

10. Хориждаги референдум участкалари бўйича овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари дипломатик ваколатхоналар

раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

Шунингдек, хорижда вақтинча ёки доимий яшаётган фуқаролар, уларнинг мурожаатларига асосан хориждаги референдум участкаларидаги овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига киритилади.

11. Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига ҳар бир фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили (вақтинча ёки доимий яшаш манзили) киритилади.

12. Ҳар бир фуқаро фақат битта овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига киритилиши мумкин.

13. Хорижий давлатларда турган фуқаролар ўзини овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига киритиш тўғрисида референдум кунига камида ўн беш кун қолгунинг қадар хориждаги участка комиссиясига ёзма шаклда ёки ТИВнинг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

14. Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига киритиш тўғрисидаги мурожаатида фуқаро қўйидаги маълумотларни кўрсатиши лозим:

фамилия, исми, отасининг исми;

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ паспорт рақамидан аниклаштирилади);

туғилган санаси;

Ўзбекистон Республикасидаги охирги доимий яшаш манзили (агар мавжуд бўлса);

хорижий давлатдаги яшаш манзили;

богланиш учун телефон рақамлари.

Мурожаатга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг (нобиометрик, биометрик, хорижга чиқиш ва дипломатик), фотосурати бўлган ва манзили (агар мавжуд бўлса) кўрсатилган вараглари нусхаси илова қилинади.

Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига киритиш тўғрисида ТИВнинг расмий веб-сайти орқали мурожаат қилинганда

фуқаролар электрон шаклда кўрсатилган маълумотларни киритади.

15. Хориждаги участка комиссияси аъзоси фуқаронинг овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига киритиш тўғрисидаги мурожаатида кўрсатилган шахсга доир маълумотларни уч кун ичida текширади ва фуқарони овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритиш ҳақидаги масалани ҳал қиласди.

Фуқаро мазкур Низомнинг 14-бандида назарда тутилган маълумотларни тўлиқ тақдим этмаган тақдирда, хориждаги участка комиссияси фуқарога маълумотларни тўлдириш имконини беради. Агар фуқаро ушбу маълумотларни тўлиқ тақдим этмаса, хориждаги участка комиссияси фуқарони овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига киритилмаганлиги ҳақида хабардор қилиш чораларини кўради.

16. Хориждаги участка комиссияси овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига қўшимча киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни дарҳол ТИВга тақдим этади.

ТИВ ўз навбатида овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига тегишли тузатишлар киритиш учун тақдим қиласди.

17. ТИВ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига хориждаги референдум участкасининг овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига қўшимча киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни, яъни электрон шаклда жисмоний шахснинг идентификация рақамини (у мавжуд бўлмаганда – фуқаро паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек фуқаронинг туғилган санаси (йий.оо.кк), жинси, миллати), фамилияси, исми ва отасининг исмини (давлат тилида, лотин ёзувида), фуқаронинг хориждаги яшаш манзили тўғрисидаги маълумотларни юборади.

18. Хориждаги участка комиссияси рўйхат билан танишиш усуллари, жойи ва вақти тўғрисида референдумда овоз берувчи фуқароларни хабардор этади.

19. Ҳар бир фуқаро овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида хориждаги участка комиссиясига арз қилиши мумкин. Хориждаги участка комиссияси 24 соат ичидаги мурожаатни текшириши, хато ва ноаниқликларни бартараф этиши ёки мурожаат қилувчига унинг мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асосланган жавоб берини шарт.

20. Хориждаги участка комиссияси овоз бериш кунига етти кун қолганида ўз ҳудудидаги овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатини чоп этади ва фуқаролар танишиб чиқиши учун тақдим этади. Ушбу рўйхатда фақат овоз берувчи фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва тугилган йили кўрсатилади.

21. Фуқароларга ТИВ ва дипломатик ваколатхоналарнинг расмий веб-сайтлари ва биноларида уларнинг ички тартиб қоидалари ва режимини инобатга олган ҳолда овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

IV боб. Референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш

22. Референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек референдум куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишида сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, фуқароларнинг ташаббускор гурухларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эга. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

23. Хориждаги участка комиссияси дипломатик ваколатхоналарининг маъмуриятига мазкур Низомнинг 22-бандида кўрсатилган шахслар ҳақидаги маълумотларни (уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, тугилган йили, референдумда ким сифатида иштирок этиши) тақдим этади.

V боб. Хориждаги референдумнинг бориши ҳақида хабардор қилиш

24. Хориждаги участка комиссияси фуқароларни оммавий ахборот воситалари ёки бошқа йўллар билан (маҳаллий шароитни инобатта олган ҳолда):

референдум эълон қилинганилиги;

референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари;

референдум куни, муддатидан олдин овоз бериш кунлари, вақти ва жойи;

хориждаги референдум участкаси манзили;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшётган фуқароларни тегишли хориждаги референдум участкаси овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига киритиш тартиби ва муддатлари;

референдумга қўйилган масалалар;

референдум тўғрисидаги қонунчилик ҳақида хабардор қилишни амалга оширади.

25. Хориждаги участка комиссияси фуқароларни референдум куни, вақти ва жойи ҳақида референдумга камида ўн кун қолганда, муддатидан олдин овоз бериш бошланиши ҳақида эса муддатидан олдин овоз бериш бошланишига беш кун қолганида оммавий ахборот воситалари орқали ёки бошқа йўллар билан хабардор қиласи.

Фуқароларни хабардор қилиш учун МСКнинг расмий веб-сайти, дипломатик ваколатхоналарнинг расмий веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда хориждаги маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан (маҳаллий шароитни инобатта олган ҳолда) фойдаланилади.

26. Референдум куни ва референдумни ўтказишга бир кун қолганида ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

VI боб. Бюллетен

27. Хориждаги референдум участкаларидағи фуқаролар сони ҳақида ТИВ томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида

МСК бюллетенларнинг тайёрланиши ва етказиб берилишини таъминлайди.

Бюллетенларнинг топширилгани ҳамда қабул қилингани тўғрисида референдум ўтказувчи округ комиссияси раиси ёки раис ўринbosари ёхуд котиби ва ТИВнинг масъул ходими мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги далолатномада ўз имзоси билан тасдиқлайди.

МСК ТИВ орқали хориждаги участка комиссиясига бюллетенларни муддатидан олдин овоз бериш кунига қадар овоз берувчи фуқаролар рўйхатининг умумий сонидан келиб чиқсан холда 100,5 фоизда етказиб беради.

28. Бюллетен ўнг томонининг юқори бурчагига хориждаги участка комиссиясининг икки нафар аъзоси имзо қўяди ва имзолар хориждаги участка комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади.

29. Хориждаги участка комиссияси томонидан тасдиқланмаган бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

30. Хориждаги участка комиссияси бюллетенларнинг сақланишига масъулдир.

VII боб. Фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз бериш

31. Муддатидан олдин овоз бериш референдумга ўн кун қолганида бошланади ва референдумга уч кун қолганида туталланади.

32. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вакти МСК томонидан белгиланади ва фуқароларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари ёки бошқа манбалар орқали етказилади.

33. Хориждаги участка комиссияси фуқаролар сони кўплигини инобатга олган холда ва референдум куни овоз бериш биносида навбатларнинг олдини олиш мақсадида фуқароларга муддатидан олдин овоз беришни таклиф қилиши мумкин.

34. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва хорижий давлатларнинг ваколатли давлат ҳокимияти

органлари билан келишувларга мувофиқ хорижий давлатларнинг аҳоли (фуқаролар) зич жойлашган ҳудудларида муддатидан олдин овоз бериш фуқароларнинг турган жойида ўтказилиши мумкин.

Хориждаги участка комиссияси фуқароларнинг турган жойида овоз бериш вақти ҳамда жойи тўғрисида қарор қабул қиласи ва бу ҳақда фуқароларни, кузатувчиларни оммавий ахборот воситалари ёки бошқа манбалар орқали хабардор этади.

35. Фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз бериши кўчма овоз бериш қутилари ва кабиналаридан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Хориждаги участка комиссияси кўчма овоз бериш қутилари ва кабиналарининг зарурий сони ҳақида ТИВга референдумга камида ўн беш кун қолгунига қадар маълум қиласи.

ТИВ зарур бўлган кўчма овоз бериш қутилари ва кабиналарининг сони ҳақидаги умумлаштирилган маълумотни МСКга тақдим этади.

МСК ТИВ ёрдамида хориждаги участка комиссиясини муддатидан олдин овоз бериш бошлангунига қадар зарур кўчма овоз бериш қутилари ва кабиналари билан таъминлайди.

36. Фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз бериши хориждаги участка комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигига ўтказилади.

Бунда, олдиндан пломбаланган кўчма овоз бериш қутилари, кўчма овоз бериш кабиналари, маҳсус қоплар, бир маротаба ишлатиладиган пластмасса пломбалар, белгиланганди шаклдаги бюллетенлар, овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати кўчирмаси ёки овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати, шунингдек фуқаро томонидан бюллетен тўлдирилиши учун ручкалар бўлиши лозим.

37. Фуқаро хориждаги участка комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади (паспорт – нобиометрик, биометрик, хорижга чиқиши ва дипломатик; идентификация ID-картаси; ҳарбий гувоҳнома; Ўзбекистон Республикасига қайтиш гувоҳномаси) ҳамда овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига ёки овоз берувчи фуқароларнинг

рўйхати кўчирмасига имзо қўяди. Шундан кейин унга бюллетен берилади.

Бюллетен фуқаро томонидан яширин овоз бериш кабинаси (кўчма овоз бериш кабинаси) ёки хонасида тўлдирилади.

Бунда фуқаро ўзи овоз бераётган вариант рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «✓» ёхуд «x» белгисини қўяди.

Бюллетенин тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

(37-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 27 февралдаги 1205-сон қарорига асосан иккинчи – тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилган)

Фуқаро тўлдирилган бюллетенин кўчма овоз бериш қутисига ташлайди.

Фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз бериш жараёнида кўчма овоз бериш қутиси тўлиб қолган тақдирда, участка комиссияси аъзоси кўчма овоз бериш қутисини очади ва унинг ичидаги бюллетенларни санамасдан маҳсус қопга жойлайди, қопни пломбалайди ва мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ далолатнома тузади.

Шундан сўнг кўчма овоз бериш қутисини пломбалайди ва бу тўғрисида мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ далолатнома тузади.

38. Тегишли худудда фуқароларнинг турган жойида овоз бериш тугаганидан кейин хориждаги участка комиссияси аъзолари кўчма овоз бериш қутисини очади, унинг ичидаги бюллетенларни санамасдан маҳсус қопга жойлайди, қопни бир маротаба ишлатиладиган пластмасса пломба билан пломбалайди ва бу ҳакда мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги далолатномани расмийлаштиради.

Далолатномада фуқароларнинг турган жойида овоз бериш ўтказилган кун ва жой, бюллетенин олган фуқаролар сони, хориждаги участка комиссияси аъзолари ва овоз бериш жараёнида иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фамилиялари кўрсатилиади.

Мазкур далолатномага овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати ёки овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати кўчирмаси илова қилинади.

39. Бюллетенлар солинган қоп пломбаланган ҳолда далолатнома билан бирга хориждаги референдум участкасига олиб борилади ва референдум куни овозларни санаб чиқиш жараёни бошлангунига қадар сақланади.

Бюллетенлар солинган қоп(лар) ва далолатнома(лар)ни саклаш хориждаги участка комиссияси котиби томонидан тъминланади.

VIII боб. Референдум куни овоз бериш

40. Хориждаги участка комиссияси референдум куни овоз бериш жараёнини ушбу комиссия жойлашган ҳудуддаги маҳаллий вақт билан соат 8:00 дан 20:00 га қадар амалга оширади.

41. Хориждаги участка комиссияси овоз беришни дипломатик ваколатхоналардаги ички тартиб-коидалари, режими ва уларнинг бошқа ўзига хос хусусиятларини инобатта олган ҳолда ташкил этади.

42. Фуқаролар дипломатик ваколатхона ички тартиб-коидалари ва режимидан келиб чиқсан ҳолда, овоз бериш хонасига киритилади.

43. Овоз бериш биносига келгач, фуқаро хориждаги участка комиссияси аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатади (паспорт – нобиометрик, биометрик, хорижга чиқиш ва дипломатик; идентификация ID-картаси; ҳарбий гувоҳнома; Ўзбекистон Республикасига қайтиш гувоҳномаси) ҳамда овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга бюллетен берилади.

44. Бюллетен фуқаро томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади.

Бунда фуқаро ўзи овоз берадиган вариант рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «✓» ёхуд «x» белгисини қўяди.

Бюллетенни тўлдириш вақтида фуқародан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

(44-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 27 февралдаги 1205-сон қарори таҳтирида)

45. Тўлдирилган бюллетенни фуқаро овоз бериш қутисига ташлайди.

46. Хориждаги референдум участкаларида овоз бериш қутиларини маҳаллий вақт билан соат 20:00 дан олдин очиш ва овозларни санаб чиқишига йўл кўйилмайди.

Хориждаги референдум участкаларида рўйхатга киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, хориждаги участка комиссияси овоз бериш тугаганлигини исталган вақтда эълон қилиши мумкин.

47. Хориждаги участка комиссияси томонидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённоманинг кўчирма нусхаси ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда дарҳол тегишли референдум ўтказувчи округ комиссиясига тақдим этилади.

Баённоманинг асл нусхасини почта алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда дипломатик ваколатхоналар орқали референдум ўтказувчи округ комиссиясига етказиб бериш таъминланади.

48. МСК хориждаги участка комиссияси томонидан баённома нусхаларини тегишли референдум ўтказувчи округ комиссиясига етказиб берилиши устидан назоратни амалга оширади.

IX боб. Якуний қоидалар

49. Ушбу Низом билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва МСКнинг 2022 йил 28 июндаги 1172-сон қарори билан тасдиқланган Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссиялари тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда ҳал этилади.

50. Хориждаги участка комиссиясининг референдум үтказиш билан борлық барча хужжатлари, жумладан бюллетенлар дипломатик ваколатхоналарга топширилади.

Дипломатик ваколатхоналар референдумга оид хужжатларни тегишли референдум үтказувчи округ комиссиясига етказилишини таъминлайди.

51. Хориждаги участка комиссияси референдум якунлари расмий эълон қилинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий
давлатлардаги дипломатик ва бошқа
ваколатхоналари хузурида референдум
участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссияларини ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN			
PASPORT	PASSPORT	TURI / TYPE	DAVLAT KODI / COUNTRY CODE
		P	UZB
FAMILIYASI / SURNAME XXX ISMI / GIVEN NAMES XXXX FUQAROLIGI / NATIONALITY UZBEKISTAN TUG'ILGAN SANASI / DATE OF BIRTH 01 01 1980 JINSI / SEX M TASHKENT			
BERILGAN SANASI / DATE OF ISSUE 03 08 2012 AMAL QILISH MUDDATI / DATE OF EXPIRY 12 08 2022			
PERSOULLASHTIRISH ORGANI / AUTHORITY STATE PERSONALIZATION CENTRE			
P<UZBXXX<<<<XXXX<<<<<<<<<<<<<<<<<<< AA0000001UZB8501019M22081213010180005001404			
ПИН ФЛ - жисмоний шахснинг персонал идентификация рақами (14 та рақам)			
3 010180 005 001 4			
Жинс ва туғилган асри индекси Таваллуд санаси (кун/ой/йил) _____			
Туман, шаҳар коди Фуқаронинг тартиб рақами _____			
Назорат рақами _____			

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссияларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

ОВОЗ БЕРИШ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

20 йил «_____» _____
(манзил)

округ комиссияси томонидан
(округ комиссиясининг тартиб рақами ва номи)

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимига _____
(хориждаги участка комиссиясининг тартиб рақами ва номи)

участка комиссияси учун _____ дона
(сони рақам ва ёзма шаклда акс эттирилиши лозим)
овоз бериш бюллетенлари топширилди.

Овоз бериш бюллетенларини топширдим:

округ комиссияси раиси,
(округ комиссиясининг тартиб рақами ва номи)
раис ўринбосари, котиби _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Овоз бериш бюллетенларини қабул қилдим:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикасининг хорижий
давлатлардаги дипломатик ва бошқа
ваколатхоналари хузурида референдум
участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссияларини ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

хузуридаги
(дипломатик ваколатхона номи)

РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА КОМИССИЯСИ

**Овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида
муддатидан олдин овоз беришда
махсус қопни пломбалаш ҳақидаги**

ДАЛОЛАТНОМА

Биз, қуидаги имзо чекувчилар _____ нинг
(референдум округининг тартиб рақами ва номи)

_____ участка комиссиясининг аъзолари:
(хориждаги участка комиссиясининг тартиб рақами ва номи)

(Ф.И.О.)

(Ф.И.О.)

20 ____ йил «____» ____ куни _____ да
(муддатидан олдин овоз бериши ўтказилган жой номи)

Овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин
озоз бериш жараёнида кўчма овоз бериш кутисидаги овоз бериш
буллетенлари маҳсус қопга жойланганлиги ва пломбаланганилиги
ҳақида ушбу далолатномани туздик.

Пломба рақами _____

Овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз беришни ўтказган участка комиссияси аъзолари:

М.Ў. _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз беришда қатнашганлар (агарда бор бўлса):

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикасининг хорижий
давлатлардаги дипломатик ва бошқа
ваколатхоналари хузурида референдум
участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссияларини ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

хузуридаги
(дипломатик ваколатхона номи)

РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА КОМИССИЯСИ

**Овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида
муддатидан олдин овоз беришда
кўчма овоз бериш кутисини пломбалаш ҳақидаги**

ДАЛОЛАТНОМА

Биз, қуидаги имзо чекувчилар _____ нинг
(референдум округининг тартиб рақами ва номи)

_____ участка комиссиясининг аъзолари:
(хориждаги участка комиссиясининг тартиб рақами ва номи)

(Ф.И.О.)

(Ф.И.О.)

20 ____ йил «____» ____ куни _____ да
(муддатидан олдин овоз бериши ўтказилган жой номи)

овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин
овоз беришни ташкил этиш учун кўчма овоз бериш кутисини
пломбаланганилиги ҳақида ушбу далолатномани туздик.

Пломба рақами _____; _____.

Овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз беришни ўтказган участка комиссияси аъзолари:

М.Ў. _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз беришда қатнашганлар (агарда бор бўлса):

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикасининг хорижий
давлатлардаги дипломатик ва бошқа
ваколатхоналари хузурида референдум
участкалари ҳамда референдум ўтказувчи
участка комиссияларини ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

хузуридаги
(дипломатик ваколатхона номи)

РЕФРЕНДУМ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА КОМИССИЯСИ

**Овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида
муддатидан олдин овоз бериш ҳақидаги**

ДАЛОЛАТНОМА

Биз, қуидаги имзо чекувчилар _____ нинг
(референдум округининг тартиб рақами ва номи)

_____ участка комиссиясининг аъзолари:
(хориждаги участка комиссиясининг тартиб рақами ва номи)

(Ф.И.О.)

(Ф.И.О.)

20 ____ йил « ____ » ____ куни _____ да
(муддатидан олдин овоз бериши ўтказилган жой номи)

Овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин
озоз беришни ташкил этилганлиги ва қўчма овоз бериш қутиси-
даги овоз бериш бюллетенлари маҳсус қопга жойланганлиги ва
пломбаланганилиги ҳақида ушбу далолатномани туздик.

Пломба рақами _____

Овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш учун:

_____ овоз бериш бюллетени олинди;
(сони рақам ва ёзма шаклда акс эттирилиши лозим)

_____ овоз бериш бюллетенлари фуқароларга берилди.
(сони рақам ва ёзма шаклда акс эттирилиши лозим)

Қайтарилган овоз бериш бюллетенлари, шундан:

Фойдаланилмаган: _____;
(сони рақам ва ёзма шаклда акс эттирилиши лозим)

Бузилган: _____.
(сони рақам ва ёзма шаклда акс эттирилиши лозим)

Овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз беришни ўтказган участка комиссияси аъзолари:

М.ў.	_____	(имзо)	_____	(Ф.И.О.)
	_____	(имзо)	_____	(Ф.И.О.)

Овоз берувчи фуқароларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз беришда қатнашганлар (агарда бор бўлса):

_____	(имзо)	_____	(Ф.И.О.)
_____	(имзо)	_____	(Ф.И.О.)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНинг
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикасининг референдумида сиёсий
партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари ва фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан
қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида**

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги
Қонуннинг 18-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов
кодексининг 16-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикасининг референдумида сиёсий
партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
ва фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсан.
3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон
Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг
ўринбосари Б. Кучкаров зиммасига юклансин.

Раис

Тошкент шахри,
2022 йил 13 июль,
1179-сон

3. Низамходжаев

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2022 йил 13 июлдаги 1179-сон қарорига
ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикасининг референдумида сиёсий
партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари ва фуқаролар ташаббускор гурухларидан
қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конуннинг 8 ва 9-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг референдумига (бундан буён матнда референдум деб юритилади) тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролар ташаббускор гурухларидан қатнашадиган кузатувчиларининг (бундан буён матнда кузатувчи деб юритилади) хукуқий мақомини, хукуқ ва мажбуриятларини ҳамда уларнинг хужжатларини расмийлаштириш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир референдум участкасида референдум куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида кузатувчи қатнашиш хукуқига эга.

2. Кузатувнинг мақсади референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шу жумладан референдум куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида референдум тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат.

3. Референдум ўтказувчи комиссиялар кузатувчини мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатига асосан рўйхатга олгандан кейин унга ўз ваколатларини тўлақонли ҳамда тўсқинликсиз амалга ошириши учун шароит яратиб беради.

4. Сиёсий партия аъзоси ёки тарафдори ёхуд сиёсий партияга хайриҳоҳ бўлган ҳар қандай Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси сиёсий партиядан кузатувчи бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг ўринбосари, маслаҳатчиси, шунингдек фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахслари кузатувчи бўлиши мумкин, бундан профилактика инспекторлари мустасно.

Референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар ташаббускор гуруҳи аъзоси ёки тарафдори ёхуд фуқаролар ташаббускор гуруҳига хайриҳоҳ бўлган ҳар қандай Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси фуқаролар ташаббускор гуруҳидан кузатувчи бўлиши мумкин.

II боб. Кузатувчиларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш

5. Сиёсий партиянинг туман (шаҳар) ташкилоти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар ташаббускор гуруҳи референдум ўтказувчи округ комиссияси (бундан буён матнда округ комиссияси деб юритилади) тузилганидан кейин ўз кузатувчилари тўғрисида тегишли округ комиссиясига ариза билан мурожаат қиласди.

Аризага кузатувчиларнинг рўйхати (исми-фамилияси, лавозими, яшаш манзили ва телефон раками кўрсатилган ҳолда), уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхалари, 3x4 см ўлчамдаги икки дона фотосурат илова қилинади.

6. Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида тегишли округ комиссиясига референдумга камида ўн кун қолгунга қадар мурожаат қилиниади.

7. Тегишли округ комиссияси сиёсий партия ташкилотининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг, шунингдек фуқаролар ташаббускор гуруҳининг аризасини олгандан кейин беш кун ичида қарор қабул қиласи ва кузатувчи учун мандат беради.

8. Мандат намунаси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил 28 июндаги 1171-сон қарори билан тасдиқланган низом билан белгиланади.

Мандатда сиёсий партияни бошқа сиёсий партиядан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, шунингдек фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан фарқлаш учун алоҳида белгилар (мандат ранги ёки бошқа) акс эттирилиши мумкин.

9. Сиёсий партия ташкилоти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар ташаббускор гуруҳи тегишли округ комиссиясидан мандатларни олгандан сўнг уларни ўз кузатувчиларига етказилишини таъминлайди.

10. Куйидаги ҳолларда мандат бериш рад этилиши мумкин:

шахс 18 ёшга тўлмаган бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса;

референдумга ўн кундан кам муддат қолганда мурожаат этилса;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаса (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг кузатувчилари учун);

мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса.

11. Кузатувчи референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек овоз бериш куни мандатни тақиб юриши шарт.

12. Кузатувчининг ваколат муддати унга мандат берилган кундан бошланади ва референдум якунлари расман эълон қилинган куни тугайди.

III боб. Кузатувчининг ҳукуқ ва мажбуриятлари

13. Кузатувчи:

референдум ўтказувчи комиссияларнинг мажлисларида ҳозир бўлиш;

референдум участкасида ҳозир бўлиш, тайёгарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва овоз бериш қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатта олинишини, овоз бериш бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;

референдум куни овоз бериш жараёнини кузатиш;

муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;

фуқаронинг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериши жараёнини, яширин овоз бериш принципини бузмаган ҳолда кузатиш;

овозларни санаб чиқиша ва референдум ўтказувчи участка комиссиясининг (бундан бўён матнда участка комиссияси деб юритилади) овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённомасини тузишида ҳозир бўлиш;

овоз бериш натижалари тўғрисидаги хужжатларнинг тегишли референдум ўтказувчи комиссия томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;

референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига ҳамда овоз бериш жараёнига халақит бермасдан ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);

кузатув натижалари тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакилларига мурожаат қилиш;

округ комиссияси томонидан участка комиссияларидан овозларни санаб чиқиши натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бўйича овоз бериш якунларини аниқлаш жараёнида ҳозир бўлиш;

ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларига бориши

ҳақида камида уч кун олдин тегишли участка комиссиясини белгиланган тартибда хабардор қилиш;

агар референдум участкасида референдумга оид қонунчилик талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида ушбу участка комиссияси аъзоларига уларнинг ишига аралашмаган ҳолда маълум қилиш, шунингдек юқори турувчи референдум ўтказувчи комиссияларга хабар бериш;

референдум тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳақида, шунингдек референдумга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга.

Кузатувчи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуклардан ҳам фойдаланади.

14. Кузатувчи:

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунга, Марказий сайлов комиссиясининг қарорларига амал қилиши;

барча даражадаги референдум ўтказувчи комиссияларга, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ва бошқа ташкилотларга ташриф буюрганида унга берилган мандатни ҳамда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ёнида олиб юриши ҳамда мансабдор шахслар талабига мувофиқ уларни кўрсатиши;

ўз хulosаларини шахсан ўтказилган кузатув ва ҳақиқий материаллар билан асослаши шарт.

15. Кузатувчига қуйидагилар ман этилади:

овоз берувчи овоз бериш бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

овоз берувчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиши;

овоз берувчилардан улар қандай овоз берганликларини суриштириш ёки уларга овоз бериш бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиши;

участка комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан овоз бериш қутиларини муҳрлаш, уларни очиш, овозларни санаб чиқиш чорига аралашиш;

референдум куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, референдум натижалари прогнозларини, ўтказилаётган референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

16. Кузатувчи «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Конун талабларига ва ушбу Низом қоидаларига риоя этмаган тақдирда, тегишли округ комиссияси унинг ваколатларини муддатидан илгари тутатиши мумкин.

IV боб. Якуний қоидалар

17. Кузатувчи референдум ўтказувчи комиссияларнинг харакатлари ва қарорлари устидан конунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

Кузатувчи шикоятни кўриб чиқишида бевосита иштирок этиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

Ўзбекистон Республикасининг референдумида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 16-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қиласи:

1. Ўзбекистон Республикасининг референдумида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикасининг референдумида қатнашадиган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари тўғрисидаги низом ҳақида» 2001 йил 27 декабрдаги 150-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринbosари Б. Кучкаров зиммасига юклансин.

Раис

Тошкент шаҳри,
2022 йил 13 июль,
1177-сон

З. Низамходжаев

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2022 йил 13 июлдаги 1177-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг референдумида хорижий
давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган
кузатувчилар тұғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тұғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9-моддалари, шунингдек референдумларни ташкил этиш ва үтказиш борасидаги халқаро хуқуқнинг умум әътироф этилган қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқылған бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг референдумида (бундан буён матнда референдум деб юритилади) хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар фаолияти тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларнинг (бундан буён матнда хорижий (халқаро) кузатувчилар деб юритилади) фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тұғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда МСК деб юритилади) қарорлари ҳамда ушбу Низом билан, шунингдек умумәътироф этилган халқаро стандартлар ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси күшилган ҳужжатлари билан тартибга солинади.

2. «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тұғрисида»ги Қонунга мувофиқ референдумга тайёргарлик кўриш ва уни үтказишга доир барча тадбирларда хорижий (халқаро) кузатувчилар қатнашиш хуқуқига эга.

II боб. Хорижий (халқаро) кузатувчиларни таклиф этиш ва уларни аккредитация қилиш тартиби

3. Референдум тайинлаш түррисидаги қарор эълон қилинганидан кейин МСК хорижий давлатлар сайлов органлари ва халқаро ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали таклифнома юборади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўз ташаббусига кўра ёки давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, бошқа ташкилот ва муассасалар таклифларига кўра референдумга хорижий (халқаро) кузатувчиларни таклиф этади.

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар ҳам референдумда хорижий (халқаро) кузатувчи сифатида иштирок этиш истагини изҳор этиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат этиши мумкин.

4. Референдумда хорижий (халқаро) кузатувчи сифатида иштирок этиш учун таклиф этилган, шунингдек бундай истакни изҳор этган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ўз кузатувчиларининг рўйхати, шахсини тасдиқловчи хужжатлари нусхалари, электрон фото суратлари (jreg форматда, камида 100 КВ, 600x600px) ҳамда ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ анкеталарни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тақдим қиласди.

5. Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар тегишли хужжатларни овоз бериш кунидан камида ўн кун олдин тақдим этиши лозим.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тегишли хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар кузатувчиларининг хужжатларини илова қилган ҳолда МСКга тақдимнома киритади. МСК беш кунлик муддатда хорижий (халқаро) кузатувчиларни аккредитация қилиш тўррисида қарор қабул қиласди.

Аkkreditatsiya қилинган хорижий (халқаро) кузатувчиларининг рўйхати МСКнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

7. Қуйидаги ҳолларда хорижий (халқаро) кузатувчиларни аккредитация қилиш рад этилиши мумкин:

аккредитация учун тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низом талабларига жавоб бермаса;

хужжатлар ушбу Низомда белгиланган муддатдан кеч тақдим қилинса;

хорижий (халқаро) кузатувчининг ёки унинг номзодини кўрсатган ташкилотнинг фаолияти миллий қонунчиликка зид бўлса ёки Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва миллий манфаатларига хавф солса.

8. МСК аккредитация қилинган хорижий (халқаро) кузатувчига ушбу Низомнинг 2-иловасидаги намунага мувофиқ мандат беради.

Мандат хорижий (халқаро) кузатувчи референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз фаолиятини амалга ошириши учун асос ҳисобланади.

III боб. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби

9. Хорижий (халқаро) кузатувчилар ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

референдум ўтказувчи комиссияларнинг мажлисларида ҳозир бўлиш;

референдум участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва овоз бериш қутиларининг мухрланишини, фуқароларнинг рўйхатта олинишини, овоз бериш бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;

овоз бериш куни овоз бериш жараёнини кузатиш;

муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;

фуқаронинг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериши жараёнини, яширин овоз бериш принципини бузмаган ҳолда кузатиш;

овозларни санаб чиқишида ва референдум ўтказувчи участка комиссиясининг овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённомасини тузишда ҳозир бўлиш;

овоз бериш натижалари тўғрисидаги хужжатларнинг тегишли референдум ўтказувчи комиссия томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;

кузатув олиб бориш давомида ўзи ёллаган таржимон ҳамроҳлигига бўлиш;

референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига ҳамда овоз бериш жараёнига халақит бермасдан ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);

кузатув натижалари бўйича оммавий ахборот воситалари вакилларига мурожаат қилиш;

ташвиқот белгилари бўлмаган, фамилияси, исми ва отасининг исми, ўзи вакиллик қилаётган ташкилотнинг номи кўрсатилган кўкрак нишонларини тақиши;

референдум ўтказувчи округ комиссияси томонидан участка комиссияларидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бўйича овоз бериш якунларини аниқлаш жараёнида ҳозир бўлиш;

ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин тегишли участка комиссиясини белгилангандар тартибда хабардор қилиш;

агар референдум участкасида референдумга оид миллий қонунчилик ва халқаро нормалар талаблари бузилишига йўл кўйилган деб хисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида ушбу участка комиссияси аъзоларига уларнинг ишига аралашмаган ҳолда маълум қилиш, шунингдек юқори турувчи референдум ўтказувчи комиссияларга хабар бериш;

референдум тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари ҳақида ҳамда референдумга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш.

Хорижий (халқаро) кузатувчилар қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

10. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг мажбуриятлари:
ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, жумладан Ўзбекистонда бўлиш қоидаларига, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги халқаро ҳукуқнинг умум эътироф этилган норма ва принципларига амал қилиш;

референдум устидан халқаро кузатувни амалга ошириш борасидаги ўз вазифаларини холислик, сиёсий бетарафлик принципларига амал қилган ҳолда бажариш, референдум ўтказувчи комиссиялар, давлат органлари, мансабдор шахслар, референдум иштирокчиларига нисбатан қандай бўлмасин бирон-бир тарзда афзаллик билдиришдан воз кечиш;

барча даражадаги референдум ўтказувчи комиссияларга, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ҳамда бошқа ташкилотларга кирганида МСК томонидан берилган мандатни шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда кўрсатиш;

ўз хулосаларини ўтказилган кузатув ва ҳақиқий материаллар билан асослантириш.

11. Хорижий (халқаро) кузатувчиларга қўйидагилар ман этилади:

овоз берувчи овоз бериш бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

овоз берувчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

овоз берувчилардан улар қандай овоз берганликларини суриштириш ёки уларга овоз бериш бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

референдум ўтказувчи участка комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан овоз бериш қутиларини муҳрлаш, уларни очиш, овозларни санаб чиқиш чорида аралашиб;

референдум куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, референдум натижалари прогнозларини, ўтказилаётган референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган

тадбирларда иштирок этиши МСК томонидан олдиндан келишилган ҳолда амалга оширилади.

12. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ваколат муддати уларга мандат берилган кундан бошланади ва референдум якунлари расман эълон қилинган куни тугайди.

IV боб. Хорижий (халқаро) кузатувчилар фаолиятининг кафолатлари

13. Хорижий (халқаро) кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши вақтида Ўзбекистон Республикаси ҳимояси остида бўладилар ва уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳукуқ ва эрикниллари таъминланади.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, МСК, референдум ўtkазувчи округ ва участка комиссиялари ўз ваколатлари доирасида хорижий (халқаро) кузатувчилар фаолиятига кўмаклашади.

15. Референдум ўtkазувчи комиссиялар хорижий (халқаро) кузатувчини мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатига асосан рўйхатга олгандан кейин унга ўз ваколатларини тўлақонли ҳамда тўсқинликсиз амалга ошириши учун шароит яратиб беради.

16. Хорижий (халқаро) кузатувчилар ўз фаолиятларини мустақил равишда амалга оширадилар.

V боб. Референдум тўғрисидаги қонунчиликни ва хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ҳукуқларини бузганлик учун жавобгарлик

17. Хорижий (халқаро) кузатувчилар мазкур Низомда белгиланган ўз ваколатлари доирасидан четга чиқувчи фаолиятни амалга оширишга, шунингдек референдумга тайёргарлик кўриш, уни ўtkазиш ва референдумни кузатиш билан боғлиқ бўлмаган фаолият билан шуғулланишда ўз мақомидан фойдаланишга ҳақли эмас.

18. Агар хорижий (халқаро) кузатувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларини, халқаро

ҳуқуқнинг умум әътироф этилган қоидалари ва нормаларини бузса, МСК хорижий (халқаро) кузатувчи ваколатларини муддатидан илгари тугатиши мумкин.

19. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ҳуқуқларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг
референдумида хорижий давлатлар ва
халқаро ташкилотлардан қатнашадиган
кузатувчилар тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Хорижий (халқаро) кузатувчи сифатида аккредитация
қилиш учун
АНКЕТА**
APPLICATION FORM
for registration as a foreign (international) observer

1.	Фамилияси Family name Исми First name Отасининг исми Patronymic	
2.	Туғилган санаси (кун, ой, йил) Date of birth (day, month, year) Туғилган жойи Place of birth	
3.	Фуқаролиги Present nationality	
4.	Шахсини тасдиқловчи хужжат Identification document Рақами Number Берилган вақти Date of issue Қачонгача ҳақиқият (кун, ой, йил) Date of expiry (day, month, year)	
5.	Қайси тилларда сўзлашади Knowledge of languages	

6.	Иш жойи (түлиқ номланиши, манзили, телефон, факс) Place of work (full name, address, phone, fax of the organization)	
7.	Лавозими Position/Designation	
8.	Сизни хорижий (халқаро) кузатувчи сифатида тавсия этган мамлакат (ташкилот) номи Name of organization/state You represent as foreign (international) observer Телефон (факс) Phone (fax)	
9.	Үй манзили Present home address Телефон Phone Факс Fax E-mail	
10.	Хорижий (халқаро) кузатувчилик тажрибаси, шу жумладан Ўзбекистонда (мамлакат, йил, қайси миссия таркибида) Experience from election observation, including in Uzbekistan (country, year, mission)	
11.	Ўзбекистон Республикасига келиш санаси Date of arrival to the Republic of Uzbekistan	
12.	Ўзбекистон Республикасидан кетиш санаси Date of departure from the Republic of Uzbekistan	
13.	Сана Date	Имзо Signature

Ўзбекистон Республикасининг
референдумида хорижий давлатлар ва
халқаро ташкилотлардан қатнашадиган
кузатувчилар тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

ХОРИЖИЙ (ХАЛҚАРО) КУЗАТУВЧИ МАНДАТИНИНГ НАМУНАСИ ВА ТАВСИФИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Ўзбекистон Республикаси референдуми (*йтказиш санаси*)

ХОРИЖИЙ (ХАЛҚАРО) КУЗАТУВЧИ

МАНДАТ № _____

(*фамилияси*)

(*исми*)

(*мамлакат/ташкилотнинг номи*)

Марказий сайлов комиссияси

Раиси

М. Ў. _____

(*имзо*)

Ушбу мандат шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида ҳақиқий хисобланади
ва референдум якунлари расман эълон қилилган кунгача амал қиласди.

Хорижий (халқаро) кузатувчининг мандати унинг мақомини тасдиқловчи
хужжатдир.

Мандат намунада реквизитлари келтирилган 140 x 100 мм. ўлчамдаги
икки тарафли (ўзбек ва рус ёки ўзбек ва инглиз тилларида) намунавий бланкда
расмийлаштирилади.

Мандатни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари,
Марказий сайлов комиссиясининг логотипи, шунингдек турли безак ва
ранглардан фойдаланилиши мумкин.

Мандатда унинг тартиб рақами, хорижий (халқаро) кузатувчининг
фамилияси, исми, уни вакил сифатида юборган мамлакат (хорижий
давлатларнинг кузатувчилари учун) ва (ёки) ташкилот (халқаро
ташкилотларнинг кузатувчилари учун) номи кўрсатилади ва Марказий сайлов
комиссияси раисининг имзоси қўйилиб, комиссиянинг гербли думалоқ муҳри
 билан тасдиқланади. Техник имкониятлардан келиб чиқиб, мандат QR-код
орқали тасдиқланиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНинг
ҚАРОРИ**

**Референдум даврида оммавий ахборот воситалари
вакилларини аккредитациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги
Қонуннинг 18-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси
Сайлов кодексининг 16-моддасига мувофиқ мувофиқ, Ўзбекистон
Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қиласди:

1. Референдум даврида оммавий ахборот воситалари
вакилларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги
низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсан.
3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон
Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг
ўринбосари Б. Кучкаров зиммасига юклансин.

Раис

3. Низамходжаев

Тошкент шахри,
2022 йил 30 август,
1185-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2022 йил 30 августдаги 1185-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг референдумида оммавий
ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ҳамда «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг референдумини (бундан буён матнда референдум деб юритилади) ёритиш учун хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари (бундан буён матнда ОАВ деб юритилади) вакилларини аккредитациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари референдумга тайёргарликнинг бориши ва у қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда қатнашиш учун ОАВ вакиллари аккредитациядан ўтказилади.

ОАВ вакилларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда МСК деб юритилади) томонидан берилган гувоҳномалар билан тасдиқланган бўлиши керак.

2. ОАВ референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинган кундан бошлаб, референдум ўтказилишига кечи билан ўн кун қолгунига қадар МСКга ўз вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида мурожаат қилишлари мумкин.

3. МСК томонидан аккредитациядан ўтказилган ОАВ вакилига мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги гувоҳнома берилади.

4. ОАВ вакиллари ваколат муддати унга аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилган кундан бошланади ва референдум якунлари расман эълон қилинган куни тугайди.

II боб. Маҳаллий ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказиш

5. Референдумда маҳаллий ОАВ вакиллари МСК томонидан аккредитациядан ўтказилади.

6. Аккредитация учун маҳаллий ОАВ раҳбарлари МСКга ариза билан мурожаат қиласди.

Референдумни ёритиш мақсадида маҳаллий ОАВ раҳбарлари МСКга ариза билан мурожаат қиласди.

Маҳаллий ОАВнинг аризасида аккредитацияга тақдим этилган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилади ҳамда қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ходимнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

маҳаллий ОАВнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;

ҳар бир ходим учун тўлдирилган ОАВ вакилини аккредитациядан ўтказиш анкетаси;

ходимнинг электрон фотосурати (оқ фонда јрег форматда, 3x4 см ўлчамда, камида 100 КВ, 600x600р, кўпи билан 90 кун олдин туширилган бўлиши ҳамда ходимнинг юзи ва елкаларининг юқори қисми кўриниб туриши керак).

Маҳаллий ОАВ вакилини аккредитациядан ўтказиш учун ариза ва анкета мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ тўлдирилади.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар МСКга электрон шаклда юборилади. Бунда мазкур банднинг иккинчи – бешинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатлар pdf форматда бўлиши лозим.

7. Мурожаат беш кун ичидаги кўриб чиқилиб, МСКнинг қарори асосида маҳаллий ОАВ вакилига аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

III боб. Хорижий ОАВ вакилларини аккредитациядан ўtkазиш тартиби

8. Референдумда хорижий ОАВ вакиллари МСК томонидан аккредитациядан ўтказилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига (бундан бўён матнда ТИВ деб юритилади) аккредитациядан ўтган хорижий ОАВ вакилларини МСКдан аккредитациядан ўтказиш учун тегишли ОАВ мухбирлик пункти (бюроси,офиси) раҳбари МСКга мурожаат қилади.

Мурожаатда аккредитацияга тақдим этилган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилади ҳамда қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ходимнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

ҳар бир ходим учун тўлдирилган ОАВ вакилини аккредитациядан ўтказиш анкетаси;

ТИВ томонидан аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;

ходимнинг электрон фотосурати (оқ фонда jpeg форматда, 3x4 см ўлчамда, камида 100 KB, 600x600р, кўпи билан 90 кун олдин туширилган бўлиши ҳамда ходимнинг юзи ва елкаларининг юқори қисми кўриниб туриши керак).

Ҳужжатлар МСКга электрон шаклда юборилади. Бунда мазкур банднинг иккинчи – бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатлар pdf форматда бўлиши лозим.

Мурожаат беш кун ичидаги кўриб чиқилади ва МСК қарори асосида хорижий ОАВ вакилига аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

10. ТИВдан аккредитациядан ўтмаган хорижий ОАВ вакиллари референдумни ёритиш мақсадида ТИВга мурожаат қиласидилар. Мурожаатга:

оммавий ахборот воситаси тўғрисида маълумотнома-ахборот;

аккредитацияга тақдим этилган ходимнинг таржимаи ҳоли маълумотлари, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва 3x4 см ўлчамдаги икки дона фотосурати илова қилинади.

11. ТИВдан аккредитациядан ўтмаган хорижий ОАВ вакилларининг мурожаати тақдим этилган кундан кейин икки ҳафтадан кечикмай ТИВ томонидан кўриб чиқилади. Мазкур Низомнинг 10-бандида қайд этилган маълумотлар кўрсатилмаган, шунингдек белгиланган муддатда берилмаган мурожаат кўрилмасдан қолдирилади.

12. ТИВ хорижий ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида МСКга тақдимнома киритади.

Тақдимнома беш кунлик муддат ичидан кўриб чиқилиб, МСК қарори асосида хорижий ОАВ вакилига аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

IV боб. ОАВ вакилининг ҳукуқ ва мажбуриятлари

13. ОАВ вакили:

референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш;

референдум ўтказувчи комиссияларнинг мажлисларида ҳозир бўлиш;

референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари нусхаларини ОАВда ёритиш учун олиш;

муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;

референдум куни овоз бериш хоналарида, шу жумладан овозларни санаб чиқишида ҳозир бўлиш;

референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига ҳамда овоз бериш жараёнига халақит бермасдан ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасаларида ташкил этилган референдум участкалари бундан мустасно);

фуқаронинг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериш жараёнида ҳозир бўлиш;

референдум ўтказувчи округ комиссияси томонидан участка комиссияларидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиши ҳамда округ бўйича овоз бериш якунларини аниқлаш жараёнида ҳозир бўлиш;

референдумга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга.

ОАВ вакили қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

14. ОАВ вакили:

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонун, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ва МСКнинг қарорларига амал қилиши;

референдум ўтказувчи комиссияларнинг бинолари (хоналари), мажлислари ва матбуот анжуманларида гувоҳномани бошқаларга кўринадиган тарзда доимо тақсан бўлиши;

мажлислар, матбуот анжуманлари, овоз бериш ва бошқа тадбирлар ташкил этиладиган бинонинг ўзлари учун ажратилган жойида референдумга тайёргарликнинг бориши ва у қандай ўтаётганигини ёритиши;

референдум жараёнини ёритишда референдум ўтказувчи комиссиянинг фаолиятига ҳамда овоз бериш жараёнига халақит бермаслиги;

референдум ўтказувчи комиссияларга, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ва бошқа ташкилотларга ташриф буюрганида унга берилган гувоҳномани ҳамда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ёнида олиб юриши ҳамда мансабдор шахслар талабига мувофиқ уларни кўрсатиши шарт.

15. ОАВ вакилига қўйидагилар ман этилади:

конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлири ва маънавиятига тажовуз қилувчи ахборотларни тарқатиши;

овоз берувчиларга таъсир ўтказиш, қонунга хилоф равиша бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш;

овоз берувчи овоз бериш бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

овоз берувчилардан улар қандай овоз берганликларини суриншириш ёки уларга овоз бериш бюллетенига белги қўйиша бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

референдум ўтказувчи участка комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан овоз бериш кутилари муҳрланаётган, очилаётган, овозлар санаб чиқилаётганда аралashiш;

референдум куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, референдум натижалари прогнозларини, ўтказилаётган референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

16. ОАВ вакили ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиши жойларида тузилган референдум участкаларига бориши ҳақида тегишли референдум ўтказувчи участка комиссиясини камидаги уч кун олдин хабардор қилиши керак.

17. ОАВ вакили референдум ўтказувчи комиссияларнинг мажлислари, матбуот анжуманлари ва бошқа тадбирларда (бундан бўён матнда тадбир деб юритилади) иштирок этиши ҳақида тегишли референдум ўтказувчи комиссияни олдиндан хабардор қилиши керак. Бунда референдум ўтказувчи комиссия ОАВ вакилларининг тадбирларда иштирок этиши учун зарур шароит яратиш чораларини кўради.

Референдум ўтказувчи комиссия ОАВ вакилларининг тадбирда иштирок этиши учун рўйхатдан ўтиш муддати, тадбирни ўтказиш жойи ва бошқа ташкилий масалаларни эълон қилади.

18. Овоз берувчининг овоз бериш кабинасида ёки хонасида бюллетенни тўлдириш жараёнини суратга ёки видеога олиш, уни тарқатиш, шу жумладан ижтимоий тармоқларга жойлаштириш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситаси вакили овоз бериш сирини ошкор қиласа ёхуд фуқароларнинг хоҳиш-иродасига таъсир кўрсатишга

ҳаракат қилса, у овоз бериш биносидан дарҳол чиқариб юборилади. Бу ҳақда участка комиссияси қарор қабул қиласи.

19. Қуйидагилар ОАВ вакилини аккредитациядан ўтказишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

а) аккредитациядан ўтказиш учун ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

б) анкета тўлиқ ва тўғри тўлдирилмаган бўлса;

в) мазкур Низомда белгиланган муддатларга риоя этилмаганда;

г) ОАВ аккредитациядан ўтаётган даврда доимий фаолият юритмаганда;

д) веб-сайт сифатида рўйхатдан ўтган ОАВнинг ҳужжатларида кўрсатилган веб-сайти мавжуд бўлмаганда;

е) ОАВнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

ж) ОАВнинг чиқарилиши тўхтатиб турилганида ёки тутатилганида;

з) аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги аризада ёки унга илова қилинган ҳужжатда кўрсатилган маълумотлар ҳақиқатга мос келмаса;

и) ОАВнинг Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият юритиши суд қарорига мувофиқ чекланган ёки тақиқланганда;

й) ОАВ қайта рўйхатдан ўтказилмаган бўлса (агар ОАВ рўйхатдан ўтказилганидан сўнг муассис тўғрисидаги маълумотлар, ОАВнинг номи, тили ва тури, мақсад ва вазифалари ҳақидаги маълумотларга ўзгартиришлар киритилган бўлса).

МСК матбуот хизмати ОАВга аккредитациядан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларида мавжуд камчиликларни бартараф этишни таклиф қилиши мумкин.

Ҳужжатларда йўл қўйилган камчиликлар бир кунлик муддатда бартараф этилмаган тақдирда, ОАВ вакилини аккредитациядан ўтказиш рад этилади.

ОАВ вакилини аккредитациядан ўтказиш рад этилганида, бу ҳақда алоҳида қарор қабул қилинмайди ҳамда ОАВга унинг рад этилганлиги тўғрисида мазкур Низом ва (ёки) қонунчилик нормаларига асосланган жавоб берилади.

ОАВ мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган камчиликни бартараф қилган ҳолда референдумга ўн кун колгунига қадар МСКга қайта мурожаат қилиши мумкин.

20. Қуйидаги ҳолларда ОАВ вакилининг аккредитацияси МСКнинг қарори билан муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

ОАВ вакили «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонун, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, МСКнинг қарорлари талаблари ва ушбу Низом қоидаларини бузганида;

ОАВнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги аризада ёки унга илова қилинган ҳужжатда кўрсатилган маълумотлар ҳақиқатга мос келмаса;

аккредитация қилинган ходим билан ОАВ таҳририяти ўртасида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда;

ходимнинг аккредитациясини бекор қилишни сўраб ОАВ таҳририяти томонидан МСКга ёзма мурожаат йўлланган тақдирда;

ОАВнинг чиқарилиши тўхтатиб турилганида ёки тугатилганида.

21. МСК ОАВ вакилини аккредитациядан ўтказиш, аккредитациядан ўтказишини рад этиш ва унинг аккредитациясини муддатидан илгари тугатиш масалаларини ҳар томонлама кўриб чиқиш ва асосланган қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатларни, давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан сўрашга ва олишга ҳақли.

22. Аккредитациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда ОАВ вакилининг мурожаатига асосан бир иш кунида гувоҳноманинг дубликати берилади. Бунда гувоҳноманинг юқори ўнг бурчагига «Дубликат» деб ёзилади.

23. Аккредитация қилинган ходим ишдан бўшатилган тақдирда ОАВ таҳририяти бу ҳақда дарҳол МСКни хабардор қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг
референдумида оммавий ахборот
воситалари вакилларини аккредитациядан
ўтказиш тартиби тўррисидаги низомга
1-ИЛОВА

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАСИ ВАКИЛИНИ
АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАНЛИГИ ТЎРРИСИДАГИ
ГУВОҲНОМА НАМУНАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИ**

РАСМ

ГУВОҲНОМА № _____

(ОАВ номи)

(ОАВ вакилининг лавозими)

(фамилияси)

(исми)

Марказий сайлов комиссияси

Раиси

М.ў.

(имзо)

Шахсини тасдиқловчи хужжат кўрсатилганида ҳақиқий ҳисобланади.

Изоҳ: Гувоҳномани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат
рамзлари, Марказий сайлов комиссиясининг логотипи, шунингдек турли безак
ва ранглардан фойдаланилиши мумкин. Гувоҳномада референдумни ўтказиш
санаси кўрсатилиши мумкин. Гувоҳноманинг орқа томонига ОАВнинг хукуқ
ва мажбуриятларига оид муҳим маълумотлар акс эттирилиши мумкин.

Мазкур гувоҳноманинг ўлчами: бўйи 140 мм – эни 100 мм. Гувоҳноманинг
олд томони ўзбек тилида, орқа томони ўзбек ёки рус ёхуд инглиз тилида
расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг
референдумида оммавий ахборот
воситалари вакилларини аккредитациядан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ариза намунаси

ТАШКИЛОТ РАСМИЙ БЛАНКАСИ

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясига**

Ариза

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан
боғлиқ жараёнларни ёритиш мақсадида (ОАВ номи ва
шакли, тарқатилиши ҳудуди (веб-сайт бундан мустасно) ва
шакли кўрсатилади) куйидаги ходимларини аккредитациядан
ўтказишингизни сўраймиз:

- 1.
- 2.
- 3.
-

Аkkредитациядан ўтказилаётган ходимлар ОАВ вакилининг
хукуқ ва мажбуриятлари билан таништирилиши таъминланди.

Илова ____ варақда.

Ташкилот раҳбари

Ф.И.О

*Ижрочи: Ф.И.О
Телефон рақами:*

**ОАВ ВАКИЛИНИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ
АНКЕТАСИ**
APPLICATION FORM FOR MEDIA ACCREDITATION

**I. Аккредитацияга тақдим қилинган
ОАВ вакили тұғрисидаги маълумотлар**
Personal information

Fotosurat
Photo
3 x 4
jpeg

Фамилияси: Last name:	Исми: First name:
Фуқаролиги: Nationality:	Ўзбекистондаги манзили (хорижий ОАВ учун): Address in Uzbekistan (for foreign media):
Доимий яшаш жойи: Permanent address:	
Туғилған санаси: Date of birth:	Туғилған жойи: Place of birth:
Лавозими position/designation	Жинси Sex: <div style="display: flex; justify-content: space-around;"> Эркак Male <input type="checkbox"/> Аёл Female <input type="checkbox"/> </div>
E-mail:	
Телефон: Phone number:	Уяли телефон: Mobile phone:

II. Оммавий ахборот воситаси түгрисидаги маълумотлар
Information on the media organization

Ташкилот номи:

Name of media organisation:

ОАВ манзили:

Address of media organisation:

ОАВнинг тури (босма, ТВ-радио, Интернет):

Type of media (print, broadcast, Internet):

E-mail:

ОАВнинг интернетдаги расмий веб-сайти:

Website:

Телефон:

Phone number:

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикасининг референдумига
тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш
ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги
Қонуннинг 18, 42-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси
Сайлов кодексининг 16-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик
кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан
фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ
тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон
Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг
ўринbosари Б. Кучкаров ва Марказий сайлов комиссияси аъзоси
А.Ибодуллаев зиммасига юклансин.

Раис

Тошкент шаҳри,
2022 йил 30 август,
1186-сон

З. Низамходжаев

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2022 йил 30 августдаги 1186-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг референдумига
тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиши молиялаштириш
ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг референдумига (бундан буён матнда референдум деб юритилади) тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда МСК деб юритилади), референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари учун мажбурийдир.

3. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Чет давлатларнинг, уларнинг жисмоний ва юридик шахслари ҳамда халқаро ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан референдумни молиялаштириш, шунингдек фуқаролар ташаббускор гурухларини моддий жиҳатдан бошқача тарзда қўллаб-куватлаш тақиқланади.

5. Мазкур Йўриқноманинг 4-бандида кўрсатилган маблағлар ёки моддий ёрдам келиб тушган тақдирда улар келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичida хайрия субъектига

қайтарилиши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, белгиланган тартибда Давлат бюджети даромадига ўтказилиши лозим.

6. Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини ихтиёрий равишда референдум ўтказиш учун беришлари мумкин. Бу маблағларни МСК референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

2-боб. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатларини режалаштириш

7. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ амалга оширилади.

8. Референдум ўтказувчи округ комиссиялари харажатлар сметаси МСК томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари билан биргаликда туман (шаҳар)лар кесимида референдум ўтказувчи участка комиссиялари бўйича прогноз ёйилмаси илова қилинган ҳолда тузилади. Бунда молиявий ҳужжатларга биринчи имзо ҳуқуқи референдум ўтказувчи округ комиссиясининг раисига, иккинчи имзо ҳуқуқи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари бош бухгалтерига тегишли бўлади.

9. МСК референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир харажатларнинг жамланма сметасини тасдиқлайди ва уни рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (бундан бўён матнда Молия вазирлиги деб юритилади) тақдим этади.

10. Молия вазирлиги референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир харажатларнинг жамланма сметасини ўн кунлик муддат ичida рўйхатдан ўтказади.

3-боб. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатларини амалга ошириш

1-§. Референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини молиялаштириш

11. МСКнинг харажатлари унинг шахсий разна хисобварагидан амалга оширилади.

12. Референдум ўтказувчи округ комиссияларининг харажатлари бўйича тўловлар тегишли референдум ўтказувчи округ комиссияси раиси ва Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бош бухгалтерлари томонидан уларга хизмат кўрсатувчи ҳудудий разначилик бўлинмаларига тақдим этиладиган тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади.

Бунда референдум ўтказувчи округ комиссияси томонидан тегишли ҳудудий разначилик бўлинмасига биринчи имзо (комиссия раисининг) ва иккинчи имзо (тегишинча Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бош бухгалтерларининг) намуналари ҳамда комиссия шахсий таркиби бўйича қарор нусхаси тақдим этилади.

13. Референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари фаолиятини молиялаштириш тегишинча Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг маҳсус очилган шахсий разна хисоб варақлари орқали амалга оширилади.

2-§. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича давлат харидларини амалга ошириш

14. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бўладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

15. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағлар хисобидан референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан тузиладиган шартномалар улар

тегишли ғазначилик бўлинмаларидан мажбурий рўйхатдан ўtkазилганидан кейин кучга киради.

16. Референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва харажатларни амалга ошириш бюджет қонунчилигига белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-§. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш

17. Референдум ўтказувчи округ ва участка комиссияларининг қарорига биноан комиссиянинг раиси, раис ўринbosари, котиби ёки бошқа аъзоларидан бири референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан ўртacha ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда озод қилиниши мумкин.

18. Референдум ўтказувчи округ ва участка комиссияларининг раиси, раис ўринbosари, котиби ва бошқа аъзоларига (транспорт, овқатланиш ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплаш учун) референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан бир марталик компенсация тўлаб берилади. Бунда тўловлар:

референдум ўтказувчи округ комиссияси раисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 бараварида;

референдум ўтказувчи округ комиссияси раиси ўринbosари ва котибига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,5 бараварида;

референдум ўтказувчи округ комиссиясининг бошқа аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1 бараварида;

референдум ўтказувчи участка комиссияси раисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,2 бараварида;

референдум ўтказувчи участка комиссияси раиси ўринbosари ва котибига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1 бараварида;

референдум ўтказувчи участка комиссияларининг бошқа аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,7 бараварида амалга оширилади.

19. Ушбу тўловлар имзо ҳукуқига эга референдум ўтказувчи округ комиссияси раислари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни бош бухгалтерлари томонидан тасдиқланган мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган шаклдаги рўйхат бўйича тўланади.

20. Компенсация тўловларини амалга ошириш референдумга уч кун қолгунига қадар тўлиқ таъминланади.

21. Референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари раислари томонидан комиссия аъзоларига компенсация тўланиши билан боғлиқ асословчи ва тасдиқловчи ҳужжатлар (комиссия қарори, паспорт нусхаси, СТИР, ЖБПХ, банк пластик карта маълумотлари, телефон рақами ва ҳоказо) тегишли ҳокимлик бухгалтериясига тақдим этилади.

22. Референдум ўтказувчи округ комиссияси аъзоларига тўланадиган компенсациялар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни бухгалтериялари томонидан округ комиссияси раисига ишончнома асосида хисобдорлик шарти билан берилади ва комиссия аъзоларига тўлов қайдномалари асосида тарқатилади ёки уларнинг аризасига кўра банк пластик карточкаларига ўтказиб берилади.

Референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзоларига тўланадиган компенсациялар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни бухгалтериялари томонидан туман, шаҳар ҳокимларни бухгалтерларини жалб қилган ҳолда участка комиссияси раисига ишончнома асосида хисобдорлик шарти билан берилади ва комиссия аъзоларига тўлов қайдномалари асосида тарқатилади ёки уларнинг аризасига кўра банк пластик карточкаларига ўтказиб берилади.

23. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишларни бажариш (бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш,

комиссия аъзолари ва аъзоликка номзодларни ўқитиш, матбуот марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, таржимонлик қилиш ва х.к.) учун референдум ўтказувчи комиссияларга мутахассис ва эксперталар жалб қилиниши мумкин.

Бунда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш референдум ўтказувчи комиссия раиси билан амалдаги норматив-хукукий хужжатларга мувофиқ жалб қилинган мутахассис ва эксперталар ўртасида тузиладиган фуқаролик-хукукий тусдаги шартномалар асосида харажатлар сметасида белгиланган маблаглар доирасида амалга оширилади.

4-боб. Референдум ўтказиш жараёнидаги моддий қимматликлар ҳисоби

24. МСК томонидан етказилган товар-моддий қимматликлар тегишли туман ёки шаҳар ҳокимлиги балансига қабул қилиш-топшириш далолатномалари бўйича ҳақ тўламаслик шарти билан қабул қилинади.

25. Туман ёки шаҳар ҳокимлиги қабул қилинган товар-моддий қимматликларга инвентарь рақам беради ва уларнинг сақланиши учун моддий жавобгар шахсни белгилайди.

26. Моддий жавобгар шахс мазкур Йўриқоманинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги тақсимот бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномалари асосида товар-моддий қимматликларни тегишли ҳудудда тузилган участка комиссияси раисига топширади.

27. Референдум натижалари эълон қилингандан сўнг участка комиссиясининг раиси туман ёки шаҳарда товар-моддий қимматликлар учун моддий жавобгар шахсга мазкур Йўриқоманинг 3-иловасида келтирилган шаклдаги тақсимот бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномалари асосида товар-моддий қимматликларни топширади.

28. Қабул қилинган товар-моддий қимматликлар ва моддий жавобгар шахслар рўйхатлари туман ва шаҳарлар кесимида жамланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан мазкур Йўриқоманинг 4-иловасида келтирилган шаклда референдум

натижалари эълон қилингандан кейин ўттиз кундан кечикмасдан МСКга тақдим қилинади.

29. Туман ва шаҳар ҳокимларни жиҳозларни (давлат байроғи, давлат герби, овоз бериш қутилари, яширин овоз бериш кабиналари, ички ва ташқи флагштоклар) бир жойда жамлаган ҳолда яроқли ҳолатда сақлаш учун омборхоналар билан таъминлашга масъулдирлар.

30. Олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги референдум участкаларида фойдаланилган жиҳозлар туман (шаҳар) ҳокимларни томонидан белгиланган жойларда (омборхоналарда) жамлаган ҳолда моддий жавобгар шахснинг назорати остида яроқли ҳолатда сақланиши мумкин.

5-боб. Ҳисобга олиш ва ҳисобдорлик

31. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағлар келиб тушишини ҳисобга олиш бюджет таснифининг тегишли кодларига мувофиқ амалга оширилади.

32. МСК ҳамда референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағларнинг бюджет ҳисоби «ЎзАСБО» дастурий таъминотида белгиланган тартибда юритади.

33. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағларнинг ишлатилмаган қисми референдум ўтказувчи округ комиссиялари томонидан референдум натижалари эълон қилингандан кейин ўн беш кунлик муддатда МСКнинг шахсий разна ҳисобвараига қайтарилади. Ушбу маблағлар жамланиб уч банк иш куни мобайнида Давлат бюджетига қайтарилади.

34. Референдум натижалари эълон қилингандан кейин молиялаштирилган ва фойдаланилган маблағлар ҳаракати бўйича ҳисоботлар:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни томонидан – Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг тегишли молия бош бошқармалари ва

МСКга йигирма кундан кечиктирмасдан мазкур Йўриқноманинг 5-илювасига;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармалари томонидан – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига йигирма беш кундан кечиктирмасдан мазкур Йўриқноманинг 5 ва 6-илюваларига;

в) МСК томонидан – Молия вазирлигига бир ойдан кечиктирмасдан мазкур Йўриқноманинг 5-илювасига мувофиқ шаклдаги ҳисобот маълумотлари жамланган ҳолда тақдим қилинади.

35. Референдум ўтказувчи округ комиссияси раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва улар юзасидан ўз вақтида ҳисобот тақдим қилиш учун масъулдор.

6-боб. Якуний қоидалар

36. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли ва қонуний сарфланиши бўйича МСК бош бухгалтери, тегишлича референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг масъул мансабдор шахслари жавобгар ҳисобланади.

37. Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади.

38. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Ўзбекистон Республикасининг
 референдумига тайёргарлик кўриш ва
 уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда
 маблағлардан фойдаланиш тартиби
 тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

**Референдум ўтказувчи округ ва участка комиссияси
 аъзоларига компенсация тўловлари бўйича
 МАЪЛУМОТНОМА**

Т/р	Ф.И.О	Комиссиядаги лавозими	Компенсация тўлови микдори	Ходимнинг шахсий маълумотлари			
				Паспорт раками, серияси	СТИР	ЖБПХ	Телефон раками

Рахбар

Ф.И.О

Бош ҳисобчи

Ф.И.О

Ўзбекистон Республикасининг
референдумига тайёргарлик кўриш ва
уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда
маблағлардан фойдаланиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

ДАЛОЛАТНОМА

20___ йил «_____» _____ (*KР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар*) _____ (*туман ва шаҳар*) ҳокимлигининг балансида мавжуд бўлган қўйидаги жихозлар ва бошқа товар-моддий қимматликлари ҳокимликнинг моддий жавобгар шахси _____ (*Ф.И.О.*) томонидан Ўзбекистон Республикасининг референдумида фойдаланиш учун _____ -референдум ўтказувчи участка комиссияси раиси _____ (*Ф.И.О.*)нинг моддий жавобгарлигига топширади:

T/Р	Товар-моддий қимматликлар номи	Улчов бирлиги	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Изоҳлар
1.	Ўзбекистон Давлат байроти (ички)	дона			
2.	Ўзбекистон Давлат байроти (ташқи)	дона			
3.	Ўзбекистон Давлат герби	дона			
4.	Овоз бериш қутиси (катта)	дона			
5.	Овоз бериш қутиси (кичинк)	дона			
6.	Овоз бериш қутиси (кўчма)	дона			
7.	Яширин овоз бериш кабинаси (2 хоналик)	дона			
8.	Яширин овоз бериш кабинаси (3 хоналик)	дона			
9.	Яширин овоз бериш кабинаси (4 хоналик)	дона			
10.	Флагшток (ички)	дона			
11.	Флагшток (ташқи)	дона			
12.	Кўчма кабинаси	дона			
13.	Мухр (думалоқ резинали)	дона			

Изоҳ: Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида тўлдириладиган далолатномага Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байрони ҳамда Қорақалпоғистон Давлат герби киритилади.

Топширувчи томон:

туман ёки шаҳар

ҳокимлигининг

ташкилий-кадрлар

гуруҳи раҳбари:

(имзо)

(Ф.И.О.)

туман ёки шаҳар

ҳокимлигининг

моддий жавобгар шахси:

(имзо)

(Ф.И.О.)

Қабул қилувчи томон:

**референдум ўтказувчи участка
комиссияси раиси:**

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикасининг
референдумига тайёргарлик кўриш ва
уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда
маблағлардан фойдаланиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
З-ИЛОВА

ДАЛОЛАТНОМА

20___ йил «_____» _____ (*KP, вилоятлар ва Тошкент шаҳар*) _____ (*туман ва шаҳар*) _____ -референдум ўтказувчи участка комиссияси раиси
(*Ф.И.О.*) референдумда
фойдаланиш учун қабул қилган жиҳозлар ва бошқа товар-
моддий қимматликларни ҳокимликнинг моддий жавобгар
шахси _____ (*Ф.И.О.*)га қайта топширади:

T/р	Товар-моддий қимматликлар номи	Улчов бирлиги	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Изоҳлар
1.	Ўзбекистон Давлат байроғи (ички)	дона			
2.	Ўзбекистон Давлат байроғи (ташқи)	дона			
3.	Ўзбекистон Давлат герби	дона			
4.	Овоз бериш қутиси (катта)	дона			
5.	Овоз бериш қутиси (кичик)	дона			
6.	Овоз бериш қутиси (кўчма)	дона			
7.	Яширин овоз бериш кабинаси (2-хоналик)	дона			
8.	Яширин овоз бериш кабинаси (3-хоналик)	дона			
9.	Яширин овоз бериш кабинаси (4-хоналик)	дона			
10.	Флагшток (ички)	дона			
11.	Флагшток (ташқи)	дона			
12.	Кўчма кабинаси	дона			
13.	Мухр (думалок резинали)	дона			

Изоҳ: Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида тўлдириладиган далолатномага Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байрони ҳамда Қорақалпоғистон Давлат герби киритилади.

Топширувчи томон:

_____ -референдум
ўтказувчи участка
комиссияси раиси: _____
(имзо) _____ (Ф.И.О)

Қабул қилувчи томон:

туман ёки шаҳар
ҳокимлигининг
ташкилий-кадрлар
гурӯҳи раҳбари: _____
(имзо) _____ (Ф.И.О)

туман ёки шаҳар
ҳокимлигининг
моддий жавобгар шахси: _____
(имзо) _____ (Ф.И.О)

Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайергарлик
кўриш ва уни ўтказиши молиялаштириш хамда маблаялардан
фойдаланиш тартиби тўррисидаги йўрикномага

4-ИЛОВА

ВИЛОЯТИДА САКЛНААЁТГАН ЖИХОЗЛАРИ ТЎРРИСИДА
МАЛЬУМОТНОМА

№	Туман номи*	Ўзбекистон Республикаси Давлат гербы	Ўзбекистон Республикаси Давлатат байрони	Яшериин овоз бериш кабиналари				Овоз бериш кутилари				Флагшток
				2 хонали	3 хонали	4 кўчма кабина	стационар кутун	ката кўчма кути	ката 80 см (2021 й.)	ката кўчма кути	ката кўчма кути	
1.												
2.												
3.												
4.												
ЖАМӢ:												

* Туманнада жиҳозларни саклаш жойлари, баландда сакловчи ва масбучу шахслар тўррисидаги жазгуломот ишова қилинади.

ВИЛОЯТ ХОКИМИ

М. Ў.

(имзо)

(Ф.И.О)

ВИЛОЯТ ХОКИМИЛГИНИНГ
ТАШКИЛИЙ-КАДРЛАР ГУРУХИ РАҲБАРИ

219

Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик
кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш хамда маблағлардан
фойдаланиш тартиби тўрисидаги йўрикномага
5-ИЛОВА

**Харажатлар сметасининг ижроси жайдаги
ХИСОБОТ**

20 ____ йил _____ холатига

Ташкилот

Бўлим _____ кичик бўлим _____ боб

Хисобот даври: йиллик (1 январь, чораклик (1 апрель, 1 июль, 1 октябрь)

Бюджет тури

Улчов бирлиги

Тонфа	Модда ва ичник модда	Элемент	Харажатлар номи	Кагор коди	Тасдиқланган (аннексанг) резга	Хисобот даври учун молиялаштирилган	Касса харажат- лар – жани	Хакимий харажат- лар – жани
A			Б	1	2	3	4	5
			Харажатларнинг ҳаммаси					

Рахбар

(имзо)

Бош хисобчи

(имзо)

М.У.

20 ____ йил

Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайергарлик
кўриш ва уни ўтказувчи молиялаштириш хамда маблағлардан
фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўрикномага

6-ИЛОВА

**(Коракалпогистон Республикаси, вилоят, Тошкент шахар, туман, шахар, оқруг)
референдум ўтказувчи округ (участка) комиссиялари томонидан давлат болжети маблағлари
хисобидан амалга оширилган харажатлар бўйича**

МИНГ сўмда

T/p	Аниқланган смета бўйича харажатлар				Молиялаштирилди				Касса харажати				Хажакий харажати				Бироркотга ҳайтарлаган маблағ				
	1-түрх	2-р	4-р	1-түрх	2-р	4-р	1-түрх	2-р	4-р	1-түрх	2-р	4-р	1-түрх	2-р	4-р	1-түрх	2-р	4-р	1-түрх	2-р	4-р
Туман на шахар худжумин- чалик номи надори																					
Худуд бўйича жами																					
Мос равнида туман ва шахрлар кесимида ёнинади																					

**Молия органлари раҳбарлари
(ёки референдум ўтказувчи округ комиссияси роини)**

(Ф.И.О)

Бонг хисобчи

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш
соҳасидаги хуқуқбузарликларни содир этганлик учун
жавобгарликнинг муқаррарлигини
таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14 ва 16-моддаларига асосан сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги хуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қиласди:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51² – 51⁹-моддаларига асосан сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги хуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган;

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, «Прокуратура тўғрисида», «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунларига асосан сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги маъмурий хуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома прокуратура ва ички ишлар органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари ва округ сайлов комиссияларининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан тузилади;

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси, Маъмурий жа-
вобгарлик тўғрисидаги кодексининг 245-моддасига асосан сай-
лов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги
маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳакидаги ишлар жиноят ишлари
бўйича туман, шаҳар судлари томонидан кўриб чиқилади.

(1-банднинг тўртинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июнданги 1072-сон
қарори таҳририда)

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички
ишлар вазирлиги:

сайлов кампанияси даврида сайлов ва референдумни ташкил
етиши ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини
олиш, ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларнинг муқаррар
жавобгарлигини таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатсин;

прокуратура ва ички ишлар органлари ваколатли мансабдор
шахслари томонидан сайлов ва референдумни ташкил этиши
ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни
расмийлаштириш бўйича қўйи турувчи идораларга кўрсатма
берсин.

3. Сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комис-
сиялар томонидан сайлов ва референдумни ташкил этиши
ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни
расмийлаштириш бўйича йўриқнома 1-иловага мувофиқ
тасдиqlansin.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссия-
сининг айrim қарорларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар
киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссия-
сининг «Сайлов ва референдумни ташкил этиши ҳамда ўтказиш
соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий иш юритишни
расмийлаштириш юзасидан услубий тавсияларни тасдиqlash
тўғрисида» 2016 йил 7 октябрдаги 751-сон қарори ўз кучини
йўқотган деб ҳисоблансин.

* 2-илова берилмайди.

6. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

Раис

М. Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 сентябрь,
934-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2019 йил 11 сентябрдаги 934-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи
комиссиялар томонидан сайлов ва референдумни
ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги
хуқуқбузарликларга оид ишларни
расмийлаштириш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги хуқуқбузарликларни сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан аниқлаш, расмийлаштириш ва уларни суд органларига юбориш, шунингдек аниқланган хуқуқбузарликлар ҳақида хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (бундан бўён матнда МЖтК деб юритилади) 51² – 51⁹-моддаларида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан бўён матнда МСК деб юритилади), вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари, округ сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи округ комиссияларининг аъзолари маъмурий хуқуқбузарликка оид ишларни расмийлаштиради.

2. Ушбу Йўриқнома ҳарбий хизматчилар томонидан сайлов ва референдумни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасида содир этилган хуқуқбузарликларни расмийлаштиришга татбиқ этилмайди.

II боб. Сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни расмийлаштириш

3. Сайлов ва референдумни ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлашда МЖтКнинг 51² – 51⁹-моддаларига мувофиқ қўйидаги ҳуқуқбузарликлар аломатлари мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятига аралashiш ва уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириш;

сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишини файрихуқуқий равишда рад этилиши ёки уларни кўриб чиқиш муддатларининг узрли сабабларсиз бузилиши;

номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакили ҳуқуқларининг бузилиши;

номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибининг бузилиши;

сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотлар эълон қилиниши ёки бошқа усуllар орқали тарқатилиши;

сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида ахборот хамда ташвиқот материалларининг қасдан йўқ қилиб юборилиши ёки уларга қасдан шикаст етказилиши;

сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартиби бузилиши, шунингдек жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартиби бузилиши.

4. МЖтКнинг 51² – 51⁹-моддаларида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланган ҳолларда, МЖтКнинг 280 ва 281-моддаларига кўра МСК, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари, округ сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи округ комиссияларининг

раислари, уларнинг ўринбосарлари, котиблари ёки аъзолари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилиши мумкин. Бунда баённома МЖтКнинг 281-моддаси тартибида мазкур Йўриқноманинг иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

5. Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади, гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса – баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош торган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Бунда ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмунни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

6. Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга МЖтКнинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади. Жумладан:

маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишига, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлилиги;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилиши тушунтирилади.

7. МЖтК 284-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, агар баённома тузиш шарт бўлиб, уни жойнинг ўзида тузишнинг имкони бўлмаса, ички ишлар органи ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс ҳуқуқбузарни ички ишлар органига ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига келтириши мумкин.

8. МЖтК 287-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ МЖтКнинг 51², 51⁸ ва 51⁹-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий йўл билан ушлаб турилиши мумкин.

9. Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарни ички ишлар органига ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига келтириш, маъмурий йўл билан ушлаб туриш эҳтиёжи юзага келган тақдирда сайлов комиссиялари аъзолари ички ишлар органлари ходимларига мурожаат қилишлари мумкин.

10. МЖтКнинг 282-моддаси талабларидан келиб чиқиб, баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга МЖтКнинг 51² – 51⁹-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судига юборилади.

(10-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июнданги 1072-сон қарори таҳририда)

11. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага қўйидагилар илова қилинади:

1) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси;

2) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтириши;

3) жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертнинг холосаси, агар улар мавжуд бўлса;

4) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини тасдиқловчи бошқа материаллар.

12. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари МЖтКнинг 281, 282-моддаларида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судига тақдим қилинган тақдирда, ушбу суднинг асослантирилган ёзма талабига кўра 12 соатдан кечиктирмасдан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган орган томонидан камчиликлар бартараф этилиши шарт.

(12-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июнданги 1072-сон қарори таҳририда)

III боб. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш

13. МСК, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари, округ ва участка сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялар аъзолари МЖтКнинг 51² – 51⁹-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланган ҳолларда ушбу ҳолат хақида дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёки юқори турувчи сайлов комиссияларига хабар бериши мумкин.

14. Хабарда қўйидагилар кўрсатилиши зарур:

хуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар (агар мавжуд бўлса);

хуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу хуқуқбузарликнинг моҳияти;

агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари;

зарур бўлган бошқа маълумотлар.

15. Келиб тушган хабарлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

IV боб. Якуний қоидалар

16. Округ сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи округ комиссиялари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилганлиги тўғрисида баённома судга юборилган кундан кечиктирмасдан тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясини ҳамда МСКни хабардор қиласди.

17. Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилганлиги тўғрисида баённома судга юборилган кундан кечиктирмасдан МСКни хабардор қиласди.

18. Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар МЖтКга мувофиқ жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди томонидан кўриб чиқилади.

(18-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1072-сон қарори таҳтирида)

19. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан келишилган.

Сайлов комиссиялари ва референдум
ўтказувчи комиссиялар томонидан сайлов ва
референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш
соҳасидаги хуқуқбузарликларга оид ишларни
расмийлаштириш бўйича йўриқномага
ИЛОВА

**Сайлов ва референдумни ташкил этиш ва ўтказиш
соҳасидаги хуқуқбузарлик ҳақида ____-сонли
БАЁННОМА**

20 ____ « ____ » _____ куни соат _____
(ҳудуд номи)

Ушбу баённомани мен, _____

(баённомани тузувчи шахснинг фамилияси, исми,
отасининг исми, лавозими)

туздим. Фуқаро


(тувилган санаси, жойи) (миллати)

Фуқаролиги (1-Ўзбекистон,
2-чет эл фуқароси, 3-фуқаролиги бўлмаган)


(яшаш жойи)

(телефон)

(иши жойи)

(телефон)

Шахсини

тасдиқловчи хужжат: _____
(тири, серия, рақами, берган орган номи ва вақти)

Менга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 294-моддасида
белгиланган хуқуқ ва бурчларим тушунирилди:

(ҳуқуқбузарнинг имзоси)

20 йил «__» ____ куни соат _____

(ҳуқуқбузарлик содир этилган жой ва унинг тафсилоти)

яъни, МЖтКнинг ____ -моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган.

Гувоҳ ёки холислар: МЖтКнинг 298-моддаси талаблари билан таништирилди.

1. _____
(фамилияси, исми, отасининг исми, тугилган йили)

(яшаш жойи, имзо)

2. _____
(фамилияси, исми, отасининг исми, тугилган йили)

(яшаш жойи, имзо)

Баённома билан танишдим, унинг мазмунни бўйича қуидаги ларни билдираман:

(ҳуқуқбузарнинг тушунтириши берини) (ҳуқуқбузарнинг имзоси)

Баённомага илова этилади: _____

(тиббий текширув хулосаси, далолатнома, далилий ашё, тушунтириш хати, ишга оид бошқа ҳужжатлар)

Маъмурий иш кўриб чиқилган жой ва вақт тўғрисида огоҳлантирилдим:

(имзо)
Баённомани тузган шахс: _____
(имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ ҚАРОРИ

Сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш, архивга топшириш ва йўқ қилиш тартиби тўгрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14 ва 16-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш, архивга топшириш ва йўқ қилиш тартиби тўгрисидаги Йўриқнома 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг айrim меъёрий ҳужжатлари 2-иловага* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг айrim қарорларига 3-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринbosари М. Истамов зиммасига юклансин.

Раис

Тошкент шаҳри,
2019 йил 19 сентябрь,
939-сон

М. Абдусаломов

* 2-илова берилмайди.

** 3-илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2019 йил 19 сентябрдаги 939-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда
уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган хужжатларни
сақлаш, архивга топшириш ва йўқ
қилиш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига (бундан буён матнда Сайлов кодекси деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига (бундан буён матнда маҳаллий Кенгаш деб юритилади) сайловлар ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган хужжатларни сақлаш, архивга топшириш ва йўқ қилиш тартибини белгилайди.

**I боб. Марказий сайлов комиссияси томонидан
хужжатларни сақлаш ва давлат архивига топшириш**

1. Қўйидаги хужжатлар Марказий сайлов комиссиясининг идоравий архивида ўн беш йил мобайнида сақланиб, кейинчалик Ўзбекистон Миллий архивига топширилади:

(1-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 2 июлдаги 1081-сон
қарори таҳтирида)

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, мажлис баённомалари;

б) сайлов ҳамда референдумга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар;

в) сиёсий партиялар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризалари иловалари билан бирга;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси депутатлигига рўйхатга олинган номзодлар рўйхатлари;

д) Сенат аъзолигига номзодларни кўрсатишга доир Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар, вилоятлар ва туман (шаҳар) Кенгашлари қўшма мажлислари баённомалари, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов ва референдум натижалари тўғрисидаги баённомалари;

е) сайланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қонунчилик палатаси депутатларининг, Сенат аъзоларининг рўйхатлари ва ҳисоб карточкалари;

ж) сайлов ва референдум натижалари бўйича молиявий ҳужжатлар;

з) Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган сайлов ва референдум ўтказувчи округ комиссияларининг сайлов ва референдум натижалари тўғрисидаги баённомаларининг биринчи нусхалари иловалари билан бирга.

2. Марказий сайлов комиссиясига сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақалари Марказий сайлов комиссиясида улар келиб тушганидан сўнг олти ой мобайнида сақланади ва мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда йўқ қилинади.

3. Сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига доир Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган шикоят ва аризалар, улар юзасидан қабул қилинган қарорлар уч йил мобайнида сақланади ва мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда йўқ қилинади.

II боб. Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан ҳужжатларни давлат архивига топшириш

4. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари томонидан қўйидаги ҳужжатлар сайлов якунлари расман эълон қилинганидан сўнг вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат архивларига сақлаш учун топширилади:

а) вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссияларининг қарорлари, мажлис баённомалари;

б) сиёсий партиялар раҳбарларининг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризалари иловалари билан бирга;

в) вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига рўйхатга олинган номзодлар рўйхатлари;

г) сайланган вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг рўйхатлари ва ҳисоб карточкалари;

д) сайлов натижалари бўйича молиявий ҳужжатлар;

е) сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига доир шикоят ва аризалар, улар юзасидан қабул қилинган қарорлар;

ж) вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этилган округ сайлов комиссияларининг сайлов натижалари тўғрисидаги баённомаларининг биринчи нусхалари иловалари билан бирга.

5. Туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан қўйидаги ҳужжатлар сайлов якунлари расман эълон қилинганидан сўнг туман ва шаҳар давлат архивларига сақлаш учун топширилади:

а) туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг қарорлари, мажлис баённомалари;

б) сиёсий партиялар раҳбарларининг халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризалари иловалари билан бирга;

в) рўйхатга олинган туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар рўйхатлари;

г) сайланган туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг рўйхатлари ва ҳисоб карточкалари;

- д) сайлов натижалари бўйича молиявий ҳужжатлар;
- е) сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига доир шикоят ва аризалар, улар юзасидан қабул қилинган қарорлар;
- ж) туман ва шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этилган участка сайлов комиссияларининг сайлов натижалари тўғрисидаги баённомаларининг биринчи нусхалари иловалари билан бирга.

(5-банднинг «ж» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 2 июлдаги 1081-сон қарори таҳририда)

III боб. Округ ва участка сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари томонидан ҳужжатларни давлат архивига топшириш

6. Округ сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи округ комиссиялари томонидан қўйидаги ҳужжатлар сайлов ва референдум якунлари расман эълон қилинганидан сўнг тегишли вилоятлар, шаҳар ва туман давлат архивларига сақлаш учун топширилади:

- а) сайлов ва референдум ўтказувчи округ комиссияларининг қарорлари ва мажлис баённомалари;
- б) сайлов ҳамда референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан борлик бошқа ҳужжатлари;
- в) округ комиссияларининг сайлов ва референдум натижалари тўғрисидаги баённомаларининг иккинчи нусхалари;
- г) участка комиссияларининг овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларининг биринчи нусхалари иловалари билан бирга.

7. Участка сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи участка комиссиялари томонидан қўйидаги ҳужжатлар сайлов ва референдум якунлари расман эълон қилинганидан сўнг тегишли шаҳар ва туман давлат архивларига сақлаш учун топширилади:

- а) участка комиссияларининг қарорлари, мажлис баённомалари;

- б) овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомаларининг иккинчи нусхалари;
- в) фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва улар юзасидан қабул қилинган қарорлар;
- г) комиссия аъзоларининг алоҳида фикрлари ҳамда бошқа хужжатлар.

IV боб. Округ ва участка сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари томонидан хужжатларни ҳокимликлар идоравий архивларига топшириш

8. Сайловчилар рўйхатлари (сайловчилар рўйхатларининг электрон версияси), шунингдек референдумда овоз берувчилар рўйхатлари сайлов ва референдум якунлари расман эълон қилинганидан сўнг тегишлилиги бўйича шаҳар ва туман ҳокимликларига топширилиб, уларнинг идоравий архивларида навбатдаги сайлов ёки референдумга қадар фойдаланилиши қонун хужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган хужжатлаштирилган ахборот сифатида сакланади.

9. Сайлов бюллетенлари, шунингдек референдумда овоз бериш бюллетенлари сайлов ёки референдум якунлари расман эълон қилинганидан сўнг тегишлилиги бўйича шаҳар ва туман ҳокимликларига топширилиб, уларнинг идоравий архивларида бир йил давомида сакланади ва мазкур Йўриқномада белгилangan тартибда йўқ қилинади.

10. Округ ва участка сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи округ ва участка комиссияларининг молиявий ҳисоботлари сайлов ёки референдум якунлари расман эълон қилинганидан сўнг тегишлилиги бўйича шаҳар ва туман ҳокимликларига топширилиб, уларнинг идоравий архивларида беш йил давомида сакланади ва мазкур Йўриқномада белгиланганди тартибда йўқ қилинади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳар Кентгашлари депутатлари қўшма мажлисининг Сенат аъзолари

сайлови якунлари тўғрисидаги баённомасининг иккинчи нусхаси ва Сенат аъзолари сайловини ўтказиш билан боғлиқ бошқа хужжатлар тегишилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари идоравий архивларида сақланади.

12. Ўзбекистон Миллий архивига, вилоят, шаҳар ва туман архивларига хужжатларни топшириш Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги 101-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

(12-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 2 июлдаги 1081-сон қарори таҳририда)

V боб. Хужжатларни йўқ қилиш тартиби

13. Мазкур Йўриқномада белгиланган сақлаш муддати тугаган қуйидаги хужжатлар йўқ қилинади:

имзо ва рақалари;

сайлов бюллетенлари;

референдумда овоз бериш бюллетенлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига доир хужжатлар.

14. Амалий аҳамиятини йўқотган хужжатларни йўқ қилиш бўйича Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида эксперт комиссиялари тузилади.

15. Имзо ва рақалари ва Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар Марказий сайлов комиссияси раиси фармойиши билан тузилган Марказий сайлов комиссияси ҳузуридаги эксперт комиссияси томонидан йўқ қилинади.

Сайлов бюллетенлари ва референдумда овоз бериш бюллетенлари бошқа сайлов комиссияларига келиб тушган мурожаатлар билан боғлиқ хужжатлар тегишили вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида эксперт комиссиялари томонидан йўқ қилинади.

16. Йўқ қилиниши лозим бўлган хужжатлар дастлабки саралаш ва экспертизани ўтказган шахслар томонидан тегишили

вилоят, туман, шаҳар ҳокими тасдиқлаган мазкур Йўриқнома-нинг иловасига мувофиқ шаклда тузилган далолатнома асосида йўқ қилинади.

Сайлов бюллетенлари ва референдумда овоз бериш бюллетенларини йўқ қилингани ҳақидаги далолатноманинг бир нусхаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим қилинади.

17. Сайлов бюллетенлари, референдумда овоз бериш бюллетенлари ҳамда бошқа хужжатлар кўпи билан 2-3 кв.см. бўлакларга майдалаш йўли билан йўқ қилинади.

Майдалаш учун тегишли ускуна бўлмаган тақдирда хужжатлар ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилинади.

Хужжатларни тиклаш мумкин бўлган даражада йўқ қилиниши мумкин эмас.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни ва сиёсий партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этишини қўллаб-куватлаш бўйича тўплланган имзо варақалари ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилинади.

19. Бегона шахсларнинг йўқ қилинаётган хужжатлар билан танишиши тақиқланади.

VI боб. Якуний қоидалар

20. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ўзархив» агентлиги билан келишилган.

Сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш
хамда уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган
хужжатларни сақлаш, архивга топшириш
ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
ИЛОВА

**«Тасдиқлайман»
Кибрай туман ҳокими
Ф.И.Ш.**
(имзо)
«_____» 20 ____ йил

ДАЛОЛАТНОМА №

20 ____ йил «____» _____ тумани

Комиссия куйидаги таркибда _____

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
«Сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш хамда уларни
ўтказиш билан боғлиқ бўлган хужжатларни сақлаш, архивга
топшириш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага
асосан илмий-тариҳий қийматта эга бўлмаган, амалий
аҳамиятини йўқотган ва белгиланган сақланиш муддатлари
тугаган куйидаги хужжатлар йўқ қилиниши учун ажратиб
олинган:

(ташкилот номи)

T/p	Ишларнинг номи (сарлавҳаси)	Ишларнинг (хужжатларнинг) сўнгги саналари	Ишлар сони	Сақланиш муддатлари	Изоҳлар

Жами: _____ йилларда _____
иш, томдан иборат ҳужжатлар бўлакларга майдалаш ёки ёқиб
юбориш йўли билан йўқ қилинди.

Комиссия аъзолари: 1._____
2._____
3._____

«Маъқуллайман»
Туман (шаҳар) ҳокимлиги ЭК
20____ йил «___» ____ №

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг сайлов жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда сайлов жараёнига Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини (кейинги ўринларда СЯЭР деб аталади) жорий этиш ишлари амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

СЯЭР «Электрон ҳукумат» тизимини яратиш доирасида амалга оширилади;

СЯЭРни яратиш ва СЯЭРни шакллантиришга йўналтирилган идоравий ахборот тизимларини такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлар Ахборот-коммуникацияларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда СЯЭРнинг ишлашини техникавий таъминлаш учун кўмаклашишга Корея Республикаси томонидан ажратиладиган грант маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

СЯЭРни яратиш бўйича бош пудратчини белгилаш юзасидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсан;

2017 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган Тошкент шаҳри халқ депутатларининг туманлар Кенгашларига сайловлар давомида ахборот тизимининг СЯЭРни шакллантириш ва юритишни назарда тутувчи тажриба тартибида фойдаланилиши ҳукуқий эксперимент сифатида амалга оширилишини, 2018 йилнинг 1 апрелигача эса – СЯЭРни яратишни ва бутун мамлакат бўйича ишга туширишни таъминласин;

икки ой муддатда – жисмоний ҳимоя ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан зарурий чоралар таъминланишини ҳисобга олган ҳолда СЯЭРни амалга ошириш тадбирлари режасини тасдиқласин.

5. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири вазифасини бажарувчи Ш.Х. Шерматов зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 август,
630-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил
15 августдаги 630-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг
Ягона электрон рўйхатини шакллантириш
ва юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси, «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 4 октябрдаги ПҚ-3961-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини (кейинги ўринларда СЯЭР деб аталади) шакллантириш, юритиш, янгилаш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳририда)

2. СЯЭР Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган (шу жумладан сайлов куни), доимий ёки вақтинча яшаш жойи манзилига эга бўлган, муомалага лаёқатли, оғир ва ўта оғир жиноятлари учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланмаётган фуқаролари (кейинги ўринларда сайловчи фуқаролар деб аталади) киритиладиган давлат ахборот ресурси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти (агар сайловчи фуқаро чет давлатда бўлса, хорижга чиқиши паспорти ёки дипломатик паспорти) ёки идентификация ID-картаси серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, фамилияси, исми, отасининг исми (давлат тилида, лотин

ёзувида), туғилган санаси (йийй.оо.кк), доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг яшаш жойи манзили ва унинг кадастр рақами Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази томонидан тақдим этиладиган сайловчи фуқаролар тўғрисидаги ахборотлар ҳисобланади.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳририда)

3. СЯЭРга киритилган сайловчи фуқароларнинг шахсий маълумотларидан иборат бўлган ахборотлар билан ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (кейинги ўринларда МСК деб аталади) томонидан белгиланади.

4. СЯЭР сайлов жараёнини бошқариш бўйича ахборот тизими (кейинги ўринларда СЖБАТ деб аталади) воситасида шакллантирилади ва унинг таркибига киради.

Куйидагилар СЖБАТнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

хавфсиз алоқа каналлари бўйича идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялаш орқали СЯЭРни шакллантириш жараёнини автоматлаштириш;

СЯЭРга тузатиш киритиш имконияти билан сайлов участкалари бўйича сайловчи фуқароларни тақсимлаш воситаларини тақдим этиш;

(4-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳририда)

сайловчи фуқароларга ўз сайлов участкаларига оид ахборотлар билан танишишга ва сайлов участкасини ўзгартиришга сўровнома юбориш имконини бериш;

СЯЭРда сақланадиган маълумотлардан фойдаланувчиларнинг фойдаланиш ва сайлов участкалари бўйича рўйхатларга тузатиш киритиш ҳукуқларини тақсимлаш;

СЯЭРдаги маълумотларни сайлов участкалари чегаралари доирасида автоматик равища тақсимлаш.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарорига асосан еттинчи хатбоши билан тўлдирилган)

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси СЖБАТ ва унинг таркибига кирувчи СЯЭР эгаси ҳамда

СЖБАТ ва СЯЭРни янада тақомиллаштириш бўйича буюртмачи ҳисобланади.

(5-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳририда)

2-боб. СЖБАТ оператори

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги СЖБАТ оператори (кейинги ўринларда Оператор деб аталади) ҳисобланади.

7. Қуидагилар Операторнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

СЖБАТни янада тақомиллаштириш ва унга техникавий хизмат кўрсатиш;

(7-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳририда)

СЖБАТнинг самарали ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

СЖБАТни идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялаш;

СЖБАТнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чоратадибрларини амалга ошириш.

3-боб. СЯЭРни шакллантириш тартиби

8. СЯЭР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази (кейинги ўринларда ДПМ деб аталади) томонидан ушбу Низомнинг 2-бандига мувофиқ тақдим этиладиган сайловчи фуқаролар тўғрисидаги;

сайлов кампанияси даврида сайловчилар рўйхатларини аниқлаштириш орқали сайлов комиссиялари томонидан тақдим этиладиган сайловчи фуқаролар тўғрисидаги ахборотлар асосида шакллантирилади ва янгилаб борилади.

СЯЭР ҳар олти ойда бир марта, сайлов кампанияси даврида эса МСК томонидан ДПМ ва Оператор билан келишилган ҳолда тасдиқланган жадвалга мувофиқ янгиланади.

(8-банднинг тўртинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори маҳририда)

9. Куйидаги давлат органлари (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб аталади) ДПМга тегишли маълумотларни электрон шаклда тақдим этадилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

фуқароларнинг доимий ва/ёки вақтинчалик яшаш манзили тўғрисида;

фуқаролиги белгиланган тартибда тутатилган шахслар тўғрисида;

оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар тўғрисида;

(9-банд «а» кичик бандининг тўртинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори маҳририда)

озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўташ муассасаларидан озод этилган шахслар тўғрисида;

вазирлик тизимидағи таълим муассасаларида таълим олаётган фуқаролар тўғрисида – сайлов бошланишидан уч ой аввал;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ва вазирлик тизими ҳарбий қисмларидаги фуқаролар тўғрисида – сайлов бошланишидан олти ой аввал;

б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги – фуқароларнинг ўлимини рўйхатга олиш тўғрисида;

(9-банднинг «б» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 июлдаги 385-сонли қарори маҳририда)

в) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

вазирлик тизимидағи олий ҳарбий таълим муассасаларида таълим олаётган фуқаролар тўғрисида – сайлов бошланишидан икки ой аввал;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган, ҳарбий қисм худудидаги казармалар, ётоқхоналар ва хизмат турар жойларида яшаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари тўғрисида – сайлов бошланишидан тўрт ой аввал;

ойлик ҳарбий йирин ўтаётган сафарбарлик чақириви резерви хизматчилари тўғрисида – сайлов ўтказиладиган ойнинг иккинчи ўн кунлигига қадар;

(9-банднинг «в» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳририда)

г) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги – судлар томонидан муомалага лаёқатсиз (лаёқатли) деб топилган фуқаролар тўғрисида;

д) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

яшаш давлатини (Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарини) кўрсатган ҳолда доимий ёки вақтинчалик консулилк ҳисобида турган фуқаролар тўғрисида;

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида тузилган участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчилар рўйхатига киритилган ўша давлат худудида турган фуқаролар тўғрисида;

(9-банднинг «д» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳририда)

е) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги – фуқароларнинг кўчмас мулк обьектлари кадастр рақамлари, улар жойлашган манзили ва геолокация (геокод) тўғрисида;

ж) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Миллый гвардияси:

вазирлик (ташкилот) тизимидағи олий ҳарбий таълим муассасаларида таълим олаётган фуқаролар тўғрисида – сайлов бошланишидан уч ой аввал;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ва ҳарбий қисмлардаги фуқаролар тўғрисида – сайлов бошланишидан тўрт ой аввал.

(9-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарорига асосан «е» ва «ж» кичик бандлар билан тўлдирилган)

10. Ваколатли органлар ушбу Низомнинг 9-бандига мувофиқ ДПМга маълумотларни электрон шаклда жисмоний шахснинг идентификация рақамини (агар мавжуд бўлса), паспорти (агар сайловчи фуқаро чет давлатда бўлса, хорижга чиқиш паспорти ёки дипломатик паспорти) ёки идентификация ID-картаси серияси ва рақами, туғилган санаси (йий.оо.кк), жинси, миллати, фамилияси, исми ва отасининг исмини (давлат тилида, лотин ёзувида) кўрсатган ҳолда, фуқароларнинг яшаш жойи манзили (давлатлар, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, туманлари, аҳоли пунктлари ва кўчалари, кадастр рақамлари, улар жойлашган манзили ва геолокация (геокод) тўғрисидаги маълумотларни эса ДПМ ва Оператор билан ўзаро келишилган техник йўриқномадаги маълумотномалар (кейинги ўринларда маълумотномалар деб аталади) асосида юборадилар.

(10-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳририда)

11. ДПМ қуидагиларни таъминлайди:

ушбу Низомнинг 9-10 бандларига мувофиқ ваколатли органлардан фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни олиш ва шакллантириш;

(11-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳририда)

ваколатли органлардан келган маълумотни идентификациялаш;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатидан сайлаш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларни чиқариш;

ушбу Низомнинг 12-бандига мувофиқ сайловчи фуқаролар тўғрисидаги ахборотни электрон шаклда Операторга тақдим этиш.

12. СЯЭРни янгилаш ДПМ томонидан Операторга ҳарбий хизматчилардан ташқари, сайловчи фуқаролар тўғрисидаги рўйхатни электрон шаклда узатиш йўли билан қуидагиларни кўрсатган ҳолда амалга оширилади:

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти (агар сайловчи фуқаро чет давлатда бўлса, хорижга чиқиш паспорти ёки дипломатик паспорти) ёки идентификация ID-картасининг серияси ва рақами;

давлат тили лотин ёзувида фамилияси, исми ва отасининг исми;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг туғилган санаси (йий.оо.кк), жинси ва миллати;

маълумотномалар асосида жойлашув (яшаш) жойи манзиллари.

(12-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳририда)

4-боб. СЯЭРдан фойдаланишни ташкил этиш тартиби

13. СЖБАТ «Ўзбектелеком» АКнинг маълумотларни қайта ишлаш марказида белгиланган тартибда жойлашади.

(13-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳририда)

14. МСК СЖБАТдаги Ўзбекистон Республикасининг сайловчи фуқаролари рўйхатига кириш имкониятига эга.

Қорақалпоғистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар, округ ва участка сайлов комиссиялари СЖБАТдаги тегишли худуд бўйича сайловчи фуқаролар рўйхатидан фойдаланиш имкониятига эга.

МСК ва тегишли сайлов комиссияларининг СЖБАТдан фойдаланиш имкониятлари «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотлар узатиш тармоғи орқали амалга оширилади.

СЖБАТда сайлов комиссияларининг масъул ходимлари идентификацияси авторизация ахборот тизими орқали амалга оширилади.

(14-банднинг тўртминчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳририда)

Б-боб. Сайловчи фуқаролар рўйхатини сайлов участкалари бўйича тақсимлаш ва билан танишиш тартиби

15. Сайловчиларнинг хукуқларини амалга ошириш, уларга тегишли маълумотлар билан танишиш ҳамда овоз беришни ўтказиш учун ҳар бир сайлов участкаси бўйича сайловчи фуқароларнинг рўйхати шакллантирилади.

Сайловчи фуқароларни рўйхатлар бўйича тақсимлаш СЖБАТда округ сайлов комиссиялари томонидан сайлов участкаларининг белгиланган чегаралари доирасида амалга оширилади. Бунинг учун СЖБАТда сайловчи фуқароларнинг рўйхатлари Ўзбекистон Республикасининг аҳоли пунктлари ва кўчалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг чөл элдаги ваколатхоналари бўйича тақдим этилади.

Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан тақдим этилган сайлов участкаларининг дислокациялари асосида сайлов участкаларига тегишли ҳудуд чегаралари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан сайлов округлари ва участкаларининг геолокацияли электрон харитаси тузилади.

(15-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарорига асосан учинчи хатбоши билан тўлдирилган)

16. Сайлов участкаларининг сони ёки чегаралари ўзгарган тақдирда округ сайлов комиссияси 24 соат мобайнида СЖБАТга тегишли ўзгартиришларни киритади.

17. Сайловчи фуқаролар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси асосида ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

Сайловчи фуқаро ўзи бириктирилган сайлов участкаси, манзили ва жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини ёки паспорт ёхуд идентификация ID-картаси серияси ва рақамини киритиш ўйли билан МСК расмий веб-сайти орқали сайлов участкасининг жойлашуви (дислокацияси)га оид ахборот билан танишиш имкониятига эга.

Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини сайловга ўттиз етти кун қолганидан бошлаб, сайловга беш кун қолгунига қадар уйма-уй юриб аниқлик киритади. Ўрганиш давомида сайловчининг шахсига ёки яшаш жойига оид маълумотлар ўзгаргандиги аниқланган тақдирда, СЯЭРга тегишли ўзгартириш киритади.

(17-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳтирида*)

18. СЯЭРда сайловчи фуқаро бўлмаганда ёки унинг сайлов участкаси мос келмаган тақдирда сайловчи фуқаро участка сайлов комиссиясига тегишли ўзгартиришлар киритилиши бўйича ариза билан ёзма ёки МСКнинг расмий веб-сайтида ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда мурожаат қилиш хукуқига эга.

(18-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳтирида*)

6-боб. Якунловчи қоидалар

19. СЯЭРни шакллантириш ва юритиш тартиби схемаси иловада келтирилган.

20. Ваколатли органлар СЯЭРни шакллантириш ва янгилашибориш учун маълумотларнинг ишончлилиги, долзарблиги ва ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан масъулдирлар.

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

**Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг
Ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва
юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг
Ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш
СХЕМАСИ**



(Илованинг матни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 286-сонли қарори таҳририда)

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИГА ОИД**

**ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ
ТҮПЛАМИ**

Нашр учун масъуллар:

Ф. Тожиев

Х. Кличев

Ш. Абдуллаев

Мухаррирлар:

Б. Турғунов

Д. Маткаримова

Компьютерда саҳифаловчи:

Х. Холиёров

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лиц. АI № 032, 29.10.2019 й.

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-үй.

Телефонлар: 71-233-28-18, 71-280-55-47

Веб-сайт: www.adolatmarkazi.uz

e-mail: info@adolatmarkazi.uz

Босишга руҳсат этилди 29.03.2023 й.
Қофоз бичими 60x84^{1/16} «Antiqua» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табори 16,5.
Нашриёт ҳисоб табори 14 Адади 11 571 нусха.
***-буортма.